

ШАРК ЎОЛДУЗИ

ОЙЛИК АДАБИЁТ ВА САН'АТ ЖУРНАЛИ

УЗБЕКИСТОН СОВЕТ ЁЗУЧИЛАРИ СОЮЗИ

7

ИЮЛЬ



ТОШКЕНТ

1948

МЕДИОК АПАДО

— НАЧАЛО ВЪЛНОВОДНОГО АДАРДА

СРЕБРНОГО СОБЕТ ЭЗОНИАН ГОДОСН

НОРП



ТОШЕНІ

— 1970 —

навтамгандо — въшод иядованинаг Э идемко-
нижнотакъ ташм аялуд
натыңдағас ташу.

Дитвт въшод яра
кенди иносирде жиңүткүд иэзидеке Ш
инеңе ви үзгелүгө, въмод иквитети
жаныңе иншү көвитети үзгелт
ишиңе таңында үзгелүгө үзекедү

М. БОБОЕВ

ЮРАК САДОСИ

Туркия матбуотининг билдири-
шига қараганда, Туркияда „Комму-
низма қарши кураш комиссияси“
туэндаган. Туркияниң ма’лум теска-
ричиларидан Елчин бу комиссияга
раис қилиб тайинланган». (ТАСС).

„Комманифести“нинг юз йиллик умри,
Күёш йўли каби муқаррар ва ҳақ.
Тарих гилдирагин бомбанинг зўри,
Сўз блан тўхтатмоқ — мумкинмас мутлақ!

Бу олов байроқнинг тегида баланд —
Кураш чўққиларин босиб ўтдик биз.
Бу нур корвонига йўлиқди ҳарчанд
Жағ йиртганлар...

Балки, сўнгисидир сиз.
Ром бўлган мажлуқдай, Нью-Йорк ва Лондон
Созига шоҳ ташлаб ўйнайсиз роса.
Бироннинг кучига ишониб бугун,
Қиласиз, афандим, зарда, пўписа?

Анқара ишчиси ва оч дәжкони
„Дод!..“ — деса зулмдан,

„Коммунист“ дейсиз.
Осасиз, отасиз, уларнинг қони
Қутлиқдир; билингки, кетмайди изсиз!
Ноҳот унитасиз кечаги кунни,
Гитлер, Геббелльснинг қонли юришиб?
Дар’ёдай оқизиб инсон хунини.
Сиздек ўйламовди нима бўлишин...

Нима бўлди? Боқинг, унитманг Зинҳор!
Адолат байроғи кимнинг қўлида!
Ўзбекнинг ҳикматли бир мақоли бор:
„Сўқирга қуёшли маҳташ бехуда“.

Коммунист инсоннинг қаҳрамонлигин,
Қолмади Ёлчинлардан бошқа — билмагам.
Бугун мушт ўқталар?...

Мушт оғирлигиг

Кеча ўз бошида татиб кўрмаган...
Шаҳарлари бутун; ер, осмони тинч.
Эшитмади бомба, тўплар на'расин.
Оталар кутмади ўғлин эрта-кеч,
Гўдаклар сўрмади бўзлаб онасин...

Иффат ётогидан турк гўзаллари,
Тортиб олинмади Париж қизидай,
Поляк, ёки Чехдай, кўп фарзандлари
Сўйилмади қатор мурғак қўзидаидай.

Буларнинг қотили, сиздек сотқинлар —
Эди, жаҳон билар!

Олдинга қаранг.

Сиз турган капитал ўпқони қулар,
Кутқазалмас ундан на бўхтон, на жанг!..
Коммунизм инсон ҳаққи, мангі бахтидай
Менинг ватанимда гул очмоқдадир.
Унинг ол байроғи, тонг шафагидай,
Мужассам куррага нур сочмоқдадир.

Барибир, әрк деган ботир греклар,
Тюрма ва дорларда этилсин қирғин,
Бари бир, Эронда одил йигитлар
Лутнинг саҳросига¹ қиливсин қувғин,

Барибир, Хитойда у Чан-Кай-шилар
Доллар кучи блан қилсинлар хуруж,
Бани Исроилга қарши Бевинлар
Арабга енг ичра берсинлар қилич,

Барибир, инсонни зулм, асоратда
Сақламоқ мумкинмас; бу шундай кунки,
Адолат ғолибдир онгда, ҳаётда,
Башарият бахтига интилар!.. Чунки:

Коммунизм ғоясининг юз йиллик умри
Қуёш йўли каби муқаррар ва ҳақ.
Тарих ғилдирагин бомбанинг зўри,
Сўз блан тўхтатмоқ — мумкинмас мутлақ!

1948-йил, июнь

¹ Саҳрои Лут — Эроннинг жанубидаги бир саҳро.

ИРИНА ГУРО

ОҚ ЙҮЛ!

Мен ҳали қариганим йүқ. Менинг номимга „ота“ дега^и сүзни қүшиб айтмайдилар. Лекин одамлар мени Са'дулла ота деб айтабошлаганларида ва йиллар қирови соchlаримни оқартырганда ҳам, мен яна үзимни қари деб ҳисобламайман.

Тавба, нима учун одамларнинг ёшини улар ўтган йүлнинг үзүнлиги блан ўлчаш керак?.. Йүқ, мени ўз майлимга қўйиб беринглар; мен буни ўз билигимча ҳал қиласай: мен одамлар ёшиви ўтган йўли блан эмас, ўтадиган йўли блан ҳисоблайман.

Ана шундай қилинганда, киши олдида ҳали бажарилмаган катта-катта ишлар, орзу-ҳаваслар бўй тортиб кўринади. Ана шунда, босиладиган йўлнинг қанчалик узоқ-яқинлиги билинади. Минг қатла шукурки, йўлим узоқ; менга бу йўл катта умидлар бағишлади. Мен, шу йўл блан бориб, юртимда бўладиган ажойиб ўзгаришларни, ажойиб нарсаларни кўраман.

Сиз менинг бу сўзимга: „Э, Са'дулла ака, сиз яна қандай ўзгаришлар бўлишини истайсиз? Фалати одам экансизку, шундай ажойиб, шундай улуф ўзгаришларни кўрмаётисизми? Яна нима истайсиз, бу ахир ношукурликку, Са'дулла ака!“ дерсиз.

Тўғри, ватаним бутунлай бошқа тусга кирди. Мен бу янги, бу ажойиб тусни кўрмадим эмас, — кўрдим, кўрмоқдаман ва бутун қалбим блан қувонмоқдаман. Лекин менинг содда миямга шундай фикрлар келади: қанча илгари боссак, қадамимиз ҳам шунча тез бўлади. Халқимиз жуда катта куч орттириди. Мана, кўрасиз, бу куч блан қанчалик тез юриб кетамиз.

Гойда кечалари уйқум қочиб, ўрнимдан туриб кетаман. Балки сиз кекса кишининг бесаранжомлиги деб ўйларсиз? Йўқ, увдай эмас, мен ёлғиз юриб хаёл сурини яхши кў-

раман. Айвонга чиқаман: теварак ойдин, олам сутга чумгандек. Түлин ой күкда сузиб боради. Богимиз найинки нурга, балки юракларни толпинтирадиган, қувонтирадиган оҳангларга тұлади.

Үз умримда бундай ажойиб кечалардан қанчасини күрдім! Ҳали ҳам ҳар күрганимда яна янгидан ҳузур қиласман. Айвон лабида ўтириб, узоқ-үзоқларга суқланиб қарайман. Думоғимга қандайдир ёқимли бўйлар киради, балки бу жида ҳидидир? Ё пушти ранг шофтоли гулларининг ҳидими?— Йўқ, дараҳтлар гуллаш ўёқда турсин, ҳали куртак ҳам чиқарганлари йўқ. Бу ўзим ўстирган боғим — бўстоним ҳиди!

Богимизда икки туп тут бор; булар худди әкисакка ўхшайди. Боғ тўридаги якка ёнғоқ эса ўзининг барак шоҳяпроқлари блан чўпон қалпогини эслатади.

Мен бу бўстонга суқланиб қарайман. Кулоқларимда алланарса зинғиллагандай бўлади. Гойида бу ёқимли овоз бўлбул нағмаларига ўхшаб кетади. Лекин булбуллар сайрайдиган палла эмас. Ё чигирткаларнинг чириллашимикан? Йўқ, бу ҳам эмас. Балки ер остида, аллақаерда оби-замзам чурриллаб оқаётгандир? Ё кеча шамоли телефон симларини дутор торларидай чертиб ҷолаётгандир?..

Айвон лабида ўтириб, хаёл сўраман. Мен болаларимни ўйлайман. Ахир отаман-а, ота! Катта кишиман-а! Ота деган сўз жуда катта сўз! Бу сўз гойида қулогимга шундай улуғ, шундай серма'но бўлиб эштиладики, ўтган замонларда ҳечвақт бундай ма'но блан янграмаган эди. Бурунти замонларда болаларимизни худди севмагандай, ордоқламагандай кўринанимиз. Балки болаларимизни севиб-ордоқламаганимизга камбағаллигимиз, муҳтоҗлигимиз сабаб бўлгандир? Ё менинг тапим чаккими? Кўп болали оиласда туғилган ҳарбир чақолоқ ота-онанинг пешонасига битган шўр ҳисобланиб, ла'натга учрамас эдими? Оч оиласда оч ўсган болалар ўзларини баҳти ҳисоблай олармидилар? Бир бурда зоғора нои уларнинг қўзларига тўтё эмасмиди?

Энди болаларимизни севишга ҳечнарса тўғоноқ бўлолмайди... Мен ҳамма болаларимдан ҳам кўпроқ катта қизимни— Қумринисани ўйлайман. Мен шу қизим ҳақида сизларга бир-икки оғиз сўйлаб беришни истайман.

Қизимни ёлғиз ўзимгина тарбия қиласганим йўқ; менга бепоён меҳрибон әл-юртим ёрдам қилди. Мендан узоқ-узоқларда, лекин ҳар доим қалбимда яшайдиган улуғ киши ёрдам қилди.

Қумринисанинг қандай вояга етганилиги ҳақидаги бу содда ҳикоямнинг балки кишиларга наф'и тегар.

Менинг бу тўнгич қизим туғилганда кўшним Олимжон, соқолини силаб туриб, шундай деган эди:

— Э-э, иш чатоқ бўлибдику, Са'дулла! Хотинингиз бема'ни экан; ўғил туғмай қиз туғипти! Асли пешонангиз шўр

— экиншүр иштөм... жиңис қадаубасы биңдерди бөз — йөй! —
екан, Са'дулла! Ҳа майли, ҳали ёпсиз, ажаб әмас, үғил ҳам
күриб қоларсиз!

Қора сочларига кумуш толалар энді аралаша бошлаган
иккінчи құшним пиллакаш Салим ака бўлса бироз бошқа-
чароқ та'на қилди:

— Албатта, үғил бўлса чакки бўлмас әди; начора, пеша-
на-да, тұңғичинг қиз бўлибди; майли, бунисига ҳам шукур
қил, қиз бўлса ҳам умрини берсин, ўссин, улғайсин...

Мен құшниларимдан анча ёш әдим. Шу важхдан, қиз
бўлса ҳам, үғил бўлса ҳам майли, деб фарзанд қўрганимга
қувондим. Балки, ўша замонда бў сўзлар бечиз айтилма-
гандир?

Лекин құшниларимга ҳечніма демадим. Нега дессангиз,
катталарга сўз қайтариш одобсизлик бўлади.

Мана шундай қилиб, менинг Қумринисам ўстандан ўсиб,
ақлга тўлиб борди. Мен эсам қувониб, теримга сифмас әдим.
Дарҳақиқат, ҳарқандай она ҳам, ҳарқандай ота ҳам ўз бо-
ласининг тез ўсаётганлиги, ақл топаётганлигидан ҳарвақт
қувонади.

*

Құмри кўкатлар устига солинган кўрпачада ширингина
бўлиб ўтиради. У ўз иши блан қайгадир шошиб бораётган
қўнғизчани қўллари блан итариб, жадаллаштиради-да, бу
ҳам кўнглига теккач, қуёш қизигига тоб беролмай қизарған
юзига қўлчасини сайвон қилиб, менга қарайди.

— Отажон, менга әртак айтиб беринг, — дейди.

— Нима тўғрисида айтиб берай, чирогим? Тогларда дай
діб юрган девлар тўғрисидами?

— Йўқ, йиртқич ҳайвонлар тўғрисида.

Ана шундан кейин деҳқонларнинг товуқларини ўғирлаб
кочадиган муғомбир тулки тўғрисида әртак айтиб бераман.

— Тулки бўлмай ўлсин, — дейди қизим. — Ҳадеб биро-
ларнинг товуғини ўғирлаб кочаверадими! Туриш-турмиши
зиён экан-да!

— Йўқ, қўзичогим, фойдаси ҳам бор...

— Вой, отажон, ўзингиз айтдингизку, тулки ёмон бўла-
ди, ҳийлагар бўлади, қуён болаларини, қуш болаларини,
товуқларни ўғирлаб ейди деб. Ахир бечора кампирнинг
товуғини ҳам ўғирлаб кетадими!..

... Ана шундан кейин ҳийлагар тулкини қарғай бошлай-
ди. Мен бўлсан қизимга қарайман-да, унинг ақлига ҳайрон
бўлиб қувонаман. Сўнгра:

— Шунақа, қизим, әртакда бўладиган нарсаларнинг қўпи
турмушдан олингган. Ҳақиқатда бундан ҳам ортиқроқ, бун-
дан ҳам баттарроқ бўлади, — дейман.

Шундан кейин тулкининг одамзодга фойдали томонла-
рини ҳам сўзлаб бераман.

— Вой! — деб қичқириб юборади қизим. — Мени чумоли чақиб олди. Ҳамма йиртқичлардан ҳам ёмонроғи шу экан. Нега бўлмаса одамни чақади?

— У ўзини сақлаш учун чақади, — дейман-да, Қумри-нисони кўтариб оламан. — Олпоқ қизим, чумали яхши нарса; қара уларнинг ишлашини!

Қумри кичкина меҳнаткашларга тикилиб қарайди. Унинг қора қошлари жийрилади. У шундай кезларда бобосига — менинг марҳум отам Убайдулла Юнусовга жуда ўхшаб кетади. У ҳам ҷўкка тушиб олиб қандайдир ўсимлик ё майда кўкатларни соатлар бўйи текширап эди.

Қумри чумалиларга разм солиб қолади. Чурқ этган овоз ёшитилмайди. Боғда фақат жимжитлик, жазира маисиқ, кўкат бўйларигина қолади.

— Отажон, чумалилар ҳам ўйлашни биладими? Қаранг, бир-бири блан гаплашайти. Лекин гаплари ёшитилмас экан...

— Йўқ, қизим, сенга шундай кўринган бўлса керак... Фақат одамларгина ўйлаб, ўйининг тагига етаолади.

— Вой, ўзим кўрдимку!.. Битта чумали ўзидан ҳам каттароқ ҳашакни кўтармоқчи бўлди. Лекин кўтаролмади, бошқа битта чумалини ёрдамга чақириди. Шундан кейин иккови кўтариб кетди. Агар у ўртоғини чақирмаган бўлса, ўртоғи нима учун орқасига қайтиб ҳашакни бирга кўтариди?

Кейин мен чумалиларнинг яхши томоъини: ер остидан ўзларига йўл очиб тупроқни юмшатишини сўзлаб бердим. Ахир дун‘ёда чумалидан ҳам кўпроқ нарса борми? Биргина бизнинг бофимизда минг-минглаб чумали бор...

— „Минг-минглаб“ деганингиз қанча бўлади? — деб Қумриниса сўрайди, жавоб кутиб оғзимга қарайди.

* * *

Шундай қилиб, қизим кун сайин ўсиб боради. Мен унга пиёз, сабзи, редиска ва шунинг каби кўклар экишни ўргатаман. Энди у ўсимликларни бир-биридан фарқ қиласиган бўлди. Қизимнинг бу фазилатига қувониб, уни отаси, отасининг отаси сингари ерни севдиришга киришдим. Бу сўзимдан, дун‘ёга келиб ердан бошқасига иши тушмапти, деб ўйламанг. Йўқ, мен бошқа касбларни ҳам яхши кўраман, уларни ҳам қилиб кўрганиман. Кўлимга йигна олиб тиккаман, станок олдида туриб ишлаганиман. Лекин, ҳақ гапни айтсам, ҳаммасидан ҳам кўпроқ ерда меҳнат қилишни афзал кўраман... Начора, одамларнинг табиати шундай бўлар экан. Бирор бир нарсани, бошқа бирор иккинчи нарсани севар, ҳаркимнинг ҳаётда ўз ўрки бўлар экан. Менинг ўрним эса — ерда, обёқларим остида турган ерда. Мен бу ерда ўрик ё олма дарахти сингари томир ёйиб тураман...

Лекин қизим ўсган ва ақл топған сари: „Энди уни қандай одам қылсам әкан?“ деб ўйга чұмаман...

Мен ҳам, күп одамлар қатори, шундай кезларда ўтмишта, аллақақон дун'ёдан ўтган азиз отамга назар соламан.

Отам мени яхши күрар әди. Мен түнгіч бола әдім. У менга яшаш йүлини ўргатди. Менга фақат яхшилик негінде раво күрар әди. Мева дарахтларини әкиш жаңа үлдемелі мұлымүл қосыл олишни ҳам отам ўргатди. У турмушимни фаровон қилиш учун мени меңнатға ўргатди.

— Камбагал киши меңнатсыз яшайолмайды, ўғлим,— дерди. — Тұрмушда қаққайып юрган блан қорнинг түймайды, шохинг ҳам чиқмайды. Масалан, ана бу олма дарахтини ол. Сал шамол юрди дегунча у ҳам қаддини буқади. Шамол зўрайганда-чи, бечора дарахт боши ерга теккудай буқилади. Шамол ўтгандан кейин әса, яна қаддини ростлаб, гирдайи тураверади. Ҳамма дарахтлар ҳам бирми? Йўқ, энди ёнғоқни ол. У қаққайған дарахт. Ҳарқанча шамол юрса ҳам қад буқмайды. Карабсанки, мевага тұлиб турған шоҳи қарсилаб синибди. Э аттанг, дейсан, ачинасан. Шундай, ўғлим, ақлни дарахтдан ўрган. Бой кишини күрганингда, олма дарахтидай иккі буқилиб салом бер, бу блан давлатинг кам бўлиб қолмайды. У ўтиб кетгандан кейин, яна қаддингни ростлаб олаверасан. Бойлар блан айтишма; кимнинг пули кўп бўлса, ҳаммавақт ўша зўр чиқади.

Шундай деб насиҳат қылған әди менинг ҳурматли отам! Мен уни ҳамма вақт ҳурмат қиласман. У асл меңнаткаш әди. Мени меңнатга, ҳалол меңнат блан яшашга отам ўргатди. Начора, у вақт отамдай ғарип, мазлум кишиларнинг құлидан нима ҳам келар әди! Энди? Энди одамлар олма таҳлит яшашмайды. Отагинам, сизнинг қаддингизни буқкан, қалбингиизни сўккан ўша золим бойлардан энди асар қолмади! Шундай, отагинам, ёнғоқ блан олма замон ўтган сарн қандай ўзгарса, кишилар ҳам шундай ўзгариб бормоқда.

Шундай қилиб, ўтмишга назар солдиму, лекин қизимни қандай ўстиришим кераклиги ҳақида ма'қул жавоб тополмадим. Ана шундан кейин яқин ўтмишимизга қарадим. Биз у вақт нодон кишилар әдик. Тўғри, улуғ инқилоб бизга ер берди, сув берди. Үнга қадар ҳарбир камбағал ўзининг бир парча ерида каллаи саҳардан то қоронғи кечгача ишлаб ҳам қорни түймас әди... Кўп одамлар, ҳатто камбағаллар ҳам ўз фойдасини билмас әди. Орамизда шундай одамлар бор әдики, бизни орқага судрашар: „Биз шарқ кишиларимиз, биз руслар блан бирга бўлолмаймиз; бизнинг йўлишимиз бошқа“ дер әдилар. Үндай одамлар янги турмуш қуриши мизга тўғоноқ бўлиб, ошимизга заҳар, кўзимизга чўп бўлар әдилар. Лекин мен уларнинг алдавига учмадим, балки кўплар қаторида колхозга кирдим. Мана энди бошим осмонга етиб қувонаман. Кўп йиллар муқаддам улуғ Ленин кўрсатиб

берган ва улуг Сталин бизни олиб бораётган шу йўлдан бориб, уз бахтимни топдим. Лекин колхозимиз бирданига давлатли бўлиб қолмади. Нега десангиз, одамлар эски урфодатларни ташламай, ўз хўжаликларининг фамини еяр эдилар. Бизнинг одамларимиз жамоатнинг бойлиги ўзларининг бойлиги эканини тушиниб, уқиб олгунларича қанча вақт ўтиб кетди. Кўзларини катта очиб, келажакка, илгарига қараган кишилар эса далаларимизнинг ҳосили мўл бўлишини, далаларда ажойиб машиналар ишлайдиган кунлар келишини яққол кўраолдилар. Далалар ўзгарган сари одамлар ҳам ўзгаради, уларнинг билими, ақли, давлати ошади. Ана шундай қилиб, мен ҳам қизимни давлатли келажак ва бахти кунларга муносаб қилиб етиштиришга бел боғладим.

* * *

Йиллар шошилиб ўтарди. Шундайки, тоғдан шалола бўлиб тушаётган сув нишобини қандай тез олса, йиллар ҳам мангалик сари шундай ошиқиб кетар эди.

Менинг тўрт болам бор; энди уч ойлик бўлган Алим кенжам бўлса, Кумриниса — тўнгичим; у қуёш блан баробар уйқудан туради. Унинг олдига ўртоқлари, дали-дули қиз Зайнаб келади. Зайнаб ғалати қиз. У ҳарвақт нимасинидир тушариб, ўқотиб юради. Улар колхоз боғининг ўртасидаги кўркам майдонга бориб ўйнайдилар. У ерда ҳархил учамаклар, турли-туман ўйинлар бор. Бу ўйинларга Олимжоннинг невараси — Фозил бошчилик қилади. Бу болага қараб турсангиз, унинг чаққонлигига, топчилигига ҳайрон қоласиз. У билмайдиган ҳеч нарса йўқ дейсиз. Байрам кунлари улар колхозчиларга тамошалар кўрсатиб, ҳамманинг баҳрини очишиади.

Менинг хотиним Тожихон пича инжигроқ хотин. Тажанглиги бор. Унга ҳамма нарса ҳам ёқавермайди.

— Ҳайронман қизингизга, — дейди бўғилиб Тожихон, — ўғил болаларга қўшилиб чигирткадай иргишлаб юргани нимаси! Тағин кўйлагининг калталигини қаранг!

Мен бўлслам:

— Иргишласа иргишлар, бунинг нима зиёни бор. Ўйнайди, кулади, яйраб-яшнаб ўсади, ўзи ҳам чиниқади, — дейман.

— Қизиқсиз, отаси, — деб хотиним ўзини рўкач қиласди. — Мен ҳам ялангоёқ, ялангбosh бўлиб болалар ўртасида иргишламаган бўлсан ҳам, сўлиб-сарғайиб қолгавим йўқ! Сизнинг онангиз ҳам узун кўйлак ичидан ўралашшиб қолмаганку! Нима учун энди қизимиз калта кўйлак кийиб ялангоёқ, ялангбosh бўлиб болалар ичидан ўралашади?

Хотинимнинг жаҳолатига аччиғим келса ҳам, лекин билдирамайман. Нега десангиз, хотин кишини хафа қилиш, кўнглига азор бериш ярамайди.

— Қўй, хотин, сийқа чақани етти чигиб яширган хасис сингари эски одатни сра қўлдан чиқармайсан-да. Одат деган нарса ҳамма вақт ҳам фойда беравермайди. Агар докторлар: „Ёшларни тоза ҳавода тарбия қилиш керак“, деб айтишган бўлса, унда бир ҳикмат бор, я’ни улар бир нимани билиб айтишади. Ахир докторлар ҳам ўқиб мулла бўлган одамларку!..

Шундан кейин хотиним суви ўлаётган самовардай бироз вишиллайди, ҳовридан тушади. Ҳа, у шунақа, тўгри гапнинг гадоси.

* *

Қумринисамни „Учқун“ мактабига элтиб қўйганимдан бери йиллар ўтди. Қизимни ўқишга беришдан олдин ўзим бирнече бор мактабга бориб, ўёқ-буёғини роса чўтлаб кўрдим. Муаллими Раҳмат Носиров деган ёш йигит экан. Мундай разм солиб қарасам, тузук йигит кўринди. У мени ўзи блан олиб юриб мактаб ҳоналарини кўрсатди. Биттасининг ёнига келиб: „Бу — кабинет“, деди. У ерда қушлар ва ҳархил йиртқич ҳайвонларни қатириб қўйишилти. Худди тирик дейсиз. Қизим бу ерда гашт қилса керак. Ундан кейин қизим ўқийдиган синфни кўрдим, бу жуда ҳам катта, ёруғ хона экан. Скамейкалар ва олди нишоб столлар териб қўйишилти. Ундан кейин боққа чиқдим. Киройи боғ деса боғ дегудек. Менинг қизим ҳам бўлак қизлар блан шу боғда ўйнайди.

Шундай қилиб, ҳамма ёқни синчиклаб кўрдим, илмхона менга жуда ёқди.

— Хурматли ота,— деди муаллим,— сизнинг қизингиз ўзбекча ҳам, русча ҳам ўқыйди; кейинча чет тилларнинг биронтасани ўргатамиз. Ҳисоблашни ўрганади; бундан ташқари ўз мамлакатини ва бутун Совет Иттифоқининг табиатини, уларнинг ўтмишини ўрганади.

Менга жуда ёқди. Нега десангиз, бу нарсаларнинг ҳаммаси ҳарбир киши учун, айниқса ёшларимиз учун жуда ҳам зарур.

Мен мақтабда қизимни меҳнат қилишга, ўз ватанини севишга ҳам ўргатинглар демоқчи бўлдиму, лекин ҳеччима демадим; нега десангиз, муаллим деган киши бундай нарсаларни ўзи билади. Уларга уқтириб ўтиришнинг ҳожати йўқ.

Ана шундай қилиб, Қумрини „Учқун“га бошлаб бордим. Унинг қўлимдаги қўлчаси худди тирик капалакдек титрар эди.

— Яхши ўқи, қизим,— дедим.— Мен ҳам, онанг ҳам ёшлигимизда ўқимай билимсиз қолдик. Ахир биз ҳам ўқиб, олим бўлишни жон-жон деб хоҳлар эдик. Лекин у вақтлар, бизнинг ёшлик вақтларимизда, камбағалларнинг ўқиши „ан-

қога шағын “әди. Мен, болам, айна үқийдиган вақтларимда бойнинг әшигидаги хизмат қилар, унинг қўйларини боқар әдим. Кейин бироз катта бўлиб, омоч қулозини ушлаш дарражасига етганимда, бой мени уз ерига солди. Ердан нима икни унса ундан ортмади. Қорним тўймай, устим бутмади. Ана шундан кейин бошимни олиб шаҳарга кетдим. Марди-корлик қилдим...

Бу орада мактабга ҳам яқинлашиб қолдик. Мактаб бояни ўзоқдан пахтазорга ўхшайди: у ерда, кўкаламзорлар ичида оқ қўйлакли қизлар ўйнашиб юрап әдилар.

— Яхши үқи, қизим!..

* * *

Киш кунлари қоронги тез тушади: совуқ кучайиб, тера-за ойнакларини муз олади. Гоҳо шамол юриб, қишлоқ кўчаларида, ҳатто уй ичларида изгийди, улийди, бамисоли макон қидираётгандай инграйди. Қизим Қумриниса эса иссиқ уйда ҳузур қилиб дарс тайёрлайди. Столга газета ёйиб қитобларини қўяди-да, ўқишга ё алланарсалар ёзишга киришади. Мен эса қизимга билдирамай, унга зимдан қараб-қараб қўяман. Ахир мен отаман! Ўз боламнинг нима үқиб, нима қилаётганидан хабардор бўлишим керак. Бордию қизим мен билмаган нарсани сўраб қолса, унда қандай жавоб бераман? Шунинг учун мен ҳам тайёргарлик қўриб боришам керак. „Отажон, нима учун қишида совуғу, ёзда иссиқ бўлади?“ деб сўраб қолса, нима дейман? Ҳақиқатан ҳам шундай бўлди. Ана, китобини олиб ёнимга келаётир.

— Ота, дарсимга қарашиб юборасизми?

Оҳ, билимсиз отанинг шўрига шўрва тўкилдику! Энди нима қилсин у? Ё муштумдай қизи блан ёнма-ён ўтириб ўқисинми? Билим олсинми?

— Сиз русчани яхши ўқисиз, — дейди қўзилогум. Мен эсам енгил тортаман. Ичимга чироф ёққандай кўнглим равшанлашади.

— Ҳамма гап фақат шунинг ўзидагина бўлсаю майли! Рус тилини ўргатиш керак бўлса, бу иш мендан қочиб қўтилмайди. Ахир, қизим, отанг заводда рус мастерлари блан бирга ишлаган-al Э, болам, мен кўрмаган нарса борми дун'ёда!.. Айтмоқчи, китобингда нималар ёзилипти, қизим?

Қумриниса оқ қоғозга яхшилаб ўралган китобини очадида, ба'зи болаларда бўладиган ғалати кериклик блан ўқийди:

— „Сув. Сув йўқ жойда, ҳаёт ҳам йўқ. Кўкатлар, дарахтлар, жониварлар сувсиз яшайолмайдилар. Одамэод ҳам сувсиз туролмайди—ҳалок бўлади“. Бундақа эканлигини алла-қачондан бери биламан. Сиз ўзингиз айтгансиз.

Яна пича ўқийди. Тағин сўрайди.

— Отажон, мактабда фақат сиз айтган нарсаларни ўқишизми?

— Йўқ, қизим, ундаи бўлмаса керак. Агар мен билмаган, кўп одамлар билмаган нарсани ўқитишмаса, у вақт мактабга боришининг ҳожати қолмайди!

Кумриниса эса мужмал масалани ешган кишидай:

— Ҳа-а, билдим, — дейди.— Отажон, менку ҳозир ёшман, ўқисам сиздан ҳам кўпроқ нарса билишим мумкинми? Сиз бўлсангиз дун'ёдаги ҳамма нарсани биласиз...

— Албатта, қизим, яхши ўқисанг отангдан ҳам кўпроқ нарса биласан. Тўғри, отанг кўп нарса билади, лекин унинг билгандари турмуш тажрибаларигина. Лекин илм, фан кенг нарса, уни зўр бериб ўқиш, ўрганиш керак. Хўп нари ёғини ўқи-чи, қизим.

Кумриниса ўқидай:

— „Саволлар: қишининг қайси палласида қиров тушади?“ Отажон, ие, қиров қачон тушишини билмайдиган одамлар ҳам бўладими? „Сув қачон тезроқ бўғланади: иссиқдами, ё совуқда?“ Ота, ростакам, сув қачон тезроқ бўғланади? Мен билмайман. Инвайкейин, сувнинг бўғланинини ҳам кўрган эмасман..

— Шунақами, қизим? Хўп, ўзинг ўйлаб кўр: дорга осиб қўйилган кир иссиқ кунда тез қурийдими, ё совуқ кунда?

— Ҳа, энди билдим! Кирнинг суви чиқиб кетса, шу бўғлангани бўлар экан-да... Турмушдаги нарсаларни мисол қилиб айтсангиз ҳамма вақт осонгина тушинаман...

— Илм ҳам турмушнинг меваси-да, болам.

— Ҳисоб-чи, отажон?

Шундан кейин у ҳисоб китобини ўқийбошлайди:

— „Машқ: етмис тўртга қирқ бир қўшилса — юэ ўн тўрт бўлади“. Қизиқ, ҳечвақт одамлар фалонча бўлади деб айтадими?

— Йўқ, қизим, бу гапинг тўғри эмас,— дейман-да, ҳисобнинг қанчалик муҳим илм эканини бирма-бир сўзлаб бераман.

Киши кечалари мана шу хил суҳбатлар, дарс тайёрлашлар блан ўтади.

Кумриниса дарсини тайёрлаб бўлиб уйқуга кетганда, ҳам шодлик, ҳам ҳаяжон блан: „Ҳадемай, қизим, сенинг дарсларингга ёрдам бериш қўлимидан келмай қолади... Сен отангдан ўзиб кетасан, ой қизим!..“ деб ўйланаман. Шундай, болалар ҳарвақт ўз ота-оналаридан ўзғинчоқ бўладилар. Турмушнинг асл ма'носи ҳам шунда.

* * *

Кўклам. Дала ишлари қизиб кетган давр. Менинг бригадамдаги кексалар ҳам, ёшлар ҳам белни қаттиқ боғлаб шга тушишди. Айниқса чаққон, ишчан, ҳаракатчан ёш

Йигитча Рўзимат Орзиевни кўрганимда унинг ғайратига қараб ичнинг сифтаси қувонамгина. Кўп яхши бола. Лекин Умар Қосимов менинг кўпроқ ташвишга солади. Ўзи унча қари бўлмаса ҳам, лекин ишта майли камроқ. Аммо ўзини колхознинг энг кексаси деб фаҳмлайди, қақайиброқ юради. Ҳозир пирипадар бўлиб, қўл қовуштириб юрадиган замонми?! Унинг авторига қараб: „Ҳа, бу одам дун'ёда неча юз йил яшагану ҳамма нарса жонига теккан, тарки дун'ё қилган“ деб ўйлайсиз. Ҳа, шунақа одам. Ишқилиб, ўзини безовта қилдиргиси, жонини койитгиси келмайди.

Куёп қиёмга келиб, бригада а'золари далада куйиб-пичиб ишлаётган бўлсалар ҳам, лекин Умар отадан дарак йўқ.

— Адашиб қолган бўлсалар нерак;— дейди Рўзимат пичинг қилиб.— Далага чиқаман деб, чойхонага кириб кетгандирлар-да... Улуғ шоиримиз бу ҳақда айтган эдиларки...

Лекин Йигитнинг сўзига қулоқ солмадим. Нимага десангиз, у шоирлар ҳақида эрталаб гап бошлиса, ярим кечада ҳам тугата олмайди. Шунинг учун Умар отани излаб тўғри чойхонага жунадим. Ўзоқдан қарасам: Умар ота чойхонага кириб бораётир. Ўзинга озор бергиси келмай қучада ҳам қадамини авайлаб ташлайди. Сарасаб солган киши уни юраётиди демайди, сузуб бораётитпи дейди. Иннайкейин, юрганда ҳам оёқ остига эмас, осмонга қараб юради. Унинг бу авзойига разм солсангиз ҳали замон осмони-фалакка учадиу, қайтиб тушмайди, деб ўйлайсиз. У мана шундай думоғдор киши. Умар отанинг ўнг қўлила ҳарвақт бир дона атр гул бўлади. Уни тез-тез думоғига келтириб тутади-да, кўзларини юмиб туриб ҳидлади. Албатта, оҳиста қадам ташлаб ва хушбуй гул кўтариб юриш бундай кекса кишига ярашади. Бу айб эмас. Лекин ҳарнарсанинг ҳам вақти-соати бўлади. Ахир бригада а'золаридан биронтаси шундай қилиб юрса план бажариладими? Йўқ, ҳозир осмони-фалакни сайру-тамоша қиласидиган ва гул кўтариб юрадиган пайт эмас. Бундай ишларни йигим-теримдан кейин қиласа ҳам бўлади.

— Умар ота, ҳой оқсоқол!— деб орқасидан чақираман. Лекин у ўзини эшитмаганга солади. Шундан кейин яқинига келиб:— Ма'зур кўрасиз, мен сезни безовта қилдим... Бригада а'золари далада аллақачондан бери ишлашяпти,— дейман.

— А? Нима? Эшитмаяпман,— дейди-да чол, қўлидаги гулни қулогига келтириб тутади...

— Сиз кексамизсиз, сиз бўлмасангиз иш ҳам юринқира-майди. Ўзингиз бош бўлмасангиз, ёшлар нима қилишини билмай гангиб қолишадиганга ўхшайди,— дейман.

— Ҳа,— дейди чол, лабини кавшаб.— Ҳа-а, энди эшитдим гапингишни. Дарвоқи, ўзим ҳам далага чиқиб кетаётган ўдим.

У, „оббо, ошга пашша бўлдинг-да“, дегандай қилиб бир хўмрайди-да, ер остидан секин чойхонага қарайди. У ердан букири самоварчи ҳам тиржайиб қўяди...

Мана энди бригада а’золарининг ҳаммаси далада. Умар ота ҳам аста-секин ишга киришади. Агар у астойдил ишлайман деса кучда ҳам, тажрибада ҳам ҳаммага ўрнак бўла олади.

— Хорманглар! — деган овоз эшитилади бирдан. Мен ялт этиб қарайман. Қизимни кўраман.

— Бор бўл, қизим! Қалай, дарсларингни тайёрлаб бўлдингми? — деб сўрайман.

— Ҳаммасини тайёрладим, отажон. Энди сизларга ёрдам бергани келдим, ҳеч бўлмаса менинг икки қўлим сизнинг бир бармоғингизчалик ишлар-ку!..

— Ҳа-ҳа, баракалла, яхши қиз,— дейди Умар ота. Битта чўпни жилдирсанг ҳам — мадад. Келақол, қизим, ҳаммамиз баравар ишлайлик...

* * *

Қумриниса дугоналари блан якшанба кунлари шаҳарга бориб театр кўриб келади. Улар катта бўлиб қолганликлари учун бу йил ўзлари борадилар.

Бир вақт Қумринисанинг шаҳарга бориб от ўйин кўриб келгани ҳали-ҳам эсимда. У назарида худди кечагина бориб келгандай. Мен ундан:

— Шаҳарда нима кўрдинг, қизим? — д б сўраган эдим.

— Шаҳарда-чи, отажон, бирам қизиқ нарсаларни кўрдим. Кучуклар ўйинга тушишди. Ивнайқеинин, битта қизиқчи бор экан, кулдиравериб ичакларимизни узди...

Бир йилдан кейин яна сўрадим:

— Театрда нима кўрдинг, Қумриниса?

— Вой, отажоне! Америкада занжиларни ов қилишар экан, худди йиртқичлардай тутиб қийнашар экан. Мен шуларни кўрдим. Отажон, ҳали ҳам Америкада қора кишиларни шундай обёкости қилишадими, а?

— Кўп афсуски, ҳали ҳам шундай қилишади...

Бугун Қумри шаҳардан келди-ю, ҳаяжони ичига сифмай, остоноада турибоқ қичқирди:

— Отажон, шунаقا ҳам бўладими! Мени алдаб бирор блан юрар экан деб, хотинини ўлдирди... Йўқ, хотини ҳеч алдагани йўқ... Яго деган ичи қора киши ёлғон нарсаларни чақди... Артистларни айтинг, бирам яхши ўйнашар эканки!

— Мен ҳам кўрганман, қизим! Аброр Хидоятов, Сора Эшонтураева — булар жуда ажойиб артистлар. Садагаси кетсанг арзиди. Уларни ҳамма яхши кўради.

— Отажон! Ахир у нега алдамчи Ягонинг сўзига кирди? Нега ўзини шундай ҳийлагар кишига алдатди?

— Мен сенга айтсан, қизим, у вақтларнинг одамлари

ҳозирги одамлардай оқу-қорани биладиган, ҳийлаю-найранг-ларга ўчмайдиган кишилар бўлмаган. У вақт бирор-бировни алдаш, бирор-бировни ўлдириш одат бўлган. Шунинг учун ҳам сен айтган ўша киши, бирорнинг алдовига учиб, хотинини ўлдирган...

* * *

Мактаб қизлари гойида бизникига йигилишади. Қизлар жуда тез бўй олиб ўсиб кетиши. Мен уларга қараб ҳайрон бўламан. Баҳорда эндигина бош қўтариб чиқсан ёш гўзалар кунлар ўтган сари қандай тез бўй тортиб вояга етишса, бу қизлар ҳам шундай тез етилдилар. Буларнинг орасида Зулфия деган қиз бор. Бўйи баланддан, қомати сарвилан келган. Менинг Қумринисамдан ҳам бўйдорроқ. Лекин менинг қизим эгнидаги кўк кўйлаги, бўйнидаги галстуғи блан қиздан кўра ўғил болага кўпроқ ўхшайди. Зулфия эса нозиккина, қиз бўлганда ҳам, отасига раҳмат дейдиган қизлардан. Айб қилманглар, унинг ўзи ҳам хушбичим, хушрой эканини билади. Чунтагида ҳамиша битта юмaloқ ойнакча юради, десам хато бўлмас. Кейин Зайнаб келади. Бу жуда яхши қиз, лекин ўзи дали-гулигина. Унинг синглиси Муслимани айтами, кўп дилбар қиз, ўзи ҳам уялчангина. Юз-кўзлари бинафшадай. У Қумринисани яхши кўради, Қўмринисадан ҳеч кўз узмайди. Менинг кичик қизим, жажжигинам Турсуной ҳам уларнинг орасида худди тенгдошдек ўтиради. Қўмриниса эса ўзининг чаққонлиги, ўткирлиги, дадиллиги блан дугоналарига ақл ўргатади; уларга онабоши бўлиб юради. Мен буни пайқайман. Лекин бу сузларни „Қўнғиз боласини оппоғим дер“ қабилида айтаётганим йўқ. Менга баҳузур ишонишингиз мумкин. Мен ҳаққи-ростини айтдим.

Қизлар рус тили дарсини таёrlашаяпти. Яқинда ўқитучи-си уларни каттакон фабрикага олиб борипти, уни кўрса-типти. Энди қизлар фабрикада кўрган нарсаларини ёзишлари керак экан...

— Мен конвейерни ёзаман. Менга у жуда ёқди. Ишлashinga қойил қолдим, — дейди Зайнаб.

— Ростини айтсам, — дейди Зулфия, — тайёр моллар тахлаб қўйилган цехдаги чиройли шойи румолларни тушимда ҳам кўрган әдим.

— Бўлмаса сен тушингни ёзар экансан-да? — деди узоқдан Рўзимат.

У ҳовлида туриб теразадан моралайди. Бу бола шунақа, ҳарвақт қўққисдан пайдо бўлади-да, гапга аралашади. Аломат бола.

— Сен нима қилиб юрибсан бу ерда? — дейди Зайнаб жаҳли чиқиб. — Халақит берма, биз дарс тайёрляяпмиз.

Рұзымат бұлса:

— Мен мана буни олиб келувдим,— дейди да, теразадан пушти рангли тарақни узатади. — Күчадан топиб олдим, сиз-ники бұлса керак...

Зайнаб лоладек қизаради, тарағини йигитча қўлидан олиб, мийигіда кулади, раҳмат айтади, кейин уны сочига қадайды.

Ла'лидин жонимға ўтлар әқилур,
Қоши қаддимни жафодин ё қилур.
Мен вафоси ва'дасидин шодмен,
Ул вафо билманки қилмас ё қилур.

деб ўқийди-да, қизларни ҳайрон қолдириб күздан ғойыб бүлади.

— У нима демоқчи, а, қизлар? — деб сүрайди содда Муслима.

— О-о, қўйинглар ўшани! — дейди Зайнаб, яна ҳам баттарроқ қизариди. — Келинглар, яхшиси дарсимишни тайёрлайлик.

— Айтмоқчи, Қумриниса, сен нима тўғрида ёзмоқчи бўлганингни айтганинг йўқ...

Қумриниса ўйчан кўзлари блан боққа тикилади. Кейин:

— Мен фабрикадаги стахановчи хотин-қизлар тўғрисида ёзмоқчиман. Эсларингдами ҳалиги баланд бўйли, чиройли жувон? У ҳукумат а'зоси экан. Ҳукумат а'зоси-я! — Қумриниса хаёлга чўмади. Чиндан ҳам, ўз меҳнати блан халқнинг ҳурматига ва муҳаббатига сазовор бўлиш қандай улуғ марта!

Муслима алланарса демоқчи бўладию, лекин айтишга ботинолмайди. Турсуной ҳам жим ўтиради. Нимага десангиз, мактабда уларга бирон нарса ёзиб келишни топширмайдилар. Буларни фабрикаларга ҳам олиб боришганлари ўқ. Булар ҳали ёш.

Кизлар, каттакон столининг тўрт томонига ўтириб олиб, ёзадилар. Бирқанча вақтгача фақат пероларнинг қиртиллаши ва Муслиманинг хўрсинишигина эшитилади. Сўнгра улар ёзган нарсаларини ўқийдилар.

Хотиним Тожихон эса эшик олдида туриб қулоқ солади, кейин бош чайқаб гапиради.

— Бир вақтлар, отаси, сиз ҳам фабрикада ишлар өдимгиз. Лекин у вақт ҳамма нарса бошқача эди... Эҳ-ха, хоziрги фабрикалар олдида улар утеверсин...

Хотинимнинг бу гапини эшитиб, қизлар чугиллашади:

— Бизга ҳам айтиб беринг, Са'дулла ота. Эски замонда яшчиларнинг аҳволи қанақа эди. Фабрикада ўзингиз қандай ишлар өдимгиз?

— Унга жуда кўп вақтлар бўлди. Мев у вақт ёш эдим, — деб сўз бошлийман.

— Ҳали ҳам ёшсиз, отажон,— деб Қумри сүэ қотади.— Ҳали сочингизга оқ ҳам тушгани йўқ. Минг қатла шукр, тани-жонингиз соғ, ўзингиз тетиксиз.

Буни менинг камгар қизим Қумриниса айтади. Ана шундан кейин мен узоқ ўтмишда бўлиб ўтган воқиаларни сўйлаб бераман.

— Тошкентда узундан-узун бир кўча бор. Унинг номи ҳозир Энгельс кўчаси деб аталади. Мен ўша кўчадаги фабрикада ишлар әдим. Ҳозир трамвай излари ётқизилиб, икки юзига баланд-баланд иморатлар солинган, шинам боғлар вужудга келтирилган. У кўча бир вақтлар яйдоқ әди. Мана энди унинг йўлакларида одамлар тинмай уёқ-буёқ ўтиб турди. Энди у шаҳарнинг энг чиройли, энг обод кўчаларидан бири бўлиб қолди. Кўклам ва куз паллаларида у кўча шундай лой бўлардики, пиёда уёқда турсин, ҳатто отлик ҳам ўтолмас әди. Ёзда кўтарилган чангдан осмони-фалакни чанг булатдай қоплаб қолар әди. Шаҳарда автомобиль йўқ әди. Савдогарлар блан бойлар, ё рус тўраларига қарашли извошларнигина кўриш мумкин әди. Ҳа, айтмоқчи, Қўқон аравалари эсимдан чиқаёзипти. Булар ҳам гупчагигача лойга ботиб, фирчилаб ўтиб қолади. Кўчаларда электр чироғлари йўқ әди. У ер-бу ерга осиб қўйилган понусни ёқиб шаҳарни хирагина ёритар әдилар. Лекин майхоналар ерга йигна тушса топиладиган даражада ёруғ бўлар әди. У ерлардан рус ишчилари қайғириб айтган ашулашар, ҳархил гурунглар, мастрларнинг ҳайқириқ ва ҳақоратларигина эшитилиб туради. Кечалар шундай аянч ўтади. Тонг ёришмай гудок чалинади. Гудок ҳам хирқи одамнинг ғуруллаган овозига ўхшайди. У вақт эркаклар урушга кетишгани учун, фабрикада кўпроқ рус аёллари ишлашар әди. Фабрика цехларида машина бўлса ҳам гўрга денг. Машина дориликка ҳам топилмас әди. Цехлар бостиurmaga ўхшайди; ўлгудай дим, сассиқ. Солдатларга шинель тикар әдик. Мен сизларага айтсан, болаларим, у вақт яслилар йўқ әди. Чақалогини уйида қолдириб келган оналар әмизишига ҳам боришлоимас әди. Рухсат беришмасиди. Шунинг учун улар чақолоқларини цехга олиб келиб, бир чекага, ифлос жойга ётқизиб қўяр әдилар. Орамизда сизларга ўхшаш ёш қизчалар ҳам бор әди. Ўларни ҳам катталар сингари ўн икки соат ишлатишарди. Ишчиларнинг меҳнатига сра ачинишмас әди. Мен бир ёш ишчи аёлнинг ўлганини кўрганман. У У ғарчаб, беҳуд бўлиб турганда машина ялмаб кетди. Э-э, айтаман десам гап кўп... Ҳа, якшанба кунлари ҳам дам олмасидик. Театрга, кинога бориш қайд! Еши ишчи қизлар дарвоза олдидаги скамейкада ўтириб писта чақишар ё бўлмаса кўчани чангитиб ўйнашар әди. У вақт одамлар мана шутахлит кўнгил очишар, ўйнашар әди. Лекин ҳамма ҳам шунақа экан деб ўйламанглар. Йўқ, ундаи әмас! Гумбир извош-

ларда театрларга борадиган, гашт қилиб юрадиган одамлар ҳам бўлган. Улар — бойлар, савдогарлар, рус тўралари, амалдорлар ва шуларга ўхшаш кишилардир.

Кизлар ҳикояни эшитган сари хўмрайиб боришади.

— Хайрият, биз бахтли эканмиэ,— дейди Зайнаб, пушти тароғининг ерга тушганини сезмай.

* * *

Қизим жуда-жуда кўп китоблар ўқийди...

Кунлардан бир кун битта қалин китоб олиб келди. Уни ярим кечагача ўтириб ўқиди.

— Ет, қизим, кеч бўлди, әртага барвақт мактабга боришинг көрак,— дейман.

— Ҳозир, отажон,— дейдию, яна китоб варақларига шўнгайди.

Ташқари зими斯顿 қоронғи, ҳечнарса кўринмайди. Мен ухлаб кетаман. Бир вақт қўзимни очсан ҳавли ёриша бошлийди. Лекин китоб ҳалигача шитирлаб вафақланади. Қумрениса китобдан бош кўтармайди.

— Қумри, ёт! Ет энди, ёт дейман, бас!..

Лекин Қумри индамайди. Китоб шитирлашдан тўхтайди... Мен унга қарайман. Ё раб у нега йиглайди? Ким йиглатди уни?

— Нима бўлди қизим? Нега йиглайсан? — дейман ховотирланиб.

— Шўрлик экан, отажон,— деб пицирлайди-да Қумрениса, кейин аччиқ-аччиқ йиглайди. Унинг йиглаганини кўриб, менинг ҳам кўзларимга ёш келади.

— Нима бўлди, айтсангчи, қизим? — дейман. У сўз бошлийди:

— Бояқиши, Анна Карейнида ҳеч айб йўқ. Ҳамма айб унинг теварагидаги кишиларда... Эри ҳам ёмон киши экан...

Қизим узоқ гапиради. Мени уйқи босиб, кўзларим юмилиб боради. Мен эсам уйқисираф дўнгиллайман:

— Бир вақтлар булиб утган нарса учун ҳам йиглайверар экансанда, қизим! Эҳтимол бундай бўлмагандир, ёзучи ўйлаб чиқарган нарсалардир...

— Йўқ, отажон, буларнинг ҳаммаси бўлган... — дейди-да Қумри, яна ҳам баттарроқ йиглайди.

* * *

Узоқ гарбда, кун ботарда уруш олови туриллаб ёнаяпти... Кам бўлмагур Абдулла оқсоқол урушни ипидан игнасиғача биллиб тўради; унинг гапини эшитсангиз, худди урушни ўз кўзи блан кўриб келган, дейсиз. Муттаҳам фашистларнинг. қонхўр Гитлернинг бутун Европани босиб, қонга ботириб келаётганини оқизмай-томизмай гапириб беради. Айниқса

Қосимжон блан сиёсат устида гап талашганини өшитсанғиз! Абдулла оқсоқолга қойил қоласиз. Қосимжон ҳам энди катта одэм. У колхозимизда коммунистларнинг каттаси. Гоҳгоҳ шаҳарга бориб, бир нималар ўрганиб келади; бўш вақт топдими, яланг ўқигани газета блан китоб. Убайдулла оқсоқол ҳам анойилардан эмас. Қари бўлишига қарамай файратқилиб саводини чиқариб олган. Газетани сарлаөҳасидан өлонларигача эринмай ўқийди. Бир кун Қосимжон блан Убайдулла оқсоқол ўртасида шундай гап қочиб қолди.

— Аслини суриштирганда-ю, биз урушга аралашмасдан ўз ишимизни қилаверганимиз ма'қул. Сабаби: тинчгина чигитимизни экиб, боғи-бўстонимизни кўкартириб юраверар эдик... Рус оғайниларимиз ҳам уришамиз деб жуда учиб туришгани йўқ. Улар ҳам бамайлихотир ўз ишларини қилишаверса бўлади,—дейди оқсоқол, тарашадек қуриб қолган қатма бармоғини юқорига кўтариб.

Қосимжон бўлса, оқсоқолнинг гапига қўшилмайди:

— Йўқ, хато қиласиз, ота. Ёлмоғиз бойлар бизнинг ғаллаю-кўмиrimизни, пахтаю-нефтишимизни кўриб, оғизларининг суви келмайди деб ўйлайсизми? Йўқ, улар бизга ҳам човут солишга ҷоғланниб туришипти.

— Ҷоғланышса нима ташвиш! Ҳалво деган блан оғизширин бўлавермайди. Ҳайвон қавлидаги Гитлер дун'ёнинг ҳаммасини босиб сламан деб китоб ёзипти. Ёса ёзаверадида! Ёзган блан дув'ёни босиб олаверармиди қалай! Жиннининг гапига парво йўқ. Қўявер. „Ит ҳуар, карвон ўтар“, деганларидай у ҳам акиллаганича қолаберади. Майли, жонидан тўйган бўлса келиб кўрсин, Совет Армиямиз чунон үхшатиб та'зирини берсинки, қочар жойини билмай, сичқонини минг тилла бўлиб кетсин!

— Хурматли ота, галингиз тўғри, биз кучлимиз. Шундай бўлса ҳам ғафлатда қолмаслик керак. Улуғ Сталиннинг доно ўғитини эсдан чиқариш ярамайди. Модомики, капиталистлар бизни қуршаб олишган экан, биз ҳечвақт хотиржам бўлиб қололмаймиз. Бирдамас-бирда устимизга бостириб келишлари мумкин.

— Бизнинг устимизга? Мана шу табаррук еримизга?..— Убайдулла оқсоқол даст ўрнидан туради-да, Қосимжонга қараб бир-икки қадам ташлайди. — Сиз партия а'зоси булатуриб шундай гапларни айтганингизга ҳайрон қоламан, — дейди оқсоқол бўғилиб. — Нима, ё бизнинг солдатимиз камми, ё солдатларимизни соқишта, кийинтиришта қурбимиз етмайдими? Фам еманг, керак бўлса ўғил ва невараларимдан еттитасини ўзим урушга жўнатаман. Аскаримиз қанча кўп бўлса, кучимиз ҳам шунча кучаяди. Ўзимиз емасак емаймизки, аскарларимизга егизамиз! Ҳа, ўзимиз киймасак киймаймизки, аскарларимизга кийгизамиз. Бу бизнинг қўлимииздан келади.

— Мендан бекор койяпсиз, ота... Ишонмасангиз, улур доҳимиз айтган сўзларни ўқиб берай...

Қосимжон китобни очиб варақлайди, кейин ўртоқ Сталининг Иванов деган бир кишига қайтарган жавобини ўқийди:

„Ҳарбий интервенция қитдай муваффақият қозонгудай бўлса, босқинчилар ўзлари эгаллаган районларда совет тузумини емириб, буржуа тузумини тикламайди деб айтиш кулгили бўлур эди...“

Одамлар Қосимжон теварагига дув йигилишади... Бу ёш йигит яқинидагина катталар олдида айтар сўзини билмай қизарив-бўзарив ўтирав эди. Мана энди унинг гапига ўзи тенгли ёшлар ҳам, кексалар ҳам қулоқ солади. У улуғ доҳийнинг доно сўзларини одамлар орасига сочиб боради.

* * *

Осоюишта кунларнинг бири. Тўйқусдан бўрон кўтарила-дию, чойхонани чойнак-пиялалари, сўри-пўрилари, гилам полослари блан совуради. Бу шамол даҳшатли куч блан уйларга ҳам суқулиб киради. У — балҳайбат урушнинг орамиздан ўтган гаримсари, даҳшатли бўрони эди.

Ҳамма жимжит. Фақат буки чойхоначагина хи-хилаб ўртадаги сукунатни бузади:

— Гам еманглар, барибир, бизнинг Ўзбекистонимизга келишолмайди!..

Унинг гапи Абдулла оқсоқолнинг тепа сочини тик қиласади. Жаҳли чиқиб койиб ташлайди.

— Сенинг калланг нимаю, хом ошқовоқ нима! Ундей бўлмаса сен бу хил гапларни айтмас ёдинг, хумкалла „Ўзбекистонимизга келишмайди“ эмиш! Шундай дейишга қандай тилинг боради, а, нонисоғ? Рус оғаларимизнинг уйига бостириб киргани бизнинг уйимиэга бостириб киргани эмасми? Биз рус ҳалқи блан бир ёқадан бош чиқарган ҳалқ фарзандлари эмасмизми?!.

* * *

Уруш олови узоқ гарбда, кун ботарда ловилласа ҳам, лекин унинг алангаси қизимнинг ҳам юрагига ўт солади.

— Узингиз ўйлаб кўринг, отажон, — дейди Қумри. Ахир Гитлер Парижга кирди! Таъба, нима учун Француздар ғиқ этишмайди, қаршилик қилмайди?.. Нега бундай қилишди, а? Француз ҳалқи — қаҳрамон ҳалқ эдику! Биз улуғ Француэ революцияси блан Париж Коммунасини мактабда ўқиганмиз. Нега энди улар бундай қилишди?

— Хиёнат бўлди, қизим, — дейман қайғиланиб. — Бир тўда ярамас хоинлар француз ҳалқига шундай жабр-жафо етказди, уларни сотди.

* * *

Хақ гапни айтганда, уруш бизга ҳам та'сир қилар деб жуда оз киши ўйлаган эди...

Ўша якшанбадан бери қанча йиллар ўтган бўлса ҳам, лекин у асло өсимиздан чиқмайди. Июньнинг жазирама кунларидан бири эди. Ҳаммамиз колхоз идорасига етиб келдик. Идора олдидаги майдонда бир биримизга суяниб, бир-бири миздан мадад тилагандек сўйканиб бир тан-бир жон бўлиб турдик. Йўқ, садағанг кетай ҳамқишлоқларим, биз у кунни ҳечвақт, умрбод өсимиздан чиқараолмаймиз! „Бизнинг ишимиз ҳаққоний иш!“, „Биз енгамиз!“ деди ўшанда жонажон Москвамиз! Бу сўзларни ҳечвақт, умрбод ёсдан чиқармаймиз!

* * *

... „Бизнинг ишимиз ҳаққоний иш!“, „Биз енгамиз!“
— Хайр, Қосимжон! Душманни енгигиб кел!..
— Хайр, Рӯзимат! Ол, лекин олдирма, болам!
— Хайр, Фозилжон! Ой бориб, омон кел!
— Шер изидан, йигит сўзидан қайтмайди. Ватан йўлда жонларингизни аяманг! Душманни қақшатиб уринг!
— Яхши қолинглар, қалрдонлар!
— Бошларингиз тошдан бўлсин, йигитлар!
— Жангга дадил киринглар!

* * *

Хайр-ма'зур мана шундай ўтди. Ана, машиналар ҳам кўчани чангитиб муйилишдан бурилиб кетди. Ҳаммаёққа жимжитлик тушди. Ҳечвақт қишлоқ бунчаликж имжит бўлмаган эди. Мен эсам баланд-баланд пахса деворлар бўйлаб бораман. Ҳовли-жойлардан чурқ этган овоз өшитилмайди. Қайдадир кампирнинг бўтиқ йигиси өшитилади. Уруш бўрони уйларимизга мана шундай қайфу-ҳасрат, қаҳру-нафрат учирив-келди...

Олимжон ота ўз дарчаси олдида туриб хаёл суради. Мени кўрадио:

— Зап омади келишган одам экансиз-да, Са'дулла,— дейди менга. — Толи'га тараф йўқ. Муқум турмайди. Гоҳ ундей, тоҳ бундай ўзгариб туради. Мана энди давр сизники. Гашт қилиб юраверасиз. Болаларингизнинг каттаси ўғил эмас, қиз...

— Бу гапларингиз чакки, Олимжон ака,— дейман. — Қизик, сизнинг бошингизга тушган қайфи— менинг қайғим эмасми? Ахир шу кунларда ҳаммамизнинг қайғимиз бир эмасми? Ҳа майли, гапингизга хафа бўлмайман. Боши қайғи-алам ичида қолган кишининг тилига ҳар нарса келади. Бунга хафа бўлиш ярамайди...

* * *

Иш ва ташвиш блан тұлиқ күнларнинг бирида даладағ
әнді қайтиб келиб, айвонда үтирган әдим. Күча әшиги ша-
рақлаб очилди-ю, қызим Қумриниса үқдай отилиб кирди. Йүл
бүйін югуриб келган бұлсі керак, өзи лоладек қизарған,
чехрасида шодлик яшнаган әді. Ҳаллослаб югуради-да, йул-
айлакай.

— Ота, отажон! Ойи, ойижон! Суюнчи, суюнчи! — деб
қиңқиради.

Мен даст үрнимдан туриб кетаман. Лекин нима учун
турганимни үзим ҳам билмайман. Балки қызимнинг шодли-
гидан та'сирланғаным, қызим қувончига шерик бұлғаним
учун турғандирман. Үпкам оғзимга тиқилиб:

— Нима бұлды, нима гап, қызим? — деб сүрайман.

У үзини құчогимга отади. Ҳаллослаб, ҳовриқиб гапиради:

— Мени комсомолға олдилар!..

Үзимни тутолмадим. Суюнганимдан күзимга бир-икки
юмaloқ ёш келганини ҳам сезмадим. Әшликда бундан ҳам
кatta баҳт bұладими?! Ахир Ленин комсомоли үз қаторига
олса, үз оғушида тарбия қылса! Баҳтингдан айланай, қызим!

Назаримда қызимни әмас, мени комсомолға олғандай құ-
вонлим. Менга шунча қувонч келтирған қызимни, комсомол
Қумринисаны бу юсқак шараф блан қутладим. Юз-күzlаридан
чұп-чұп үпдим..

Бу — юрг-әлға, ҳарбиrimизнинг уй ва қалбимизға уруш
келтирған улуғ қайғидан кейин бизни баҳтиәр қилған би-
ринчи қувонч әди. Энди қызим — комсомол, мен асам ком-
сомол қызининг отасиман!

* * *

Урушнинг қора йиллари секин-секин үрмалаб үтади. Салим
аканинг хотини барвақт қарыб қолди. Бу катта урушдан уннинг
хушчақчақ үғли Файзула Салимов әнді ҳечвақт қайтиб
келмайди. Абдулла оқсоқол ҳам камалакдай букилди. Уннинг
үғли ҳам, невараси ҳам бир умр қайтмайди...

Бир вақтлар чойхонамиз гурунгларга, хушчақчақ
кулгиларга тұлиб, кечқурунлари, дам олиш өнгелари баҳри-
мизни очар әди. Мана әнди у ер ҳам сув сепилгандек жимиди.

— Бугун сводкани әшитдингизми? — дейди Абдулла оқ-
соқол, қотма бормогини бошидан юқори күтариб. — Шу ба-
ҳор урушнинг масаласи ҳал бұлади... Нима дейсиз, Америка
блан Англия яна қимир әтмай тураверармikan? Йўқ, әнди
улар ҳам урушга киришса керак, дейман.

Оқсоқол блан гап талашадиган Қосимжон йўқ. Кўп вақт-
лардан бери у ақлли йигитдан хат келмайди...

Лекин Абдулла оқсоқол Қосимжоннинг үрнини йўқлат-
тиrmайди. У ўзи гапириб ўзи жавоб беради:

— Ким билади дейсиз, американ, инглиз деган бу тоифа бундан кейин ҳам урушга кирмай, бир четда тамошабин бўлиб ўтираверар... Ҳа-да, текинхўрларнинг жони ширия бўлади. Улар қўлни совуқ сувга уришдан кўра, тайёр ошга баковул бўлишни афзал кўришади... Урушмаса ўзларига! Бир ўзимиз Гитлерни саришта қилиб оламиз. Мана, кўрасизлар! Бу баҳор чигал узил-кесил ечилади, — дейди оқсоқол ўз-ўзига...

Биз эсак унинг фикрига қўшиламиз.

Шундай қилиб, урушнинг қора йиллари секин-секин сургалиб боради.

Олти боламнинг каттаси, тўнғич қизим Қумриниса ҳадеб ўйга чўмади. У юзига қўлини тираб, китоб устида узоқ ўтиради, лекин ўқимайди. Қизим нима тўғрисида ўйланадётганлигини, нима ғамда әканлигини билмайман; бу менинг умримда биринчи ҳодиса!

Қумри мактабдан кеч келади. Қоронгида секин дарчани очиб киради. Мен эшикнинг фирчиллашидан биламан. Хўш, нима учун эшикни тамбаламади?

— Ҳа, келадиган битта яримта одам борми, Қумри? — деб сўрасам:

— Ҳа, Зайнаб келади, — дейди у. — Шунинг учун эшикин беркитмадим.

— Зайнаб келади? Ҳа, дарс тайёрлайсизларми?

— Йўқ, бир ишимиз бор... — Дейди қизариб, ростгўй қизим.

Қизимнинг қандай иши борлигини билмайман. Бу ҳам умримда биринчи ҳодиса.

Ана, Зайнаб келди.

— Ассалом, — дейди у айвондан туриб.

У ҳарвақт шошиб-пишиб юради ва ҳарвақт бирнамаси ноўрия бўлади. Бугун эса сочига узун ип илашиб қопти... Қумри ипни астагина олиб ташлайди.

Қизларга халақит бермай деб уйдан чиқиб кетаман. Ҳовлига чиқаман. Дарчамиз олдида бир туп дарахт бор. Худди ёшигимизни қўриқлаб тургандай. Мен ҳам ёлғиз турибман. Қизимнинг кўнглида нима борлигини билмайман. Уйдан Зайнабнинг қўнғироқ овози ёшлилади.

— Сеники тайёрми, Қумри? Ҳаммасини тўғриладингми?

* * *

Қумриниса мактабдан келадио, овқат емайди. Апил-топил бир бурда нонни олиб, йўл-йўлакай ея-ея Зайнабнинг олдига югуради. Мен яна ўша „бир иш“ блан кетаётгандир деб ўйлайман. Қизим китоб-дафтарларини столга ташлаб чиқиб кетади. Мен уларни йиғиштираман. Китоб қатидан бир конвертнинг уни кўринади. Ё преи, бу хатку! Қумриниса Са'дул-

лаевага... Хат! Уни қаранг, түғри мактабга юборалган... Конвертда дала почтасининг номери блан „Ҳарбий цензура томонидан кўрилди“ деган муҳур бор. Зап аломат эканда у ҳарбий цензура! Нега бундай хатларни ўтказиб, отанинг қўнглини вайрон қиласди? Конверт йиртилган, ичи бўш... Йўқ, ана, битта кичкина суратча тушди. У ҳушрўйгина бир йигитнинг сурати. Рус йигити; ўзи ҳарбий. Орқасида хат бор. Ҳайриятки, русча ўқиши биламан. Уни қаранг: „Азиз Қумринисага жангчи Костядан“ деб ёзилган. Қани айтинг, сиз нима дейсиз бунга?

Суратни олдимга қўйиб олиб, узоқ тикиламан, гижгамни тер босади, артаман. Ана ҳалос, кичкина Қумри нималар қалимабди? Эҳ, миясини еб қўйган ота, фафлатда қолибсанку! Шаҳло кўзлари ўтдай ёниб, қомати сарвидай кутарилиб, гулдай очилган қизингнинг юрагида нималар борлигидан бехабар қолибсанку!

Йўқ-йўқ, шошманг! Қизим, рус кампирларига ўхшаш, ғалати, чиройли, иссиқ қўлқоплар тўқир эди. Бунинг ма'нисига энди тушундим. Шу вақтгача нега разм солмадим-а?! Е серқуёш юртимизнинг обиҳавоси ўзгариб, қаттиқ совуқ тушади деб ўйлагану, шундай иссиқ қўлқоплар тўқиганимкан-а? Йўқ, фафлатда қолибсан, кўзини мой босган ота...

Костянинг суратини яна жойига қўйдим. Омади гапни айтсам, куёвим рус йигити бўлишига сра қарши эмасман... Йўқ, ҳеч қарши эмасман! Лекин, шундай бўлса ҳам, ўзбекка текста чакки бўлмас эти. Лоақал шу ерда туғулиб, шу ерда ўсган, шу ернинг иссиқ-совуғига ўрганган, шимолнинг қаҳратон совуқлари ва фирчиллама қорлари ўзига тортмайдиган рус йигити бўлса ҳам майли эди. Лекин бу Костя келади-ю, қорлари белига чиқиб, изғириллари улиб турадиган өлига қизимни олиб кетади...

Бирдан шовқин кўтариладиу, хаёлни тарқатади. Зулфия, Зайнаб ва Қумри ютуришиб келаётгиб шундай бақириб гаплашадики, уларнинг овози қўни-кўшниларга ҳам эшитилади. Айниқса Зайнабнинг овози бошқаларнидан ошиб тушади. Дўндиқча Муслима эса орқада, эўрга-эўрга етиб келди. Улар тўғри уйга кирадилар. Олдинда — Қумри. У қўлимга аллақандай қоғозни суқиб:

— Отажон! Қаранг, мана жавоб келди! Хат келди! Суратини ҳам қўшиб юборибди!.. Сурати китоб ичиди, — дейди, суюнганидан тили калака бўлиб.

Шундан кейин у стол устидаги китобини олади. Бу орада Зулфия блан Зайнаб ҳам ўzlари олган хатларини менга қўз-қўзлашади. Бири-бирига сўз бермай чуғирлашади.

— Энди сиримизни айтсак бўлади... Фронтдан хат келгандан кейин айтамиз деб аҳд қилгап әдик...

— Фронтдан хат келгандан кейин?

— Ҳа... — деб баравар чуғирлашади-да, кейин хатларни ўқишиди. У хатларда фронтчилар қизлар юборган посилкаларни олиб севинишгани, уларнинг ташаккури ва немисларни Ватанимиздан тезроқ қувиб чиқариш тўғрисидаги аҳду-паймонлари ёэилган...

Вой менинг чуғурчуқларим! Мактабда қанд-қурс олиб енглар деб берган майда чақаларни йигиб, фронтга совфасалом сотиб олиб юборганларингиз учун минг раҳмат! Шундай савоб иш қилибсизлару, яна мендан яшириб, фронтдан жавоб келишини кутиб ўтирибсизларми?

Қумри суратни топади. Таниш Костя яна қаршимда қад кўтариб кўринади. Мен эсам: „Ҳали у йигитни кўрмаганмисан?“ дегим келади қизимга. Бу савол тилимнинг учидан кетмайди. Лекин нодон тилимни тишлайман. Агар тилимга бўйсунсам, у нималарни демайди. Мени уялтириб қўяди.

Гапнинг ростини айтганда, улар ҳеч вақт учрашмагани, бир-бирини кўришмагани хатнинг ўзиданоқ билиниб турипти.

— Ҳафа бўлмайсизми, отажон?

— Нега ҳафа бўлай? Тўғри иш қилгансизлар... Тўғри...

* * *

Қўклам биратўла кирди. Қизғин ишлар авжига минадиган давр. „Энди қандай ишлаймиз?“ деб колхозчиларнинг ташвиши ортади. Колхозларда фақат хотин-холочлар, қарин-қартангларгина қолган. Ундан ташқари, нимжон, касал кишилар бор; уларни ишга ҳам солиб бўлмайди, улардан бирон нарса талаб ҳам қилиб бўлмайди. Иннайкейин фронтдан Рўзимат сингари майиб бўлиб қайтган инвалидлар ҳам бор. Бола фақир урушда қўлининг бормоқларидан ажраб келди.

Колхоз раиси Аҳмад Саттаров кечқурунлари бизникига келади. Қўлида ҳамиша рўйхат. Кишиларнинг номлари ёнига қушчага ўхшатиб қалам урилган. Бригада ва звеноларни тўлдириш учун бу қушчаларни қоғоз юзида уёқдан-буёққа учираиш блан овора бўламиш. Ундей қиласиз, бундай қиласиз, лекин одамларни ҳеч етказаолмаймиз. Шундай пайтларда кичкина чопон ёпиниб ётган кишига ўхшаймиз. Биласиз, бундай киши бошини ёпса обғи, обғини ёпса яна бошқа ери очилиб қолади. Узоқ сўзлашиб, талашиб-тортишганимиздан кейин Аҳмад ака кетади.

— Қазим, меҳмонга чироф тут, — деймсан Қумринисага. У жинчирогни тутади. Биз раисни кўчага узатиб чиқамиз. Раис хайрлашабтиб чуқур хўрсинади. Менга ҳам хўрсиниш келади. Ичкарига кириб, кўча эшигини ёпаман. У бирам фирчиллайдики, қулогимни ёргундай бўлади. Шу кеча айниқса ёмон фирчиллади. Ана мойлайман, мана мойлайман деб шу вақтгача мойламаганим эсимга тушади.

Қумри тұғри уйга киради, лекин жинчироғни үчириш үннің ҳам әсідан чиқади.

— Нега үйланиб қолдинг, қизим?

Шундан кейин Қумри қаққақлаб кулади-да, чироғни үчириб, бүйнімга осилади.

— Отажон, — дейди у қулоғымга шивирлаб. Қаттиқ гапирса, ғапи ҳавога учиб кетадигандай құрқади. Чиндан ҳам үннің айтган сүзлари ҳавога учиримайдын, олтін сүзлар әді.

— Раис иковингизнің гаппингизни бирнече кундан бері әшитаман... Бұлмайди, әнді мен ҳам ишлайман, ота. Йигитлар урушда, әнді уларнің үрніни биз олишимиз керак. Ахир комсомоллармиз...

— Бу гаппингу ма'құл-а, лекин ўқишиларнің нима бұлади, қизим? Ахир комсомоллар ўқишда ҳаммага үрнак булиши керакку?..

— Ўқиши ҳам бұлаверади, ота. Кундузи ўқишиммінің қи-либ, бүш вәқтлары далада ишлайверамиз. Шуни мұаллым блағаплашиб күрсанғиз, жон ота...

Ана, қизим нималарни үйлайди!

Шундан кейин тұғри мұаллымнің олдига бораман. Раҳмат Носиров қачонлардан бері урушда. Әнді үннің отасы Носир домла ўқитучилик қиласы. У мени күриб олдымға чиқади, саломлашиб ҳол-ақвол сұрайман.

Бола-чақанғиз, тани-жонингиз соғми?—деб у ҳам ҳол сұрайди. Сұнгра ичкарига таклиф қиласы. У мени олдин юришга таклиф қылса ҳам, лекин мен күнмайман. Нимага десанғиз, билимдон кишини, айниқса мұаллымни ҳурмат қилиш керак. Шу тахлит „сиз кириңг, яйқ сиз кириңг“ деб бирнече минут талашганимиздан кейин, уйға баравар кирамиз. Мұаллымнің уйи киройи уй деса уй дегулик. Үғелинің сурати ни деворға осиб қўйипти. Барака топсин, хўп аломат офицер бўлти-да, Раҳмат Носиров!

Кохоз ишларидан, уруш янгиликлари ва уёқ-буёқдан пича гаплашиб ўтирамиз. Кейин кўнглимдаги гапни айтаман...

* * *

Чойхонадан янги ёпилған нон ҳиди думоғларга урилади. Сурида чордона қуриб ўтирамиз. Үмар ота әса кўпни кўрган, етмиш еридан қадақланған пиялага чой қуяди-да, гоҳ менга узатади, гоҳ оғиз ёніда айлантира-айлантира ўзи ичади.

— Кизингиз табельчи бўлғандан бери, ишлар ҳам бўлакча бўпқолди, — дейди чол мужмал қилиб. Кейин туяниң тиэзасига ўхаш яйдоқ башини, сұнгра соқоляни силайди. Мен әса гапнинг тагига тушинолмай ўтираман; чурқ этмайман. — Хўш, әнді үннің ўқиши нима бўлади? — дейди-ю, тилинің тагига бир чимдим вос отиб олади.

— Ўқиши ҳам бұлаверади. Мактабдан кейин далада иш-
даб, кечқурун дарс тайёрлашади.

— Ҳа, жуда соз, жуда соз бўти. Лекин, мен сизга айт-
сам, қўшни, қизингиз бироз тезроқ өкан. Йўқ, қизингиз
менга атайин шундай қиласди, деб ўйламайман, бу тўғрида
кўнглингизга гап келмасин. Лекин ҳақ гапни айтсан, менинг
участкамни нотўғри ҳисоблапти. Эҳтимол, янгишгандир.
Лекин бундай қилиш ярамайди. Ахир мендай оқсоқол одам-
ни жамоат ўртасида уялтириш яхши эмас. Ахир одамлар:
“Умар ота ҳаммадан кам ишлапти”, демайдими?!

Мен чурқ этмайман. Ҳақ гапни айтганда, Умар отанинг
сўзлари менга ботмади. Мен бу одамни яхши биламан, бў-
лар-бўлмасга ўзини рукач қилишни яхши кўради.

— Қизингиз блан мундоғ гаплашаб кўринг, Са’дулла,—
деди.

— Гапиришку қочмайди-я, лекин қизимнинг ишига тишим
унча ўтиңқирамайди. Шунинг учун ўзингиз гаплашсангиз
ма’қулроқ бўлади.

Менинг бу маслаҳатимга чолнинг жаҳли чиқади.

— Қизингизга гапингиз ўтмагандан кейин сиз қанақа ота-
сиз, Са’дулла! — дейди қизишиб. Кейин оғзидағи носини жаҳл
блан туфлайди-да: — Хўб ўзим гаплашаман,— деб ўрнидан
турниб кетади.

Даладан ҳориб-толиб өндигина келган пайтимизда кўча
ёшиги ғирчиллаб очилади. Бу ҳали ҳам мойлаб қўймага-
нимни эсимга туширади. Кимнингдир томоқ қариб йўталга-
ни эшитилади. Умар ота булса керак. У ҳамиша шундай
қиласди. Ҳа, худди ўзи! Эшикни қия очиб тўхтайди. Эски
одамлар хотин-ҳолоч қочиб олсин деб ҳамма вақт шундай
қилишади. Бизнинг ўйимизда паранжи ёпинадиган ҳечким
йўқ. Шунинг учун дарров чиқиб ичқарига таклиф қиласман.
Умар ота ёса остонаядан туриб:

— Ўйда ким бор? — деб сўрайди. У эски одат бўйича уйда
бирон әркак борми демоқчи бўлади. Мендан бўлак ҳечким
йўқлигини билиб, хижолат тортгандай лаб тишлайди. Ҳолбу-
ки ҳозир унга әркак киши эмас, қизим Кумриниса керак.

Қизим ҳам югуриб ҳовлига чигади-ю, чол блан ҳол-аҳ-
вол сўрашади. Кейин чолни бошлаб ичқарига киради. Мен
ёсам уларнинг галига халақит бермай деб узоқда майдада-чуй-
да ишлар блан авора бўламан. Дарвоқи’, хомтоқ қиласиган
ишм бор эди. Шу иш блан банд бўлдим.

Бир вақт Умар отанинг бақириб-ушқиргани қулогимга
киради.

—... Мени жамоат олдила шарманда қилдинг... Уятга
қолдирдинг... Номусдан ўлаёздим...

Яна қайдандир Рўзимат пайдо бўлади.

— Э-э, Умар ота, гапларнинг қоғиялику, сиз ҳам шоир
бўпқолибсиз-да?

Бу Рўзиматнинг пичинги эди.

Кумриниса пайт пойлаб унинг ёнига келади-ю, бормоғини оғизга кўйндаланг тутиб, ҳап дегандай қилади. Қазимнинг кўзларида кулки бор эди.

Рўзимат чуқур хўрсинади, ҳовли томонга ўтиб кетади. У бир четга бориб, негадир уйланиб қолади. Лаблари шивирлади. Балки янги ше'рлар тўқиётгандир, ё улуғ Навоийнинг ғазаларини ёдлаётгандир!

Умар ота, оғир-օғир ўрнидан туриб, кўча томонга юради. У салмоқли қадам ташлаб салобат блан чиқиб кетади. Кумриниса эса уни өшиккача узатиб қўяди.

Ажаб, қизим Умар отани қандай ром қилди экан? Унинг кекса юзини буриштириб турган бояги қаҳри-ғазаб қайга кетди?

Рўзимат дўпписини бошидан олади-да, уни ҳозиргина со-тиб олгандай айлантириб кўради. Кейин:

— Ўзинг ёлғизмисан, Кумри? — деб сўрайди.

— Ўртоқларим ҳозир келишади. Камда ишинг бор эди?

Рўзимат жавоб кайтармайди...

— Ҳай-ҳай-ҳай! — деб қичқиради бирдан Рўзимат. Мундай карасам, сув ичгани келган бузоқ унинг дўпписини ялмай-ётпти...

Зайнаб кўча ашигини очади-ю, останада туриб қаҳ-қаҳ уриб кулади.

— Ҳа-ҳа-ҳа! Шоир хаёл дар'ёсига чўмиб, дуппасидан ажраёзилти! Ширин хаёллар ақли-ҳушингни биратўла оп-қочмаса деб қўрқаман!..

Бу тушми ё хаёл, бу не турли куй?

Қаердан бу қадар қушлар сайраши?

Ўрмон шамолимас, арча бўйимас,

Қайдан район ҳидли елиниг яйраши?..*

деб Рўзимат сирли жавоб беради.

* * *

Қизим у қилди-бу қилди, хуллас, айтганини қилди.

— Кетманга ярамайдиган бошқа бирон кишини табельчи қилинглар. Мен далада ишлайман. Мени бирон бригадага юборинг, жон раис! Илтимос қиласман, сўзимни қайтарманг,— деб туриб олди.

Хуллас, муроди мақсадига етда. Энди у далада ишлай бошлайди. Ишлаганда ҳам полвон йигитдай, дўндириб ишлайди. Раис унинг ишини кўриб, қизимни ўз қошига чақиради-да:

— Ўзингга одам топ, звено бошлиғи бўласан, қанд лавлағи әкасан, — дейди.

Зайнаб бу хабарни эшитади, ялангоёқ, ялангбош югуриб келади. Шошилиб келганлиги камзулининг тұгмалари қадал-маганидан ҳам күриниб туради.

— Мени әз, Қумри! Мени әз, жон Қумри! — деб қичқи-ради. Унинг құнғироқдай овози қулоқларни зингиллатади.

— Мени ҳам, Қумрихон, — деб хушруй Зулфия кириб келади.

Содда қызы Муслима ҳам улардан қолишмайди. У ҳам қувонч, ҳам ҳаяжон блан:

— Мени ҳам,— дейди.

— Хұп, қызлар, ҳамманғизни оламан! Лекин звеномда яна бир киши бұлади. Отини айтсам вой демaisизлар.

Қаранг, бу мұғомбір Қумри нималарни үйлаб топмапты!

— Умар ота ҳам бизнинг звеномизда бұлади. Сұраб әдім,— құб деди. „Сиз ишнинг күзини биласиз, сиз бұлмасанғиз өзілай олмаймиз“ десам, әшитиб жуда суюнди.

Қумрининг мұғомбірлігінде, құвлылғига қойилман. Гул тиконсиз бўлмайди деганларидай, тўрт нафар гул орасида бир кекса тикон бўлса не ажаб?

* * *

Аллақандай донишманд мәжнатни әнг яхши дармоян деган экан. Барака топсин, ҳақиқатан ҳам күп доно гапирипти.

Урушнинг қора йилларida кулишни ҳам әсдан чиқариб құяеңған әдик. Ватанимиз осмонида сузаётған қора булулар юрагимизни тегирмон тошидай босар, әзар әди. Лекин мана шу йилгина далаларда қийғос кулги ва шоду-хуррамлик янграйбошлади. Узоқ фронтдан хуш хабар келмоқда. Мана әнди фронт биздан кун сайин узоқлашиб боради.

Үша баҳор колхозимизда биринчи марта қанд лавлаги өкдик. Шаҳардан Андрей Иванович Петров деган агроном келди. У Украинағати қанд заводларини немислар вайрон қылғанини айтиб берди. Бу хабар юрагимизга тошдай ботди. Хайриятки, уруш йилларила янгидан-янги қанд заводлари қурилипти. Бу хушхабарни әшитиб бошимиз осмонга етди. Иннайкейин, Ўзбекистонда етиштириладиган қанд лавлагилари Украина лавлагисидан қолишмас әмиш. Буни әшитиб яна ҳам суюнди.

Лекин бу ўсимликни жуда яхши парвариш қилиш, күз қорачигидай асраш, авайлаб ўстириш керак әмиш. Ҳечқиси йўқ. Пахгага йил ўн иккى ой ишлаб, дәққончиликнинг аччиқ-чучуги ва ҳузури-ҳаловатини яхши татиганмиз. Мәжнат биздан қочиб қутылмайди!

Бу, сўзларни ким айтди деб ўйлайсиз? Агроном Петровми? Йўқ, буни аввал Петровдан әшитиб, кейин Қумриниса бизга айтиб берәётир. Колхозчилар эса унинг сўзини жондил блан әшитади. Тавба, қизим кечагина сочига тол чивиқ-

дан чочпопук тақиб юар әди; мана бугун унинг гапига қулоқ солишиб ўтирипти!

Рост, бу баҳор далага жон кирди. Ёқимли ашуалалар, кишининг кўнглини очадиган хушчақчақ кулгилар янграб қолди. Ҳаммадан ҳам Зайнабнинг кўнглироқдай овози дала-даштга жон киргишиб, узоқ-узоқларга ёйлади.

— Овоздангизни икки километрдан ёшишиб югуриб келдим. Қойил, тасаддуқжон!

Колхоз аравакаши Рӯзимат ана шундай деб ҳазиллашади. Унинг аравасини кўрсангиз, албатта, Рӯзиматники дейсиз. Негаки, у Муқимиининг ше'ларини майда ҳарфлар блан арава шотисига чиройлик қилиб ёзиб қўйган. У ше'р бандаси. Лекин ҳақиқий, чинакам, чиройли, киши кўнглини толпинтирадиган, одамда қанот пайдо қиласидиган ажойиб ше'лар бандаси!

* * *

Ўша йил ёзда ғалаба олтин қанотларини ёйиб өлимиэга, ҳарбиремизнинг уйимиэга, юрак-юрагимизга кириб келди. Мен бу ёруғ дун'ёда кўп йил яшадим. Жуда кўп нарсаларни кўрдим, ҳадди-ҳисобсиз тўйи-тамошаларда, байрамларда бўлдим. Лескин ғалаба кунидай катта шоду-хуррамликни кўрганим йўқ. Севинганимдан йиглаб юборганимни ўзим ҳам билмай қолдим!..

Энди чойхонамизга ҳам жон кирди. Энди у ерда, бўш вақтларда қаҳ-қаҳалар, қизиқ-қизиқ ҳангамалар ёшитиладиган бўлди. Абдулла оқсоқолнинг ўғли ва неваралари сўрига сифмайди, улар бири-биридан паҳлавон, оламжаҳон йигитлар. Елкасига қулоч етмайди десам маҳоват демайсиз. Кўракларидаги орденларини айтинг. Санаб тутатолмайсиз.

Бу ерда қандай гаплар ўтмайди. Танкларнинг душман қўрғонига бостириб киргани, жангчиларимизнинг қорлар ичидаги ётиб пулемёт отгани, аскарларимиз катта-катта дар'ёлардан, муздай сувлардан ўтиб, тоғлардан ошгани, довюрак йигитларимиз парашют блан тушгани... сўйланади.

Биз: „Чет мамлакатларда деҳқонлар қандай яшар экан? Ери семиз, серҳосил бўлар эканми? Ер кимга қарашли экан?“ деб сўраймиз. Ҳамма нарсани билгимиз, ўзимизни билан таққослаб кўргимиз келади.

Йигитлар фашистларнинг ер тўғрисида чиқарган қонунларини сўйлаб беришади. Уларнинг қонунида ер рўзгор бошлиғига қарашли бўлар экан. Рўзгор бошлиғи, я'ни отаси ўлгандан кейин ер катта ўғлига ўтар, унинг укалари, опа-сингилари эса ердан маҳрум бўлиб, шаҳарма-шаҳар, ёхуд далама-дала иш кидириб, муҳтоҷлиқда, камбағалликда ўлиб кетар эканлар. Поляк деҳқонларининг камбағалликда, факирликда, муҳтоҷлиқда қийналганини ҳам ёшидик. Энди улар янгича турмуш қурабошлашилти. Ҳозир Польшада ва

шунга ўхшаш янги демократия мамлакатларидан ишсизликка қарши кураш бошланыпти. Ҳа, тузук, күп бама'ни ишқилишипти...

Аттанг, минг аттангки, Қосимжон йўқ! Агар у бўлса кўриб-билиб келганларини минг чандон яхшироқ қилиб айтиб берар өди.

* * *

Меҳнатда, роҳатда кунлар жуда тез ўтади. Тўрт нафар атр гул ғунчаси орасига чақир тиканак — Умар ота — кириб олганига мана бир йил бўлди. Бу орада қизларни ҳам, уни ҳам таниб бўлмай қолди. У тўрт ғунча гул булиб очилди. Тавба, у кекса тиканак ҳам куртак чиқарабошлади. Умар ота аввалгидай дўнгғилламайди. Осмонда йўқ нарсаларни қидирмайди. Агар кекса кўзларини кўкка тикар экан, бунинг ма'носи бошқа: осмонда булатлар сузишмаяптимикан, ёмғур ёғиб, ҳосилни йиғиштириб олишимизга халақит бермасми-кан деб қарайди.

Омади гапни айтсан, бизнинг бутун шоду-хуррамлигимиз ҳосилда. Қумринисанинг звеноси ҳарбир гектар ердан беш юз эллик центнердан сара лавлаги йиғиб олди. Бу ҳозирги давргача олинган ҳосилларнинг әнг пешқадами. Биз бунга өмас, қўлимииздан нималар келганига, ўз қурбимиизга қуво-намиаз.

* * *

Куз кечикиброқ қолди. Кечқурунлари совуқ тушаб, ки-шини иссиқ тортади. Шундай кезларда чойхонада ўтириб, гурунглашгинг келади. Бўш вақтни топиб гурунглашамиз ҳам. Гапимиз дим ариқнинг сувидай жимиirlаб боради. Гойи-да гап топилмай оғзига талқон солгандай нафасимиз чиқмай қолади. Фақат пиялаларнинг жаранглаши, самоворнинг ви-шиллашигина эштилади. Шундай пайтларда Абдулла оқсо-қол гапни қизимга буради:

— Хўп пешонангиз ялтираган киши экансиз да, қўшни. Қизингиз аломат ишлар қилди, умри узоқ бўлсин. Унинг звеноси кўп ҳосил олиб ҳаммадан баланд чиқди. Баракалла!

— Яна бир чойнак қуянкроқ қилиб чой беринг, самовор-чи ака.

— Гапингиз тўғри, оқсоқол, — дейман унга чой узатиб.— Бу масалада Умар отанинг мадади катта бўлди. Бу киши ўзининг катта тажрибаси блан қизларимизни суюб-сийпади.

— Ҳа, кам бўлманг, Са'дулла. Гапингиз бир томондан тўғрию, лекин Қумриниса полвон қиз экан. Барака топсин. Звенони жуда яхши ишга солди. Оқибат ҳаммамизнинг дон-гимиз чиқди. Ҳозир у колхозимизда биринчи киши. Мен сизга айтсан, қўшни, — деб Умар ота менинг ёнимга сурин-ди.

либрок келади, — ҳозир бўлиш керак, энди ундан ҳечким ўтломасин. Я'ни-масалан, у турган ерида туриб қолмасин, илгари юрсин. Бунинг учун нима қилиш керак? Бунинг учун Қумриниса энг яхши колхозчиларни ўз звеносига олиши керак! Яхши плуглар ҳам Қумринисанини бўлсин; яхши ўғит ҳам Қумринисанинг участкасига солинсин... Мана шундай қилинса, бу йил ҳам қизингизнинг донги достон бўлади. Мана, менинг маслаҳатим шу. Хўш, нега индамайсиз? Ё гапим чаккими?..

— Шундай, Умар ота, лекин бирмунча чакки ҳам. Нимага десангиз, Қумриниса фақат ўзимнинг донгим чиқсин, ўзим булай дейдиган қизлардан эмас.

Бир вақтлар қизим иккевимизнинг ўртамиизда бўлиб ўтган гап эсимга тушади. Ярим кечалар чамаси бор эди, айвонда ўтириб гаплашидик. Кейин ҳам тез-тез шундай суҳбатлашар эдик. Ўшанда қизим шундай дегани ҳали-ҳали эсимда:

— Ота, биласизми менинг мийямга бир нарса келаяпти?
— Нима келаяпти, қизим? — дедим.

— Бу йил мен ҳаммадан кўп ҳосил олдим. Келаси йил колхозчиларимиз мендан ҳам кўпроқ ҳосил олади. Мен худди шундай бўлади деб ўйлайман...

— Нима, бу йилги ҳосилингдан ҳам кўпроқ олишса чакки бўладими?

— Йўқ, аксинча, айни муддао бўлади, — дейди қизим.
Кейин у мийасига келган фикрларини айтади.

Файзула Икромовни биласиз. Унинг қўлидан кўп иш келади. Ишқилиб, безгаги тутмаса бас. Агар Зуҳра холам қелини туғиб шунча кун ишга чиқолмай қолмаганда, мен блан қаттиқ беллашарди. Иннайкейин, синглим Турсунойни Олинг, у ҳам жуда қаттуқ ишлади, шундай эмасми? Лекин бу йил бутун колхозимиз ўз устига стахановча мажбурият олиши керак. Мен кўп ҳосил олсаму колхозимиз орқада судралиб қолса, бундан нима фойдал

— Қизиқ гапни айтасан, Қумриниса, шунча лавлаги бердинг, ундан тоф-тоф қанд чиқди. Нима бу фойда эмасми?..

Қумринисанинг жаҳли чиқади. У менинг гапимни қайтаради:

— Ўзбекистоннинг қанд заводларига бир ўзим лавлаги етказиб бераолмайман. Мен ўёқда турай, звеноң ҳам, бутун колхозимиз ҳам етказиб бераолмайди. Шунинг учун судралиб қолган колхозларга ёрдам бериб, уларни ҳам илгорлар қаторига чиқариш керак...

— Мана, кўрдингизми, Умар ота, одамларимиз қандай ўйлашади? Дўппингизни ерга қўйиб, мундай ўйланг, тушунасиз. Ҳарбир колхозчи ёхуд колхоз ўзимгина илгор бўлай деб ўтирмасдан, бошқаларни ҳам ўзларига тенглаштириши керак. Одамгарчилик деб шуни айтади.

Умар ота хижолат тортгандай ерга қарайди. Айтган гапига, янгишганига уялиб қизаради...

Биз якшанба куни қизим блан шаҳарга бориб, жуда яхши ўйнадик. Қизим шундай қувондики, худди бирнеча йиллар бурунги қичкина Қумрига ўхшаб кетди. У вақт қизим ўйинга тушадиган кучукларни, малла қизиқчини кўриб шундай қуванар эди.

Кечқурув колхозимизнинг дўконига келиб машинани кутдик. Шаҳримизнинг колхоз бозори яна обод бўлиб қолди. У-бу олиб ё сотиб юрган кишиларнинг гурунги оламни тутади. Савдо магазинларида одамнинг жонидан бошқа ҳамма нарса топилади: радио аппаратлар, патефонлар, пластинкалар, турли кийим-кечаклар, газмоллар, пойафзаллар... Чойхоналар бираам обод! Кимдир дутор чалиб, кимлардир шахмат ўйнаб ё газет-китоб ўқиб ўтиради... „Хороша страна Болгария, но Россия лучше всех“¹ деган ашула одамга айниқса майдай ёқади.

— Отажон, Зайнаб ҳам шу ашулани айтади. У кузда ашула мактабига кирмоқчи, — дейди қизим.

— Жуда яхши қиласди, овози қўнғироқдай.

— Ўқиса, зора катта ашулачи бўлиб чиқар! Қандай яхшия, бирга-бирга ўсган ўртоғинг операда ашула айтса!

— Рўзимат бўлса-ю, ҳозир қотириб бир сўз айтар эди.

— Нима ҳам дер эди, жуда бўлса: „Ўйин қизиб турганда улама сочингни йўқотиб кўясан!“ деяр эди-да!

Зайнаб блан Рўзимат хўп ажойиб-да. Ҳамма вақт бир-бири блан ҳазиллашиб, бир-бирининг қитигига тегишиб юради.

Ана машина ҳам келди. Вой-вуй, ичи тўла одам-ку!

— Қани, чиқинглар машинага! Ҳозир жўнаймиз.

Машинада ҳамма нарса бор: қопларда ғалла, шакар, ун, туника идишларда мой, той-той газмол... Буларни қанд заводи лавлаги эвазига берган.

Шофер, кабинанинг эшигини очиб, мени ўз ёнига таклиф қиласди:

— Йўқ-йўқ, Са'дулла ота биз блан ўтирадилар! — деб қичқиришади. — Буёққа чиқинг, буёққа, Са'дулла ота, бирга чақ-чақлашиб кетамиз!..

Қумринисани кучли қўллар юқорига тортади, у енгил патдай кўтарилади.

Бир ярим тоннали машина бирдан жилади-ю, биз бир-биrimизнинг устимизга мункиймиз. Бу эса ёшларни кулдиради.

Мана шаҳардан ташқарига чиқдик. Тупроқ йўлнинг охирни кўринмайди. Машинада учгандай борамиз. Йўл бўйларида пастак деворлар, уларнинг устига шохлари осилиб тушган дараҳтлар лишиллаб ўтади. Бу йил куз яхши келди. Олмалар, ноклар шохларини кўтаролмай гуч мевага тўлди.

¹ „Булғория яхши мамлакат, лекин Россия ҳамма мамлакатлардан ҳам яхшироқ“.

Ира-шира қоронғида мевалар күзга чалинади. Кейин қоронғи тушади. Емғир севалаб, үнқир-чұнқир жойларни сувга тұлдира боради. Гойи-гойида пиёдалар учрайди. Ұлар бошларига румол ё қийік ёпиб олишган. Куни блан үйнаб чарчаган ёшлар әнді жимигандай. Тұғри келган нарса блан бошларини ёпиб, чурқ әтмай бориша ди. Балки үзимни үйқи босғандыр? Ҳарнечук, қулогимга ҳечніма әшитилмайды. Машина зарб блан тұхтайди-ю, күзим очилади. Энгашиб кабинага қарайман.

— Нима гап, нега тұхтадинг? — деб шофердан сұрайман.

— Бир инвалид яёв кетаётган экан, кабинага ўтқазиб олдым, — дейди у машинани юргизиб.

Үйқум қочади. Емғир эса бир зайлда севалайди. Кабинадан аллақандай ғұзлар әшитилади... У ерда кимдир йұғон овоғ блан гапираётір. У менға танишдай күринади. Негадир юрагим урабошлайди.

Ана, магазинга ҳам етдик. Ёшлар чирқирашиб, چуғиллашиб машинадан тушадилар. Бири бошига пиджагини, бири газета ё шунга үшшаган нарсаны ёпиб, хивичлаб турған ёмғур остида сувларни шолоплатиб югуришади. Менинг қызим ҳам шошади. Мен негадир шошмайман. Машина олдида, ёмғурда тураман.

„Сен йүлда ўтқазиб олған ҳалиги инвалид қани?“ деб шофердан сұрагим келади. Лекин у баланд қоматли бир ҳарбий кишини құлтиғидан ушлаб кабинадан чиқараётір.

Демак, у киши шу ерда, колхозимиңда қолар эканда?

Бу фикр юрагимни ҳовлиқтиради. Негадир юрагим дүккіллаб үйнайди.

Инвалид мен томонға үгирілади. Мен уни зұрға танийман. Қосымжон!.. Вой, қадрдан дүстим! Епир, мунча қаріб кетибсан! Құлингда ҳам қариларники сингари ҳасса... Азиз дүстим!

Мен уни ҳарорат блан құчоқлайман. Құзларимға ёш келади. Севалаб турған ёмғур ҳам эсдан чиқади. Ора-сира шамол юради-ю, Қосымжоннинг әгнідаги шинель әтакларини учиради. Қосымжоннинг күкрагидаги орденлар, ярадорлық аломатлары гоҳо күриниб кетади.

— Минг қатла шукр, күзимиз күзимизга түшди... Нега йүлда үзингни айта қолмадинг, Қосымжон?..—дейман, суюнчим ичимга сиғмай.

— Ростини айтсам, шу авзода ёру-օғайніларга күрингим келмади. Йүл азоби... Иннайкейин, госпитальда ярим йил өтганим...

Мен уни құлтиғидан оламан.

— Буны күринг, Са'дулла ака, оғеңни фауст-патрон блан майиб қилишди...

— Фам ема, дүстим, бошинг әсон қолипти, шунинг үзи катта давлат...

Қосымжон!.. Қосымжон қайтиб келди!..

* * *

Бу йил жуда тез ўтди. Түнгич қизим Қумриниса яхши шлаб шуҳрат топди... Яша, қизим, кўзимнинг оқу-қораси!.. Агар Қумриниса етти боламнинг каттаси десам: „Болангиз қачон еттига бўлиб қолди?“ деб ўйларсиз. Ҳа, урушнинг қора йилларида бир жажжигина рус болани ҳам ўзимга ўғил қилиб олдим. Унинг отаси, — тупроғи енгил бўлсин, — Украинада фашистларга қарши урушиб ҳалок бўлган. Онаси эса немис бомбаси остида ўлган. Оппоққина, кўзлари кўм-кўк бу кичкина бола менинг бўғдой ранг, қора кўз болаларим ичida торвуз уруғлари орасидаги қовун уруғидай ажралиб туради. Умири узоқ бўлсин кичик ўғлимнинг...

* * *

Қизимнинг кўкрагида әнди орден бор. У — ҳукумат сийлови, катта сийлов! Қизимни кўраману, унинг ёшига бир ёш вмас, ўн ёш қўшилди, деб ўйлайман. Менга шундай кўринади.

Ўзи ҳам салобатли бўлиб қолди. Кечалари айвонда ўтириб узок-узоқ ўйлайди. Худди менинг ўзим дейсиз. Мен ҳамиша бир нарса қилмоқчи бўлсан, ёлғуз ўтириб, шундай ўйлайман.

— Келинг, отажон. Ўтиринг, бир гаплашайлик, — дейди қизим.

— Сен блан гаплашишга ҳамма вақт тайёрман, қизим. Нимани гаплашгинг келади?

— Эндиги ишларни. Қосимжон аканинг айтган сўзларини эшитдингизми?

— Эшитдим. У ўтган ишларни гапирди, лекин сен әндиги ишларни гаплашмоқчи әдинг-ку?

— Шошманг... Унинг айтган сўзлари ҳали ҳам кўз олдимдан кетмайди. Вайрон қилинган уйлар, емирилган кўпиреклар, куллари кўкларга совурилган қишлоқлар, шаҳарлар... Йигитларимиз ўт-оловлар, аччиқ порохлар ичидаги жон олиб, жон беришаяпти! Қосимжон акани кўрингу, жангчиларимизнинг қандай курашганини кўз олдингизга келтираверинг. Уларнинг ҳарбир босган қадами хавф ичидаги, лекин улар тинмасдан илгарилашади, ҳечнимадан, ҳатто ўлимдан ҳам кўрқишишмайди. Бу ҳам катта меҳнат, уруш меҳнати... Отажон, биз бу ерда, ўз еримизда урушдан узоқ орқада турибмиз. Шунинг учун қаттиқ меҳнат қилишимиз керак. Бўлмаса жангчиларимиз олдида уятга қоламиз. Тўғри, бизнинг ишимиз ҳам катта иш, оғир иш. Шунча ҳосил етиштириш учун оз мунча меҳнат сарф қилмадик. Лекин ўша меҳнатимиз ҳам ҳозир менга оз кўринабошлади. Шунинг учун келаси йил яна ҳам кўпроқ жон куйдириб меҳнат қилишимиз керак.

Ха-ха, кечалари айвонда ёлғыз ўтириб шуни ўйлар экан-да қизим?

— Ўз устингга янги мажбурият олмоқчимисан? — деб сұрайман.

— Оламан. Бу масала ҳал, отажон. Оладиган мажбуриятим катта бўлади. Шунинг учун Турсунойни ҳам ўз звеномга қўшсам дейман.

— Айланай опажонимдан, мени эсдан чиқармапти! — дейди иккинчи қизим. Кейин у қоқажон югуриб келди-ю, Қумрининг бўйнига осилиб, уни юз-кўзларидан ўпади; ўпиб бўлиб ёнимизга ўтиради. Ўзини босиб олиб, бошқа оҳангда сўз бошлайди: — Лекин, гапнинг ростини айтсан, опажон, мен сизнинг звенонгизга кирмайман. Ўзим звено тузиб, сиз блан мусобақалашаман.

Тавба, бу ёшларга нима бўлган! Бири-биридан ўзай дейди. Яхши, бири-биридан ўсесин...

Учаламиз айвонда ўтириб режа қурамиз. Ҳарбир гектардан қанча ҳосил олиш мумкинлигини ўйлаймиз, бош қотирамиз...

* * *

Колхоз раиси Аҳмад ака Қумринисани мажлисга чақирали. Қизимнинг кўкрагида орден бўлса ҳам, барибир, у мендан маслаҳатсиз иш қилмайди. Ҳарнечук мен унинг отаси-ман. Шунинг учун: „Бирга борайлик, отажон, бизга маслаҳатларингиз блан ёрдамингиз тегар. Бир масала бор, шуни ҳал қилмоқчимиз“, дейди.

Мен бирга бораман. Кўчага чиқамиз. Кўча тўла одам, мен олдинда бораман. Қизим эса бир-икки қадам орқада. Ёш-яланглар, таниш-билишлар та'зим қилишади. Лекин кимга та'зим қилишганини ажратаболмайман. Нега десангиз, мендан бир-икки қадам олдинда қилинган та'зим қизим ўтиб кетгунча ҳам давом этади.

Эрта блан одам узилмайдиган кичкина бозорчамиз ҳозир бўй-бўш. Фақат куз шамолигина хозонларни учирив юрипти. Дараҳтлар ёпроқларини ташлаб, суйкимлигини йўқотган. Уларни кўриб, юрагинг сиқилади. Ер ҳам ёзги тобини йўқотиб, уйқуга бош қўйган...

Соат олти-ю, лекин қоронғи тушган. Қишлоқ советининг идорасига келамиз. Фонор ёруғида Аҳмад ака китоб ўқиб ўтирипти. Ҳисобчи бўлса шарақлатиб чўт солаяпти. Қумғон ўчоғда вишиллаб қайнамоқда. Партия ташкилотчиси Қосимжон блан комсомол ташкилотининг секретари ҳам шу ерда. Комсомол ташкилотининг секретари ким деб ўйлайсиз? — Рўзимат!.. Ҳар ерда ҳозир бўладиган ҳу ўша кичкина шоғир Шаҳардан агроном Петров ҳам келипти. Ҳамма жамул-жам бўлиб бизни кутиб ўтиришган экан.

— Шундай қилиб, — дейди-да Қумриниса, Рўзиматга куз қири блан қараб қўяди. Рўзимат эса Қумрининг гапини маъқуллаб бош чайқайди. Қумри пича оқариб, ҳаяжонланиб сўзида давом қиласди: — Шундай қилиб, ўз устимизга катта мажбуриятлар олмоқчи бўлдик. Тўрт гектар еримизнинг ҳарбир гектаридан бу йил давлатга камида саккиз юз центнердан лавлаги берамиз. Бизнинг қат'ий қароримиз — мажбуриятимиз шу.

Ҳамма жим, пашша учса билинадиган даражада жимжитлик. Қумриниса гапириб туради. У ҳали ёш. Ёшлар ҳамма вақт ҳар нарсага қизиқиб киришади. Аҳмад акага қарайман-да, унинг мийясиға шундай фикрлар келмаганикан деб ўйлайман. Балки у қизим айтган сўзларни ўзивинг тажрибали миясида солмоқлаб кўраётгандир?

Партия ташкилотчиси нималар ўйлаётган экан? У гоҳо кулемсираб-кулимсираб қўяди. Унинг мийясиға қандай фикрлар келганини билолмайман. Рўзиматга келганимизда эса, унинг бутун фикр-зикри Қумрида, Қумрининг айтган сўзларида. У қизим айтган сўзларнинг қаттиқ сўз эканини яхши билади, инонади.

— Хўш, Андрей Иванович, сизнинг фикрингиз? — деб сўрайди раис.

Агроном, айтадиган жавобини илгаридан тайёрлаб қўйган кишидай, ишонч блан:

— Шунча ҳосил олиш мумкин, — дейди.

— Бу йил звено гектаридан беш юз эллик центнердан ҳосил берди. Олаётган мажбуриятининг олдида бу анча кам. Лекин тамбаллик қилдиларинг, кам ишладиларинг деб ўйламайман. Сизлар ҳам бундай маъно чиқарманлар, — деб Аҳмад ака солмоқ блан гапиради.

— Гапингиз Тўғри, раис ака, — дейди-да Қумриниса, ўрнидан туриб гапини давом этдиради. — Эсингида бўлса кепрак, ерни ишлашга кечроқ киришдик... — У хижолат тортгандай ўнг қўлининг бормогини қирсиллатади. — Ерни ҳам кеч ҳайдадик... — яна иккинчи бормогини қирсиллатади. — Иннайкейин, минераль ўғитни ҳам вақтида етказиб беришмади... — Қумриниса агрономга кўз қирини ташлайди. Агроном эса, Қумрининг сўзини бўлиб:

— Энди бундай бўлмайди, — деди.

— Мана шу уч сабаб блан биз фақат беш юз эллик центнердангина ҳосил өлдик...

Гапга Қосимжон аралашади:

— Ҳосилку-ҳосил. Ортдиран тажрибамиш-чи? Бултур лавлаги экишнинг нималигини, уругни қандай ивitiшни билмас эдик. Мана энди билиб өлдик. Билганда ҳам жуда яхши билдик. Бу йил яна янги нарсаларни билишимиз, янги янги усуулларни қўллашимиз турган гап. Шундайми? Ҳа,

баракалла! Ундан ташқари, бу ва'да комсомол қизнинг ва'-даси. Демак, бажарилади деган сұз.

Шундай қилиб, ҳар гектаридан саккыз юз центнердан ҳосил олиш мусобақаси бошланади.

* * *

Бу йил куз совуқ келди. Куз кечаларининг бирида қор ёғди. Еғди-ю әримади. Ҳовли ва томлардан куралган қор деваланиб болаларга әрмак бўлди. Болалар қорбобо уйнашади. Биз эса уйда ўтирибмиз. Камтарин дастурхонимизни ҳўл мевалар, қовун-торвузлар, қоқилар, сингиб пишган мойли кулчалар безаб туради. Лекин меҳмонлар ейишга ошиқмайди. Бир вақт Қумриниса дастурхондаги нарсаларни четга суради-ю, ўртоқ Петровнинг олдига бир варақ қофоз қўяди. Тўрт атр гулнинг ҳаммаси шу ерда. Кекса тиканак ҳам ҳар вақтдагидай гуллар орасида.

Печкага ўт қалайман. Ташқариди совуқнинг қутиргани кўриниб туради. Шамол очиқ эшикларни зарда блан ёпади.

— Бунда звеномизнинг иш плани ёзилган. Қайси ишни қачон ва қандай бошлишимизни мукаммал ёзганимиз — дейди Қумриниса агрономга. Умар ота эса ўзича дунғиллайди.

— Бизнинг замонда режа-пежа деган нарса йўқ эди. Ёзиб овора ҳам бўлмас эдик.

— Ҳайтавур, ёзадиган одам топиларми? — деб Қумриниса Умар отани нозик жойидан ушлаб қолади. Умар ота эса гижгасини қашиб, юзини тириштириб гапиравали:

— Дарвоқи', буёғи ҳам бор. Шу важҳдан план чизиб ўтирамай, уруғни экаверар әдик. Ҳа, қурби етганлар гўнг ҳам солишарди. — Чол гапини тугатиб, тилининг тагига бир чимдим нос отиб олади.

— Тўғри айтдингиз, ота, — дейди қизим. Лекин унинг кўзларида қандайдир норозилик учқунлари чақнайди. — Сизнинг замонингизда ҳам режа бор эди. Лекин у режани сиз эмас, бойлар, ер эгалари тузишар әди. Сиз ва сизга ўхшаган кишилар бой ерида эртадан то қора кечгача ишлаб қорни тўймас, усти битмас эди..

Умар ота индамайди. Ё сўз тополмайди, ёки отиб олган носи халақит берар әди.

* * *

Мана энди қофоздаги режа далага кўчди..

Аввало ер ҳайдалди. Шу блан ерни юмшатиб, унинг кўк-сига, бағрига ҳаво берилди. Қизим этик кийиб, соchlарини дурра орасига яшириб, далада эркаклардай ишлайди. Ҳозиргина трактор ағдариб ўтган ерлардаги ғумой, ажриқ илдизларини теради. Совуқ баданларни зирқиратади. Лекин со-

вүқ Кумрига кор қилмайды, у нимчасини ечиб ташлайды. Бир оздан кейин эса дуррасини чұнтағига солиб олади. Шабада унинг қора соchlари блан ўйнашиб, уёқдан-буёққа учирауды.

Кумри пешана терини арта туриб:

— Тракторчи, ерни яхши ҳайдаяпсиз. Муни қаранг: чуқурлиги йигирма беш—йигирма етти сантиметр. Ҳамма ерни шундай ҳайдаш керак, — дейди. Тракторчи ҳам ҳазил араплаш жавоб беради:

— Хўп, полвон қиз, айтганингизни қиласиз.

Қизим ернинг чуқур ҳайдашини ҳикматини менга уқтириди:

— Отажон, ер шундай чуқур ҳайдалса, лавлаги ҳам илдизни чуқур ёйиб, ширинлигини ортдиради. Лавлагимизни олган заводлар қўлинг синсин демайды, барака топ дейди...

Қизим тўғри айтади. Ерга яхши ишлаш керак.

Кумри трактор ёриб ўтган ерлардан то кечгача чиқмай қайта-қайта текширади, ғумойларни, ажриқ томирларини тинмай йигади. Қизимга разм солиб қарайман, чарчагандай, ҳолдан кетгандай кўринади. Лекин ўзи сезмайди...

Иш тамом. Қизим хурсанд.

— Колхозчиларимизнинг ҳаммасига кўрсатишимиш керак, улар ҳам ерларини шундай ҳайдатсин... Турсуной ҳам, — дейди қизим.

Камол топсин, Қумриниса ўзим бўлай дейдиган қизлардан эмас. Бу гапимни Умар Қосимовга айтиб жуда яхши қилган эканман...

* * *

Олимжон ака секин-секин юриб ёнимга келади.

— Ҳорманг, қўшни! — дейди у. — Тўнғичингиз қиз эмас, асл йигит чиқиб қолди. Қумриниса ҳайдовга худди әркаклардай бошчилик килаётитпи. Тавба, шу замоннинг қизлари хўб аломат-да, йигитлардан қолишмайди-я! Полвон қиз, полвон!

Йигирма йил бурун қиз кўрганимга қўшниларим та'на қилгани эсимга тушади. Ўшанда „хотининг бема'ни өкан, ўғил турмай қиз туғипти“, деб та'на қилишган эди. Ҳозир нима учундир Олимжон аканинг кичик ўғли эсимга тушади. У ўйин-кулкидан бошқани билмайдиган ҳавоий, тамбал бола. Ўқишига ҳам кирмай саводсиз бўлиб қолган. Мен Олимжон аканинг ҳозирги мақтовини өшитаману, лекин чурқ әтмайман. Нимага дессангиз, одамнинг бир вақтлар қилган хатосини юзига солиш ярамайди. Хатосини ўзи икror қилиб тургандан кейин юзига солиб ўтиришнинг нима кераги бор!

Кузда ерни ҳайдаб қўйиб, қиши блан дам олишгандир деб ўйларсиэ? Йўқ, ноябрьдан бошлаб февральгача далага ўғит чиқарib солдик. Ана шу кезларда қизим блан менинг ўргамда бир гап қочди. Буни айтмасам ҳам бўлар эди. Лекин воқиани бошдан-оёқ оқизмай-томизмай сўзлаб берастагним учун буни ҳам айтмай ўтломайман.

Аслини суриштирганда, у гапнинг сабабчиси Олимжон aka бўлди. У ҳамиша бўлмагур нарсаларни топиб юради. У кишининг фе'ли-авторига қараб тўриб: „Бу одам ҳамма вақт тирноқ ичидан кир излайди, пайтини топиб бетингизга солади“ деб ўйлайсиз. Шунаقا, Олимжон аканинг кекса ёшига ярашмаган мана шундай бема'ни қилиқлари бор. У бир кун кечқурун, мени ўз ҳовлисига чақириб, шундай дейди:

— Мен сизнинг ишингизга аралашмасам ҳам бўлар эди, лекин хафа бўлмайсиз. Ҳар ҳолда қўшнимиз. Бир-биrimизнинг нома'қулчилигимиизни кўрсак, олдини олганимиз ма'қул. Я'ни-масалан, қизингиз куракда турмайдиган ишларни қилиб юрипти. Ҳовлима-ҳовли, уйма-уй юриб одам ахлатини ташиш — гул деса, — гул, ой деса — ой дегундек шундай чиройлик қизга ярашмайди. Ҳа, менинг гапимга ишонаверинг. Ҳукумат уни жуда катта орден блан сийлади; у катта одам, шундай катта бошини кичкина қилиб ахлат ташиб юрса, сиз отасигина эмас, мен қўшниси ҳам хижолатда қоламан. Тузук, шу ахлат керак экан, ҳа, бирояга буюрмайдими? Нега ўзи бундай ишларга аралашади. Колхозда бундай ишларга болта одам топилмайдими? Қизлар пахта терса, лавлаги юлса, боғларда узум, олма, нок-нашвати йигса,— бу бошқа гап. Буни кўрсанг ҳузур қиласан. Лекин бешлик ё айри блан аравага гўнг солиб турганини кўрсанг, кўнглинг айнииди... Ахир ўзингиз ўйлаб кўринг, далага одам ахлатини ташиб юрган қизни ким хотинликка олади? Ҳа, эсингининг борида этаги-гизни йиғишириб олинг. Кейин пушаймон бўласиз. Тезроқ бунинг олдини олинг, сиз уятга қолсангиз,— мен ҳам...

Олимжон aka юрагида йиғилиб қолган бадбўй гапларни ўзоқ айтди. Мен бўлсам унга ҳечқандай жавоб бермадим. Ўзинг яхши билмаган, тушуниб етмаган нарса тўғрисида гап юритишинг ўринисиз бўлади.

Уйга қайтиб чиқсам, Кумриниса ҳали ҳам ётмапти. Аллақандай бир китобни ўқиб ўтирипти.

— Нимани ўқияпсан, қизим? Сени йиғлатган ҳў ўша китобними? — деб сўрайман-да, қандай қилиб гап бошласам экан деб ўйлайман. Лекин Кумриниса қувончи ичига сигмай жавоб беради:

— Йўқ, отажон, жуда аломат бир китобни ўқияпман. Бу рус колхозчиси Мария Демченко деган хотиннинг иши

түғрисида. У ҳам қанд лавлаги әккан әкан. Қандай қилиб мүл ҳосил олганлигини ўрганияпман.

Құлтиғимдан торвузим тушди. Энди у ғапни қандай қилиб айтаман? Майли, бұлар иш бүлди, айтмасам күнгил жойига тушмайды. Кейин Олимжон аканинг та'наларини ётиғи блан, аста-секин ўртага түкаман. Ҳовлиқмасдан, күпирмасдан, босиги блан айтаман.

Қизим бу ғапни әшитади-ю, менга бир олайиб қараиди. Үнинг қараши ҳали-ҳали әсимдан чиқмайды.

— Отажон, бұлмагур одамларнинг ғапини менга ташиб нима қиласыз! Шундай нозик пайтда ҳамма ишни бошқаларга юклаб қўйиб, ўзим бир чекада қўл қовуштириб туришим яхшими?

— Шошма, болам, мен ҳали ўз фикримни айтганим ўқ,— дейман.

Лекин Кумри менинг ғапимга қулоқ солмайди.

— Еримиз қора тупроқ әмас, сариқ тупроқ әканини, күп ўғит талаб қилишини ўзингиз яхши биласизку!

— Биламан, қизим, биламан. Ерга қанча ишласанг, ҳосил шунча яхши бўлишини биламан. Лекин мен қўшнимнинг ғапини айтдим ҳалос.

— Қачондан бери мана шу қўшнингиз Олимжон отанинг сўзи блан иш қиласидиган бўлиб қолдингиз? Қўйинг, Олимжон ота ўз ўғлини йўлга солиб олсин.

— Хўп, Қўмрижон, хўп, айланай болам, хўп, хўп,— дейман-да, шундай бема'ни ғап қилганим учун ўқинаман.

Шу вақт нима палакат босади-ю, Олимжон аканинг:— „Қизингизни ким хотинликка олади?“ деган сўзи оғиздан чиқиб кетади... Оҳ, тил қурсин, тила! Бундай сўзларни айтгандан кўра кесилгани яхши әмасми бу тилнинг!..

— Вой ўлай!— дейди-ю қизим, лоладай қизаради. Кейин калласини бир силтаб, менга ўшқиради:— Шуни яхши билиб қўйингки, ишни пуфа сассиқ дейдиган әркакка ҳечвақт, ҳечқачон тегмайман!!! Қўшнингизнинг бундай бемаза ғапини айтишдан мақсадингиз ё мени Олимжон отанинг ўша ишёқ-мас, тентак ўғлига беришми?!. Йўқ, сиз ҳам, қўшнингиз ҳам чучварани хом санабсиз!

Мен „тиқ“ этмайман. қизим ҳақиқатни ғапирди...

Болалар ота-оналаридан кўра ҳарвақт узоқни кўришади. Улар биэдан ўтиб илгари кетишади. Турмушининг ҳақиқий ма'носи ҳам шунда бўлса керак.

* * *

Кумриниса яна далада. У әртадан кечгача гўнг сочади.

— Қани минераль ўғит? Нега опкелишмайди?— деб Зайнаб ташвишланади. Шошма-шошар қиз бу сафар сочини ўришни әсдан чиқарипти; шамол увинг узун соchlарини учирив ўйнашади. Бирданига узоқдан ёқимли ашула эши-

тилади. У ўз ше'рларини ашулага солиб айтаётган аравакаш Рўзимат эди.

— Салом, жононлар! Мехнати зўр полвонлар!

— Қаёққа гумдон бўлдинг, телба? — деб қичқиради-да Зайнаб, югуриб аравага чиқади.

— Мажнун бўлуб ошиқ Лайлига
Телба бўлсаку майлига!
Нега сиз та'на қиласиз менга?
Кани ўғитни солинг ерга!

Рўзимат ҳам қизларга ёрдам беради, айҳон-айҳонда чукур оҳ уриб қўяди. Қизлар эса ўғитни замбилга солиб, бир чекага обориб тўкишади. Кейин бу ўғитни ерга сочиб устидан ҳайдашади.

Балки қизлар минераль ўғитни ҳам гўнг сингари чамалаб сочишади деб ўйларсиэ? Ҳа, минераль ўғитни тошутарози эмас, чама ҳал қиласиди, дейдиганлар кўп. Бундай гапларга қизлар кулишади.

— Тошутарози эмас, чама ҳал қиласи! Ҳа-ҳа-ҳа!..

Қизлар ба'зи одамлар ўйлагандай қилишмади. Минераль ўғитни чамалаб эмас, ҳар квадрат метрга ўлчаб, торозида тортиб солишди. Улар эски урф-одат занжиридан бўшамаган кишилар айтганича эмас, агротехника ўргатганича иш тутишди...

Қумриниса мўл ҳосил етишириб ҳаммани ҳайрон қилгунча жуда кўп меҳнат кунлари ўтди; жазира мафтобда қанчадан-қанча терлар тўкилди, қанчадан-қанча кечалар ташвиш ва оғир иш блан уйқусиз ўтди...

* * *

Ниҳоят кўклам келади. Кундалик топшириқни звенолар қандай бажарганлиги каттакон тахтага ёзib борилади. Ҳар кун кечқурун одамлар тахтага қараб, Қумриниса Са'дуллаеванинг олдинда бораётганини кўришади.

Бу йил Қумриниса театр кўргани шаҳарга бормайди. Тұгрисини айтсам, боришга қули тегмайди. Театрни эса Қосимжон блан Рўзимат колхозимизга чақириб туришади. Тамошани далада, машинанинг очиб ташлаган орқа томонида кўрсатишади. Отелло блан унинг хотини Деездимона ўртасида бўлган можароларни ҳам машинада кўрамиз..

Қоронги кеча. Теварак-атрофда ҳечнума кўринмайди. Фақат осмонда юлдузлар жим-жим қилиб туришади халос. Қўёш ўз жамолини кўрсатадиган кунчиқар ҳам ёришмаган.

Эшикни кимдир фирт этказиб очди. Уйғонаман. Ким кирди экан ҳовлига? Ё бирор чиқдими? Қумринисанинг ўрни бўш! Уйқум қочади. Тавба, қиз жони блан кечаси кўчага чиқ-

қани нимаси? Секин-аста кийинаман. Қизимнинг қаерга боришини биламан. Қишлоқ йўли блан шошиб бораман. Йўл лой, ўйдим·чукур... Гойда қоқиниб·йиқилаёзман. Ана гузарга етдим. Чойхона ёпиқ. Ҳамма уйқуда. Фақат даректаргина уйқусини тополмай ғудрангандай шитирлашади.

Қишлоқдан чиқиб, далага буриламай. Даладан муздек шамол юзимга урилади. Ғалати бўй келади. Бу ниманинг ҳиди?

Узоқдан Қумринисанинг қораси кўринади. У дала ўртасида тикка турипти. Шамол эса бошидаги дуррасини учирib ўйнайди. У чукур хаёлда, фақат лаблари шивирлайди. Бир вақт энгашади-да, ердан бир чангаль тупроқ олади. Тупроқни чангалида ғижимлаб кўзига яқин келтириб қарайди. Ё парвардигор! Менинг раҳматлик отам ҳам ҳамиша шундай қиласар эди. Қизгинам, шу қилиқларинг блан ҳозир бобонгга бирам ўхшайсан-ки!..

Ким у кўйлагига ўралашиб югуриб келаётган? Мунча тез югуради? Ё бирордан қочиб келаятими? Ие, Зайнабку! Шундай тез югурадики, бир сёғидан ковushi чиқиб кетади. У, апил·тапил орқасига қайтиб, кавушини оғига ила·ила узоқдан қичқиради:

— Қалай, етилиптими, Қумри? Бошлаймизми?

Қизимнинг бошидаги ташвишини аллақачон пайқагаш эдим. У ернинг етилганми·йўқлигини· билишга келган. Ҳа, ер инжиқ бўлади. Унинг тобини билиш керак. Вақт кетса, баҳт кетар, дегандай, ерга тобида, ўз вақтида ишламаса бўлмайди. Ер етилган бўлса, дарров ҳайдаш керак.

Мен қизларнинг ташвишини тушунаману, ўз маслаҳатларим блан уларнинг бошини қотирмай уйга қайтаман. Ҳадемай, Қумриниса ҳам келади. Пича дўнғиллайди, хўрсияниди, кейин ухлаб кетади. Мен эсам ортиқ ухлайолмайман. Тонг ёришар·ёришмас Сайдбоевнинг олдига бориб, трактор масаласини ҳал қиласман.

Таги тахта пол омборда Зайнаб лавлаги уруғларини ивитаётир. У челякда сув келтиради-да, шолоплатиб уоуқقا сочади.

— Вой, опажон, ҳаммёғимни ивitiб юбординги! — деб Муслима чирқиради. Нима бало, кўзингизни мой босиб қолганими? Мени ҳам лавлаги уруғига аралаштириб экиб юборманг тағин...

Олимжон ота остоноада пайдо бўлади.

— Нима қилаяпсизлар, қизлар? Нима ишларинг бор бу ерда? — дейди у қўрслик қилиб.

— Бизми, ота? Уруғларни ивитаимиз.

— Уруғни тахта полда ивитадими! Бошқа жой қуриб кетганими! — деб дўнғиллайди чол.

— Ерда ивitsак майда уруғ нобуд бўлада, шунинг учун тахта полда ивitiш керак,— деб Муслима изоҳ берада.

— Баракалла, қизим. Мендей чол бобонгга ақл Үргатганинг учун раҳмат. Үргуни тахта полда ивитиш кераклигини умрим бино бўлиб энди эшитишим,— деб Олимжон ота пичинг қиласди.

— Обба, ота-ей,— дейди Қумри,— мулла билганини, кўр ушлаганини қўймас дегандай, эски одатингизни ҳеч ташламас экансиз-да. Бизам биламиз, илгариги вақтларда уруғни қопга солиб ариғда ивитишар эди. Унинг фойдаси блан бўнинг фойдаси орасида ер блан тоғдай фарқ бор.

Шундан кейин қизлар ўз ишини давом этдиришади Уруғ нам тортунча омбор ёнидаги кўкаламзорга чиқиб ашула айтишади. Яна бирар соатдан кейин уруққа илиқ сув сочишиб, кейин уруғни полга ёйишади.

— Уруғжон, эртага сизни ерга сочамиз. Ана у ерда, юмшоқ тупроқ бағрига кириб яйрайсиэлар — деб Муслима шиврлайди.

* * *

Ерни экишга тайёрлаш учун озмунча меҳнат сарф қилинмади. Қумринисани ҳечвақт мана шундай ташвиш блан тўйиб-тошган бир аҳволда кўрмаган әдим. У неча йилдан бери звено бошлиғи. Илгарлари ҳам далани культиватор юмшатиб ўтгандан кейин мана шундай текислар эди. Лекин бу йил иш жуда ҳам бошқача бўлди. Тўғри, мажбурият қанча катта бўлса, иш ҳам шунча катта бўлади. Илгари бир кўз блан кўрилган жойни энди икки кўз блан кўришга тўғри келади. Қумриниса ернинг чуқурлигини ўлчайди, ҳисоблайди, дафтарига нималарнидир ёзади.

— Қатор оралари өллик-олтмиш сантиметрдан бўлиши керак.

Бу сўёни Қумриниса дугоналарига бирнечча бор қайтариб айтади-да, яна ўлчовни олиб нари кетади.

Илманинг гапига қулоқ солиш деб мана шуни айтади. Қизим агротехника қонунларига мана шундай риоя қиласди.

Қосимжон мийигида кулиб Қумринисани кўрсатади. У илманинг ҳикмати катта эканини гапиради. Мен эсам бир вақтлар ўтган қиши кечасини, қизимнинг ҳисоб масаласидаги штибосини эслайман...

* * *

Олти кун ўтди. Қумриниса ўз столи устидаги календарь варақларини олти кундан бери дикқат блан узиб боради. Олтинчи куни эса календарь варагини юлатуриб, чуқур хурсинади. Қизимнинг ичи пушмаганига ҳайрон қоламан. Мундоғ ёрилиб гапирмайди, лекин мен унинг кўнглида нима борлигини айтмаса ҳам биламан.

— Ҳали эрта,—дайман

— Эртамикан, а, ота?— деб Қумриниса бетоқатланади.— Отажон, сиз нима дейсиз, хато-мато қилиб қўйганимиз йўқми? Қалай, ерни яхши ҳайдаб, яхши тайёрлаб, яхши экдикми? Ё бирон нарса эсимиздан чиқдими?

— Назаримда, ҳамма нарса жойида бўлди.

— Нега бўлмаса ер гиқ этмайди?

— Нега гиқ этсин, қизим? Вақти-соати келганда ер ҳам айтарини айтади. Сабр қилиш керак.

— Қачон айтади? Нега уруғ униб чиқмайди? Кошкийди намуна кўрсатса.

— Шошилма, қизим. Кўрасан, ҳаммаси бирдан бодраб чиқади.

— Ёппасига чиқади демоқчисиз-да? Биламан, лекин, ростини айтсан, отажон, тезроқ униб чиқсайди, кўргим келади!.. Бирон униб чиқсан уруғни кўрсам, кўнглим жойига тушиб, бошим осмонга етар эди...

— Қизим, ер жинни эмас, у бевақт ҳикмат кўрсатмайди... Еттинчи куни уруғ униб чиқабошлайди.

* * *

Ҳар гектарда юз минг дона лавлаги тури бўлиши керак. Катта мажбуриятни бажариш учун ҳар 1ектар ерда юз минг кўчатни парвариш қилиш керак!

Юз минг! Мен сизга айтсан, звено ҳарбир тупни ҳисобга олди. Ҳарбир тупни чақалоқ болани парвариш қилгандай парвариш қилди. Турли ўғитлар блан дармон берди. Дўндиқ қиз, кичкина қиз, жажжи қиз Муслиманинг бир кун чўка тушиб олиб энди чиқиб келаётган лавлаги кўчатига мана шундай деяётганини өшитдим:

— „Ўнгин, ўсгин, катта бўлгин, лавлагижон! Шарбатга тўлгин, ширин бўлгин, лавлагижон! Бўлмаса сени юлиб ташлайман, ҳа!..“

* * *

Ҳали экин-тикин бошланмасдан Қумриниса Абдулла оқсоқолнинг ёнига тез-тез бориб-келиб турар эди. Абдулла оқсоқол қишлоғимизнинг биринчи сиёsatчисигина эмас, у машиналарни ҳам яхши биладиган, ернинг ҳам тилига яхши тушинадиган киши. Ўзбеклардан чиқсан машҳур машинасоз Орзиев ҳам ҳаммавақт Абдулла оқсоқол блан маслаҳатлашиб иш қиласр эди...

Қумриниса Орзиев ўйлаб чиқарган окучник блан культиваторни кўргани келганда, Абдулла оқсоқол қизимнинг кифтига қўл ташлаб:

— Яхшилаб қара бу машинани,— дейди. — Тишиниң күрдингми, қоқроқ ерни ҳам писандига илмайди, қўйиб берсанг ярим газгача чуқурлаб ағдаради. Ернинг қатқалоқ юзини талқон қилиб ташлайди. Ёшлигимизда бундай аломат машинани етти ухлаб тушимизда ҳам кўргмаган эдик. Мана энди дечқоннинг мушкилини осон қиласидиган ҳархил машиналар кўпайиб борајти.

Оқсоқол тўғри айтади.

Бу аломат машинани далага чиқариб ишга солганда, ҳамманинг оғзи очилиши турган гап. Агар бу машинанинг ҳарқандай уловдан бирнеча бор кўпроқ, яхшироқ иш қилишини незарга олсак, яна ҳам қиммати ортади.

Лекин... кутилмаган бир ҳодиса юз берди. Йўлингда кўндаланг тушиб ётган тош турса-ю, ўтолмасанг, уни йўлдан олиб ташлайсан. Шунга ўхшашиб, бизнинг ишимиизда ҳам ана шундай тўсқинликлар бўлиб туради. Ҳаммавақт табиий офатларга қарши курашиб, уларни кўпинча енгиб чиқамиш. Лекин улар ҳарчоғ осонлик блан бўй эшишавермайди...

Бирдан ёмғир қуябошлайди. Бир кун ёғади, иккинчи кун ёғади, учивчи кун ёғади. Қизлар бошларига чопон ё камзулларини ёпиб далага югуришади. Ёмғир эса қизларни зарб блан хивичлайди. Қумринисага қарайман: унинг қалин қошлари жийирилади, хурмойи пешонасини тириш босади. Муслима қизнинг ширмон юзидан ёмғирми ё кўэ ёшларими оқиб тушаётганини билолмайман.

Улар эндигина униб чиқкан ёш лавлагиларга тикилиб қолади, ёмғир остида ўтиришади. Зулол баргларга гоҳ лой ўтиради, гоҳ ёмғир ювиб яна уларни яшартиради, гоҳ эса йиқитиб лойларга булайди. Энди нима қилиш керак? Ёш ниҳолни табиий офатдан қандай сақлаб қолиш керак? Ахир қизлар лавлагини кўз қорачуғидай асрраб, ёш боладай парвариш қиламиш деб ва’да беришмаган эдими?

— Ёмғир бўлмай ўлсин, лавлагимизни жувонмарг қилди,— дейди Муслима йиғламсираб.— Энди ер бетини қотқолоқ босиб, лавлагини қурилади...

— Бирам йиғлоқисанки! Барвақт аза тутгандан кўра кетманни олиб ишга туш!

— Вой, ёмғирдан кейин ер бетини қотқолоқ босади, қотқолоқ эса ер нафасини бўғиб, ёш ниҳолларни касал қилиб қуяди деб ўзинг айтдингку ахир!

— Айтган бўлсам— тўғри айтганман. Лекин шунаقا бўлар экан деб қараб ўтиранг ўзинг айтгандай, биратўла жувонмарг бўлади. Шунинг учун олдини олиш керак. Докторлар эмлаб, чечакнинг олдини олишади, а? Ҳа, баракалла, биз ҳам худди шундай қиламиш...

Ана шундан кейин, ерни тобига келтириб, тупроқни юмшатишга, кетман чопишга киришадилар.

* * *

Емғирдан кейин ҳаммаёқ күм-күкариб, ёпроқлар қуёш нурлари остида товланади. Ўни кўриб кўзлар қувонади. Лавлагилар бодраб чиқади, дадил дадил бўй тортиб, ҳосилнинг мўл бўлишидан дарак беради.

Шу орада бирданига ғала-ғавур бошланади. Муслима тўпроқни юмшататуриб, лавлаги ёпроғида ўрмалаб кетаётган кичкина қўнғизчани кўриб қолали. У худди чаин чаққандай чинқирайди. Гапнинг ростини айтганда, чаин чақса кишининг жони пича оғрийдию, кейин ўтади-кетади. Лекин қўнғизча лавлагига шундай зарар етказадики, бу, киши жонини, кўнглини ҳарқандай чаяндан ҳам баттарроқ оғритади. Шунинг учун гўнғизча чаяндан минг чандон хавфли.

— Мен уни кўрдиму, дарров таниб олдим,— деди Муслима ўзини босиб олиб.

Ана шундан кейин лавлагиларнинг ҳарбир ёпроғини синчиклаб кўздан кечиришади. Яна бирнечча қўнғизча тошлиб, анчагина ёпроқ илма-тешик қилингани малум бўлади. Бу ҳам қизларни ташвишга солди.

— Вой улмасам, Қумри, өнди нима қилдик? — дейди ташвишланиб Зулфия.— Агар қўнғиз териш блан авора бўлсак, ерни ким юмшатади, ким чопади? Ахир ер бети қотколоқ бўлиб кетаётитти!

Мен эсам Қумрининг ёшлик чоғларида қилган ишини өслатаман. Ўша вақт кичкина Қумриниса далага чиқиб: „Ҳеч бўлмаса менинг икки қўлим сизнинг бир бормоғингишча ишларку“, деган эди.

Ана шундан кейин Қумри майдага болаларни йиғиб, уларга қўнғизни кўрсатди, унинг зарарли эканини яхшилаб уқтириди. Қумриниса болаларга худди катта кишиларга ганираётгандек сўйлайди, уларни „бизнинг ёш колхозчиларимиз“ деб атайди.

Болалар шундай ғайрат, шундай қувонч блан ишга киришади, ҳаш-паш дегунча ҳамма қўнғизларнигина әмас, лавлаги атрофидаги беозор хашаротларни ҳам қийратишди деб ўйлайсиз.

Кунлардан бир кун Қосимжон Рўзиев менга шундай дейди:

— Қизингиздан хўб баҳтингиз бор-да, Са'дулла ака. Кўп аломат қиз. Меҳнатга келганда, манман деган йигитдан қолишмайди. Ўқиш-ўрганиш ҳам ундан қочиб қутилмайди. Жуда ҳаракатчан қиз.

Қосимжон оғзидан, коммунист кишидан бундай маҳтовори әштишиб, бошим осмонга етади, қуванаман...

* * *

Ана ўша ташвишлардан кейин, күп вақт ва мәжнат та-
лаб қиласынан иш—ягана бошланади. Звенода одам күп
бўлса ҳам бошқа гап эди. Атиги беш кишигина. Шу беш
киши белоён ердаги минг-минглаб лавлаги тупларини қўша
ёпроқ қилмай туриб ягана ўтказиши, бу оғир, майдада ишни
ўз вақтида қилиши керак.

Қизлар барвақт туриб далага чиқишади-да, қош қорай-
гунча ишлашади. Улар шундай ғайрат, шиддат блан ягана
қилишадики, бош қашишга ҳам оғринишади. Аравакашнинг
ашуласи қизларга, айниқса Зайнабга майдай ёқади. Зулфия
ўзини ойнага солишини ҳам эсдан чиқаради. Лекин бу тад-
бирлар ҳам оздай кўринади.

— Ота-оналаримиз бизни шу аҳволда қўйишмас, қара-
шиб юборар, деб ўйлайман. Ҳаммамизнинг ҳам ота-онамиз,
кичкина укаларимиз бор, илтимос қилсан, хў-у бирдагидай
ёрдам қилишади.. — дейди Қумри.

— Ҳа, тўғри,— деб қичқиради Зайнаб,— бобомга айтсам,
у жон деб ёрдам қиласи.. Укаларим ҳам чиқади...

— Тўғри-да, эртадан кечгача қушларни додини бериб
юргандан кўра бизга ёрдам қилишса қандай яхши! — дейди
Муслима шошиб-пишиб.

* * *

Тўрт қиз ва бир кекса жуяклар ичидагималардир қилиб
юришади. Ҳарбирининг қўлида ораси ўн икки сантиметрдан
қилиб кертилган таёқча. Бу ўн икки сантиметр — кўчат ора-
ларини кўрсатадиган ўлчов. Ягана вақтида энг кучли, бардам
кўчат қолдирилиб, қолганлари юлиб ташланади.

Қумринисанинг звеносига бўлак звенолардан одамлар ке-
либ ягананинг қандай бораётганлигини, Умар ота қизлардан
қолишмай кўчат ораларини бир ми'ёрда, ўн икки сантиметр-
дан қилиб кетаётганлигини кўришади.

Кичкина Муслима бир зумгина қаддини кўтаради-да, бе-
линни ушлаб-ушлаб қўяди, яна дарҳол энгашиб яганасини
давом эттиради.

— Белинг толган бўлса, пича дам ол, — дейди Қумри
секингина. Лекин Муслима буни пичинг деб фаҳмлаб, кўн-
майди:

— О, нега дам олар эканман? Белим толгани ҳам йўқ!
Толган бўлса ўзларингники толгандир...

— Лавлагининг бир ми'ёрда ўсганини умрим бино бўлиб
өнди кўришим,—дейди, Умар ота,—ишқилиб, кўз тегмасин-да,
ҳа, айтмоқчи биттадан қолдириб кетаётганларинг менга ботин-
қирамади. Офат бўлмайди деб ўйлаш ярамайди. Шунинг
учун ота-бобомизнинг расмини қилиб, ҳар инда икки-учта-

даң күчат қолдириб кетсаларинг чакки бўлмас эди. Бордию зааркунанда бирон тупни еб кетди, унда нима бўлади? Унда қолган туплар ўсиб чиқаверади.

— Хотиржам бўлинг, ота, зааркувандага егизиб қўймаймиз. Агротехникада нима айтилган бўлса, шуни қиламиз. Биттадан қолабергани яхши, — дейди Қумри.

Илм мевасидан мазахўрак бўлган ёшлар ана шундай ўйлашади.

* * *

Тун жимжит, ҳатто дарахат ёпроқлари ҳам шивирламайди. Шамолдан асар йўқ. Ҳовлига қалин қилиб сепилган сувгина салқин бериб туради. Айвонда ўрин солиб ётабошлиган қизларнинг гурунгини әшитаман. Зулфия ҳам бугун шу ерда қолади. Эртага Қумриниса блан барвақт турив далаға чиқишмоқчи. Зулфия уйига борса ухлаб қоламан деб қўрқади. Нимага десангиз, онаси уйқуга тўйиб олсин деб уйғотмас әмиш ...

— Кўйлагинг чиройлик экан, — дейди Қумриниса. Бу маҳтоз Зулфияни суюнтиради.

— Ростданми? — дейди у. — Янги шойи кўйлагим қалай, ёқадими?

— У жуда ҳам яхши.

Менинг Қумринисам ҳам яхши кийинишин севади, лекин Зулфия сингари ўхшатиб кийинаолмайди.

— Машиначи ҳам жуда уста экан, өгнимга шундай ёпишиб ўтирадики, ўзимнинг ҳам ҳавасим келади ...

— Ҳа-а... Шунақа... Ҳайр, кел энди ухлайлик...

Орага жимлик тушади. Яна бироздан кейин Зулфиянинг овозини әшитаман.

— Ҳай, Қумри, нега бундақа экан? Чиройли нарсаларни бирам яхши кўраманки, ҳамма нарсан, теварак-атрофимдаги ҳамма нарса, ҳатто дун'ё ҳам чиройли бўлсин дейман. Ўзим ҳам чиройли нарсаларни қилгим келади. Эсингдами, бир вақтлар фабрикага бориб чиройли буюмларни кўриб келган эдик. Мен ҳам ўшандай нарсаларни қилсан деб орезу қиламан ...

— Яхши орезу... Лекин ҳамма нарсадан ҳам кўпроқ менга далада ишлаш ёқади.

— Ҳай, Қумри, умрбод далада қолиб кетмоқчимисан? Ўқишини хоҳламайсанми?

— Албатта, хоҳлайман. Дала иши ҳам илмни талаб қиласди. Мен ҳам чиройли нарсаларни яхши кўраман. Аҳир ким ёмон кўради? Ҳамма ҳам яхши кўради. Назаримда даладай, даладаги ишдай чиройли нарса, қизиқ нарса камдай кўринади... Ургуни ерга сочсанг, у кичкина қулоқчаларини дир-

киллатиб униб чиқса, парвариш қылсанг, сув берсанг, қаддини күттарсанг, ҳосилга кирса... Ах, қандай яхши, қандай чиройли, қандай аломат иш.

Кейин яна ўртага жим-житлик тушади, энди улар ухлаб кетишиади...

* * *

Бўйи ўртадан келган, чаққон, ҳаракатчан агроном Петров Қумринисанинг участкасини синчиклаб текширади. Қумриниса эса у блан юриб, билмаганини ўрганади, яхши маслаҳатлар олади.

Агроном дәҳқончилик илмини бошқалардан яхшироқ бўлади. У лавлагининг қандай экилганлиги, қандай ягана қилинганлиги, қандай парвариш этилаётганини текширади. У каттакан бир лавлагини қўлига олиб, одамларга кўз-кўзлайди.

— Мана бунинг узунчиқ, йўғон томирига э'тибор беринглар, — дейди у. — Мана шундай лавлагининг ширинлиги, мазаси кўп бўлади. Бу яйраб ўсган лавлаги. Агар бир инда икки-учтадан туп қолдириса, лавлаги бундай сермаза бўлиб етилмайди. Лавлагиларингизни қараб чиқдим. Ҳаммаси ҳам бири-бирига ўхшайди, бири-биридан яхши. Бундан кейин ҳам парваришни бўшаштирмасангиз, мажбуриятни тўла бажараолишингизга қаттиқ ишонаман. Лекин йигим-теримда ҳазир бўлинглар. Битта ҳам лавлаги нобуд бўлмаслиги керак...

* * *

Йигим-терим звенога яна янги ташвишлар келтирди. Қумринисанинг ташвиши эса ҳамманикidan ошиб тушади. Гоҳо қизимга қарайман-да, унинг боши айланиси қолмадими-кан деб уйлайман. Иш шундай қистовки, бирини қылсанг, иккинчиси ишкал бўлади.

Қизим ёнимга келади-да, лавлагиларидан шикоят қилгандай:

— Отажон, лавлагимизнинг илдизи шундай чуқур кетганки, кўрсангиз ҳайрон қоласиз! — дейди. У бу сўзларни кудди онаси Тожихондай ташвиш, ҳаяжон блан айтади. Унинг онаси ҳам: „ҳой, дадаси, Файзулланинг тиши ёритти, бола фақир шундай қийналаяптики, кўрсангиз раҳмингиз келади...“ деяр эди.

— Чуқур кетган бўлса яхши-да, қизим! Бу — лавлагининг яхши етилганини, а'ло наф'лигини билдиради.

— Буниси-ку тўғрия, лекин машина қандай кавлаб олади. Пичоги томирини қирқиб кетмайди-ми?

— Абдулла оқсоқолга айт. У ҳамма нарсанинг тилига тушунадиган киши. Бир тадбирини топади.

Абдулла оқсоқол эски одамлардан бўлса ҳам, янги одамлардай қўли гул одам. Гойида ҳазиллашиб: „Мана шунаقا,

қары билгани пари билмайды" деб қүяди. У ҳарқандай янгиликка қизиқиб қарайди. У, колхоз устахонасида ўтириб, мутахассислар маслаҳати блан бир плуг ишлаётир. Бу плуг лавлагини чуқур қазиб олар эмиш. Оқсоқол Кумринисанинг арзини әшишиб:

— Хотиржам' бўлавер, қизим; ҳали-замон жонингга аро кирамиз, — деди янги плукка ишорат қилиб.

Кумриниса Абдулла оқсоқолнинг ёнига, омборга тез-тез қатнаб туради. У ердан айрилар, пичоқлар, яшиклар, яна ҳархил бошқа нарсалар опкелади. Буларнинг ҳаммаси лавлаги йигим-теримига жуда зарур нарсалар.

Шу кунларда қизимни жуда кам кўраман. Кечаю-кундуз ўз участкасидан кетмайди. Кўриб келай десам, ўзимнинг бригадамда ҳам иш бошимдан ошиб ётипти, тақир қўлим тегмайди.

Қоронғи тушган; ишдан эндиғина келган эдим. Кўча әшиги фит этиб очилди-ю, Қосимжон кириб келди. Дарров ўрнимдан туриб қарши олдим. У биздан ёш бўлса ҳам, лекин кўп ҳурматли киши. Сўнгра таклиф қилдим, вақти зиқлигини айтиб кўнмади.

— Сиздан суюнчи олай деб келган эдим, — дейди кулемсираб. Мен: „Нима бўлса әкан?“ деб ўйлайман-да:

— Суюнчи сиздан айлансан, Қосимжон, қани әшитайлик, — дейман. У юзига жиддий тус бериб:

— Қизингизни бугун коммунистлар партиясининг а'золигига кандидат қилиб олдик, — дейди.

Бу хушхабар, катта, улуғ хабар шу қоронғи оқшомда уйимга, ҳатто юрагимга маш'алдай ёниб киради. Мен қизим, баҳтили Кумринисам учунгина әмас, бир жигаргўшасини шундай улуғ, шундай му'табар партия, Ленин — Стalin партияси ўз қаторига олган ота учун, ўзим учун ҳам қувонаман...

* * *

Бу йил ҳосил тўкин бўлди. Кумринисанинг қўли ҳам, фикри-зиқри ҳам ором билмас эди. Бутун сентябрь ва октябрьнинг ярмигача куз куёши ўз ёғдуларини аямади. Оби-ҳавонинг яхши келиши пўлатга сув бергандай бўлди. Юлиб улгурилмаган лавлагилар яна ҳам етилиб, шарбат боғлаб боради. Шундай бўлса ҳам йигим-теримни кечиктириб бўлмайди. Ноябръда ҳаво салқинлашиб, аёзда қиров тушади. Тездан, жадаллик блан ҳосилни кавлаб олиш лозим. Шунинг учун қизлар кечалари ҳам ишлайдиган бўлдилар.

Кеч кирабошлайди. Қоронғи тушади, лекин даладан ҳечким кетмайди, ҳануз иш давом этади. Парсираб ёнаётган кучли электр лампалари олдида ой ҳижолат да қолади. Кундуга — жазирاما офтобдаги ишдан, кечасинги — салқиндаги иш қизларга жон киргизади. Улар толиқмай, толпинмай ишлашади ... Узоқ-узоқдан аллакимнинг ялласи әшитилади ...

— Қани, пича дам олайлик! — дейди звено бошлиғи а'зо-
ларига. Ҳамма, худди команда берилгандай, қаддини ба-
варига күтариади.

Ялла яқинлашган сари қизларда, айниңса Зайнабда жил-
майиш бошланади.

— Ўртанглар тўлсив! — дейди Рўзимат дастурхонга ўрал-
ган иссиқ ионларни олиб. — Қумрихон қозонни қаерга ту-
ширайлик? — деб сўрайди у.

— Яшанг, Рўзиматвой, сиз бору — биз бор-да дун'ёда, —
дейди Зайнаб ҳазиллашиб. Рўзимат эса дарҳол ше'р блан
жавоб беради:

— Сиз борубиз — бор дун'ёда,
Умрингиз бўлсин зиёда...

— Бас-э, бизга овқат келтирдингиз десақ, ше'р келти-
рибсиз да, — деб Зулфия ўнинг фаолиятни бугади.

Ана шундан кейин аравадан қозонни туширишади. Қиз-
лар чуғирлашиб овқатга ўтиришади. Уларнинг бу хушчақ-
чақ ва тетикилигини кўрган киши „булар оғир иш қилаётган
кишилар эмас, далага — капага ўйнаб чиқкан кишилар“ деб ўй-
лаши мумкин. На чора, ёшларнинг табиати шундай бўлади!...

* * *

Қумриниса лавлагини қандай жойлашни, машина ва ара-
вага қандай юклани, офтобдан сақлаш учун устига нам
тупроқ ё шолча ёпиб қўйиш лозимлигини дуганаларига уқ-
дириб тургани устига Рўзимат келиб қолади-ю, ўртага ше'р
котади.

— Ўргатсангиз илму — фанга,
Жон ҳам кирап ўлик танга...

— Оббо, ўлдириб бўлдингизку бема'ни ше'рларингиз
блан! — деб Зайнаб уни жеркиб ташлайди. У Рўзиматга зар-
да блан ўгирилганда, камзудининг осилиб қолган тугмаси
узилиб кетади. Рўзимат тугмани ердан олиб:

— Янгишмасам, тугмангиз тушди шекилли, — дейди
уни Зайнабга узатиб. Кейин сўзида давом этади: — Бу ҳақ-
да улуф Навоий шундай деган әдилар:

Не бўлди дардима, эй бевафо, даво қилсанг
Вафога ва'да қилиб ва'дага вафо қилсанг...

Ниҳоят, охирги лавлагилар қазиб олинабошланди. Қумри-
нисам этидан бирмунча тушгандай кўринади. Қизларнинг ҳам-
маси ҳам толиқишиди.

— Чарчадингми, қизим? — деб сўрайман Қумридан. Ле-
кин у сир бермайди:

— Йўқ, отажон.

Биламан, қизлар мөхнатнинг кучлигидан әмас, сўнгги кунлардаги ташвишнинг зўрлигидан озишган. Ахир: „Хар гектар ердан қанчадан лавлаги олар эканмиз? Саккиз юз центнерга етармикан? Ва'дамиз устидан чиқоламизми ё юзимиз қизариб, ерга қараб қоламизми?“ сингари ташвишлар кемирмайдими?

У кун, ӯларимда сра-сра әсдан чикмайдиган у баҳти кун ҳали ҳам кўз ўнгимда. Ариқ бўйларини эрталаб қирсиллама муз босган, қишининг яқинлигидан дарак бериб совуқ шамол әсиб турган ўша кунда, звенодан охирги лавлаги заводга олиб кетилди. Аҳмад ака қабул пунктидан бир қучоқ қофоз блан қайтиб келди. Булар қуруқ ё бекорчи қофозлар әмас, топширилган лавлаги учун берилган квитанциялар, қабул қилиб олингани ҳақидаги актлар эди. Улар Қумриниса Са'дуллаеванинг звеноси Янгийўл қанд заводига ҳар гектаридан саккиз юз ўн центнердан лавлаги топширилганини ҳайқириб элон қилучи ҳужжатлар эди!

Аҳ бу кичкина, юпқагина қофозчалар-ал Сизлар шоду-ҳуррамлик келтиргунча қанчадан-қанча мөхнат сарф қилинди, қанчадан-қанча тер тўклидди, қанчадан-қанча ташвишлар юраларга ништардай санчилди, қанчадан-қанча умид ва орзу ҳаваслар ўз олтин қанотларида учирди!...

Звено ўз устига олган мажбуриятни бажарди! Шундай бажардики, ўша йил Ўзбекистонда энг юқори, энг мўл ҳосил берди!...

* * *

Ҳаётимизда бундан ҳам ёруғ кунлар жилваналабошлади. Колхозимизнинг ёш-яланглари, қари-картанглари Қумринисани Ўзбекистон Олий Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатишди.

Ўҳ, унинг номини айтишганда, бояқиши қиз жуда ғалати бўлиб кетди, хижолат тортди.

— Ҳурматли колхозчилар, ахир мен ёшман. Бу улуғ мартаага мендан кўра лойиқроқ кишилар орамизда қўп; шуларни кўрсатсаларингиз ...

Умар ота ўтирган жойидан туриб кетди. Чоли тушмагур бирам ажойиб гап бошладики, ҳаммани қойил қилди. Узоқ гапириди, Қумринисани маҳтади, кўкларга кўтарди; провардида:

— Қумриниса мўл ҳосил учун жонига ачинмай курашди. У ўзи бўлай дейдиган қишилардан әмас. Ҳа, бошқаларни ҳам илгари тортади, ҳамма мўл-кўл ҳосил олсин деб куюниб ишлайди, ҳаммага қарашади...

Умар ота гапини шу сўзлар блан тугатди:

— Қумри ҳаммамизга ибрат. Бугун унга ўҳшай олмаган бўлсак, эртага ҳаммамиз унга ўҳшашимиз керак, ҳамма гап шунда!

Умар ота ана шундай гапирди. Одамларнинг меҳнатда ўзгариши ҳақиқат экан. Ёшларгина эмас, ёши қайтиб қолган Умар отаки шундай ўзгарган бўлса, эртамиз бугундан ҳам порлок, қувноқ бўлиши турган гап!..

* * *

Колхозда катта байрам. Қизим Қумринисага Социалистик Меҳнат Қаҳрамони деган унвон берилиши ва кўпгина колхозчининг орденлар блан мукофотланиши колхозимиэда байрамга, катта шоду-хуррамликка айланди. Хушруй Зулфиянинг ҳам, опа-сингил Зайнаб блан Муслиманинг ҳам кўкракларида орденлар. Лекин ҳаммадан ҳам Умар ота басавлат кўринади. У аста-аста қадам ташлаб боради. У ерда бораётгандай эмас, ҳавода сузаётгандай юради. Бийқасам чопонининг устига, кўкрагига тақиб олган Ленин ордени олтиндай товланади. Унинг қўлида атр гул. У колхоз байрамига бораёттир.

Рўзимат-чи? Э-э, уни қўяверинг, бугун жуда ҳам дови юрган кун. Колхоз тўйига Ўзбекистоннинг энг ўткир шоирлари меҳмон бўлиб келишди. Ажойиб ше'ллар ўқиб беришди.

Колхоз идораси олдидағи майдонга одам лиқ тўлди; Қишлоқдаги стул-табуритка ва скамейкаларнинг барини келтириб қўйишида... Одам сифишмай кетгавидан болалар деворларга, томларга, тут шохларигача чиқиб жойлашдилар.

Ипак гиламлар устидан шойи кўрпачалар солиниб, пар ёстиқлар қўйилган супада қаҳрамонларимиз шаҳардан келган меҳмонлар блан суҳбат қалиб ўтиришипти. Партия ташкилотчиси Қосимжон бўлса нутқ сўзлаёттир. Унинг ҳам кўкрагида янги орден. У кўп, мўл ҳосил олган кишиларнинг катта иззат-ҳурматга, шону-шарафга сазовор бўлганини, астойдил ишлаган, меҳнат қилган, жон куйдирган кишиларга жонажон ҳукуматимиз Социалистик Меҳнат Қаҳрамони деган олий унвон берганини айтди. Кейин у совет деҳқонлари Колхоз тузуми шарофати блан давлатли, баҳтили турмушга эришганлиги, бундан кейин яна ҳам баҳтили ва бадавлатли бўлишимизни гулдурос олқишлиар остида гапиради.

Эсингида бўлса керак, ҳикоямнинг бошида мен ҳам шу сўзларни айтган эдим.

Кейин шоирлар чиқиб ше'р ўқиб беришди, Ўзбекистоннинг отоқли шоирларидан бири қизимга атаб ёзган ше'рини ўқиб берди.

Колхоз тўйи тугаб, уйга қайтганимизда, қизимни ўзномидан яна бир марта астойдил табрикладим.

— Раҳмат, қизим, шундай олижаноб ишлар қилганлигинг учун, Ватанимизнинг лойиқ қизи бўлиб етишганинг учун минг-минг раҳмат, — дедим.

Ортиқ ҳечнарса деялмадим. Беҳад қувонганим, ҳаяжонланғавим учун ўпкам тұлиб, сүз тополмадим. Шу вақт үтгас күнлардан бири әсимга тушди. Бир күн кечасы қизим блан айвонда ўтириб суҳбатлашган әдик. Қизим уруш қаҳрамонлари, уларнинг жангү-жадаллари ҳақида гапириб, мәҳнат фронтіда ҳам қаҳрамонлик қилиш кераклигини айтган әди.

Әнди қизим ҳам уруш қаҳрамонларининг юзига тенгдош бўлиб қарай олади. Даладаги мәҳнатнинг аччиқ-чучугини, оғир-мушкулини татиб, енгиб қаҳрамон бўлди!... Халқ, партиямиз, жонажон совет ҳукуматимиз, қизимнинг қаҳрамонлик мәҳнатини тақдирлади, унга Социалистик Мәҳнат Қаҳрамони деган юксак унвон берди...

Зар қадрини заргар билади, деган гап бор ҳалқимизда. Шунинг учун ҳам ҳукуматимиз Қумринисанинг қадрига етди.

Бу йил колхозимиз Қумринисадан ибрат олиб, лавлагидан мўл ҳосил етишириш учун қаттиқ кураш бошлиди. Энди бу соҳада катта тажрибаларга эгамиз. Кичик қизим, дўндиқчам, Турсуной ҳам ўз звеносида қаттиқ ишлаб опасининг рекордини орқада қолдириб кетди. Энди у ҳам: „Бир ўзим ё звеном Ўзбекистондаги ҳамма қанд заводларини лавлаги блан мўл-кўл қилолмайди. Шунинг учун ҳамманни лавлагидан мўл ҳосил етиширишга ўргатишм керак. Ўргатяпман. Улар ҳам илфорлар қаторига ўтсин“ — дейди.

Турсуной бошқа колхозларга бориб, қанд лавлагини қандай экиш ва уни қандай парвариш қилиш йўлини ўргатади.

Яна бир қиёқ нарсани айтиш әсимдан чиқипти. Зайнаб блан Рӯзимат уйланиши! Энди Рӯзимат Зайнаб туширган нарсаларни териб-ташиб юрмайди...

* * *

Қумринисам Ўзбекистон ҳукуматининг а'зоси. Шундай бўлса ҳам ота оталигича қолар экан. У ҳукумат а'зоси бўлса ҳам, бурунгидай мендан маслаҳат олиб туради.

Агроном Петров блан Қосимжон ака бизникига мәҳмон бўлиб келди. Балки Қосимжонни ҳали ҳам колхозда партия ташкилотчиси деб ўйларсиз? Йўқ, энди у киши район партия комитетининг секретари. Бунга анча вақт бўлди. Раисимиз Аҳмад ака ҳам келди.

Бултур колхоз Қумринисага данғиллама уй солиб берди. Энди ҳарқанча мәҳмон келса ҳам ўтқизишга, кутишга арзигудай жойимиз бор. Қумринисани уйдан ҳам кўпроқ қувонтирган нарса шу бўлдики, Комсомол Марказий Комитети қизимга ўзбек ва рус тилларида бир қулоқ китоб ҳад'я қилди.

Мен дастурхон туазаш блан, қизим эса янги идиш-товоқларга қанд-қурс, мева-чева бўлиш блан овара эканмиз, Қосимжон ака раис блан колхоз плани ҳақида суҳбатлашиб ўтирди.

Дастурхон таҳт бўлиб, меҳмондорчилик бошланганда,
Қосимжон шундай деди:

— Мен муҳим бир иш блан келдим. Қумриниса, сени қип-
лоқ хўжалик институтига ўқишга юбормоқчимиз. Сен ҳам ўр-
тоқ Петровдай агроном бўласан. Хўш, нима дейсан, борасанми?

Қумринисанинг юзига қизил югарди. У, менга ер ости-
дан бир караб қўйиб, шундай деди:

— Жон кошки юборсанги, тилагимга етар эдим! Сиз
нима десиз, отажон?

Мен нима деяр эдим? Қизимниң тилаги менинг тилагим.

— Ўқишга борсанг мен ҳам хурсанд бўламан, қизим!
Қани әнди сен ҳам ўқиб агроном бўлиб чиқсанг. Жон кошки
эди,— дейман.

Ортиқ ҳечнарса айттолмадим.

Камгақ қизим шу вақт қўзларини пир-пиратиб, ҳаммага
қараб туриб, юрагини очиб солади:

— Кўрдингизми, менинг отам қандай яхши киши. Агар
мен ўқишга кетсам ташвиши анча-мунча ортади, лекин унинг
кўзига ташвиши эмас, эртаги куни кўринади. Отам ҳам за-
монамизниң илфор кишиларидан...

Хеч вақт ёрилиб гапирмайдиган қизимниң бу сўзлари
бошимни осмонга етказади...

* * *

Мен қизим ҳақида кичкина бир ҳикоя айтиб бердим. Энди
у далада эмас, шаҳарда, институтда агрономлик билимни
ўқиб ўрганмоқда. Лекин Қумринисанинг ўрни бўш қолмади.
Иккинчи қизим, дўвидигим Турсуной бу йил ҳар гектар ердан
саккис юз етмиш центнердан лавлаги ҳосили етиштириди!

Колхозчиларнинг кўпчилиги ҳам бултур Қумриниса ол-
ган дараҷада маҳсулот берди. Лекин Қумриниса буни ҳали
ҳам оз дейди. Ҳамма, ҳамма колхозчилар, ҳамма лавлагикор
колхозлар бу рекордларни йилдан-йил орқада қолдириб,
ява ҳам кўпроқ ҳосил олишлари керак эмиш.

Мана, биз шундай тез олга борајпмиз!

Мен сизларга Қумрини ҳикоя қелиб бердим.

Мен ҳикояни сўзлар эканман бошқа ота-оналар ҳам шундан
ўзларига хулоса чиқариб олишар деб ўйлайман. Ахир менинг
қизим ҳам ҳалқимизниң минг-минглаб қизларидан бири-ку!

Ҳозир қизим ўқияпти. Унинг эртаги куни бугувидан пор-
лоқроқ. У катта умидлар, орзу-ҳаваслар блан, элимга—сев-
тили ватанимга яна ҳам кўпроқ, маҳсулдорроқ хизмат
қилсан деган тилак блан яшайди, ўқийди. У тинмай олға
босади, юради, илгарилайди... У тушган йўл—катта, ойдин
йўл, унда адашиш йўқ. Сиз бошқа ота-оналар ҳам менга
тилакдош бўлиб, мен блан бирга:

— Қумриниса, оқ йўл тилаймиз сенга!— деярсиш...

М. КАЛОН таржимаси

РАМЗ БОБОЖОН

ҚАДРДОН ДҮСТЛАР¹

Поэма

Колхоз чойхонаси

Кунлар ўтди, саноқсиз кунлар,
Аҳмаджоннинг эгнида яктак.
Шинель.

Ўрмон.

Даҳшатли тунлар,
Бўлиб қолди гўё бир эртак.

Чойхонада, кечги паллада,
Тўпланишган эди дўсту-ёр,
Ё суҳбатда, ёки яллада,
Ҳар кишининг ўз ҳиссаси бор,
Чойхўрлар кўп. Самоварчининг
Жуда енгил оёқ олиши.
Ҳарким кўзлар эди тинчини,
Ёнбошида чопон —

болиши.

Ҳарким бирор нарса блан банд,
Бирор сўзлар, бирор чой ичар.
Аҳмаджоннинг оғзида оқ қанд,
Чойдан ҳўплаб, масала ечар:
— ... Шундай қилиб, гапнинг лўндаси,
Жон чекмасанг қайдা жонона.
Ўтган йилнинг боқимондаси
Бу йил тўлар,
кетмас баҳона!
— Тўғри, — деди, — барака топтур!
Доврадаги чолларнинг бири.
Ошиб кетди чамамда ғурур,
Ишимизнинг бўлмади жири.

¹ Баши 6 — сонда

Эл олдида уятли бўлдик,
Ва'дамизга қилолмай вафо.
Аммо имкон бор эди етук,
Айтиб бўлмас бизни рўдано.
Болагинам, кўришинг мумкин,
Чўлни қишлоқ қилолдик, рости.
Айтгин, сувсиз битарми экин,
Нурсиз яшаб бўларми асти...
Ҳаммасини қурдик ўзимиз,
Топилмади биздан миришкор.
Ерда қолмай олган сўзимиза,
Хижолатни билмадик зинҳор.
Ҳа, гангидик дейман чамаси,
Бепарвороқ бўлдик пахтага.
Ўйладикки, ҳарвақт отаси,
Ёзиламиз ҳурмат тахтага.
Йўқ!...
Деди-ю, чойдан ҳўплади,
Ҳамма тинглар эди сўзини.
Узр учун оғиз жуплади,
Қўйгани жой топмай ўзини.
Чойхонада кўп эди одам,—
Шинаванда кекса, ўспурин.
Қизиқишиб излар ҳамма ҳам,
Ўтган йилги қолоқлиқ сирин.
— Кибирланиш, деди, сабаби!
Пажса елка, чорбагил йигит.
— Хотиржамлик, дер Абдунаби,
Экилмади вақтида чигит...
— Гап кўп, аммо юмур жуда оз,
Биз эмас-ку иш ёқмас, латта!..
Бел ушласин, бўлса ишқибоз,
Ман-ман деган кичикми-катта!?
Харбийларча ичайнин қасам,
Кўрсатайин матонатимни.
Удасидан чиқаолмасам,
Бошқа қўяй Аҳмад отимни!

У шунаقا,
нақ чапани фе'л,
Тутилмаган ишни қилади.
Гоҳ қалбига сифмай қолар қил,
Гоҳ ўзини дар'ё билади.

Кеча ойдин — сутга чайилган,
Йўл ёқада дарахт сояси.
Бир томонда элга ёйилган,
Аҳмаджоннинг жанг ҳикояси.

Нур сочади әлектр чироғ,
Чироғларни құршаган чивин.
Чойхонага осилған байроқ,
Хилл-хилл этиб турар бетиним.
Олисларда оқади дар'е,
Оқади-ю, сой гувиллайди.
Пахтазорнинг нарёғи саҳро,
Чиябўри, ит увиллайди...

— Самоварчи, яна битта чой!
Икки ҳатлаб келтирди дарҳол,
Қуйиб-қуйиб қайтарар Ҳолтой,
Дог бўлгандан пиёла зилол.

Чорпояда бошланди ялла,
„Пахта, пахта кўзимнинг оқи...“
Бўлди ўйин — кулги, таралла,
Бошларда чуст дўппи қайтоқи.
Аҳмад деди:

— Самоварчи ака,
Бураб қўйинг радио қулоғин.
— Гапирмайди анчадан баққа,
Ўзингиз бир кўринг-чи тағин.

Аҳмад эса устаси-фаранг,
Шуҳрати бор унинг ҳар ишда,
Бузиб қайта тузатди, қаранг,
Радистлик ҳам қилган урушда.

Чойхўрлар жим. Сўзлар Москва,
Москвани тинглар Шаҳрхон.
Москвани тинглар дашт-ува,
Москвани тинглар Аҳмаджон.
Хаёлида ёртаги меҳнат,
Бағишлайди Москва илҳом.
Қайда бундан ортироқ роҳат,
Қайда бунча дилрабо оқшом.

Ишдан кейин кекса, ёш-яланг,
Ҳар кун шундай олар эди дам,
Ба'зиларин усти-боши чанг,
Ба'зисига етмасдан гилам.

Ҳарким кўзлар эди тинчини,
Ёнбошида чопон —
болиши,
Чойхўрлар кўп. Самоварчининг
Жуда енгил оёқ олиши.

Мусобақадошлар

Далаларда ғала-ғувур гап:
— Аҳмаджоннинг омади келган...
— Иши йирик, Ойнисахон зап
Қарашибоқда...
— Билгани-бильган,
Аҳмаджоннинг ҳосили бўлса,
Ойнисанинг баҳт-саодати...
— Бу йил пахта плани тўлса,
Зўр қувончнинг бир аломати...

Тушги ҳордуқ. Ер этагида —
Қора қумғон роса қайнаган.
Ана, Аҳмад жийда тагила
Ўлтиради, фе'ли айнаган.
Дўстларига ишонарди у,
Звенода бугун иш чатоқ.
Юрагида бир дун'ё қўрқу,
Урушда ҳам қўрқмаган мундоқ.

Чопиқ давом этади, чопиқ...
Аҳмаджоннинг ерида ҳомон,
Ўйлайдию қийналар қаттиқ,
Фронтдан кеч қайтгани армон.

Катта-катта гапирган кеча,
Бугун эса ич-этин ейди.
(Исиб қолар офтобда гўжа)
Норбутадан тоза ранжийди:
— Шуми ҳали сендан келгани,
Шуми ҳали дўстга оқибат!
Уятмасми шундай қилгани,
Ақлинг бутун, тан-жонинг сиҳат?!
Менинг юзим қизарса ўртоқ,
Сенинг юзинг қизаргани-ку!
Районда не қилдинг бесўроқ,
Яхши эмас кўп ҳаддан ошуви,
Яхши эмас, ғавимат дамни
Қўлдан бериб, орқада қолиш.
Ўйлаб босиш керак қадамни,
Звенода бор сендан волиш!
— Ерга урманг, Аҳмаджон ака,
Ёмон бўлиб қолдикми бу йил?
Сути бўлсин, бўлса ҳам така,
Биз аввалроқ қилганимиз қойил!

Мана орден, нечтаси керак,
Уруш бўлса тамоман тинди.
Совет даври ўйнасак-кулсак,
Ишламаган ишласин энди!

Аҳмаджоннинг ғазаби ошиди,
Пешонаси бўлди уч қатлам,
Ажинлардан тер оқди-тошди,
Бир икки бор артиб қўйса ҳам.
— Бу гапларни ўйлабсан чакки,
Иш кўрсатган озми бу элда,
Ёвни елғиз енгдингми ёки!
Халқ шарафи тилда-мас, дилда!!
Уруш бўлса тамом битган йўқ,
Дун'ёда бор ҳали қора, оқ,
Қўйиб берсанг, отмоқ бўлар ўқ,
Океанларнинг ортидан олчоқ!

Васелийдан хат олдим кеча,
Тузатмоқда эмиш қишлоғин.
Иш ўрнида биз бўлсак шунча —
Борди-келди қиласиз тағин.
Яхши әмас, ўзинг ўйлаб боқ,
Эр кишига керак номус-ср!
— Айтиб берай, солсангиз қулоқ,
Қитиғимга теккан ери бор.
Каптин ишқаб қўйдию Бўта,
Келган жойдан гапни бошлади.
Юрагига туккан уч-тўртта
Гинасини очиб ташлади:
— Яхши әмас, ака, чиндан ҳам,
Қаттиқ ботар әкан кишига!
Келиб-келиб қиз бола ёрдам —
Берар бўлса йигит ишига.
Тағин ким денг, Ойнисахон у,
Бизлар блан мусобақадош!..

Кумуш жийда ортидан кулку —
Кўтарили,

Бўта қотди тош.

Қаршилага келди Ойниса:

— Тушунмабсиз мусобақани,
Чиқарволинг саводни тоза!
Кузда санашамиз жўжани,
Қиз бола деб кўп ерга урманг,
Қиз болага тенг келинг аввал!
Санамасдан саккиз деб юрманг,
Ховрингиздан тушинг, ака, сал!

Норбұтанинг ранги бүзарди,
Норбұтани босди хижолат.
Ойнисахон гапни чұзарди,
Охир деди:
— Уятдир, уят!
Колхозчилар чайқаб қүйди бош,
Хаммасида ягона хаәл.
Норбұта жим. Чимирилган қош,
Чимдіб-чимдіб юлади соқол.
Үз ишидан ўзи пушаймон,
Йигитларнинг зўри, хўрози.
(Ўзин шундай атарди ҳар он,
Тантиликда эмиш торози).

Аҳмаджондан қолишимас сира —
Бўйи басти, тузилиши бир.
Тавба дейсан, бурни ҳам қирра,
Фақатгина ўхшамас фикр.
Аҳмад дейди:
— Ўйлабсан хато,
Мусобақа рақобат эмас!
Баланд ҳосил айни муддао,
Муддаога әришалсак бас.
Ердамлашсак бир-бири мизга,
Айб эмас ҳеч,
Бу фикрингдан қайт!
Ўзгани-мас, ўз еримизга —
Меҳнат қилсак жиноятми, айт!?
Йўқ!
Жиноят сенинг қилганинг!!

Еру-кўкни ёндирап офтоб,
Бир туп жийда бошга соябон.
Ўз-ўзига бердию ҳисоб,
Бўта олди қўлига кетмон.
Қўзғалдию ўрнидан Аҳмад,
Ғўзаларни оралаб кетди.

Мусобақа қизиди беҳад,
Юракларга илҳом бахш этди.

Асад, ғўзани ясат!

Кўм-кўк дала, кўзлар қамашар,
Кўсакларин санар Ойниса.
Ажаб эмас,
балки ярашар,
Булар менинг меҳнатим деса.

Ғұзаларин қилар парвариши,
Пахтазорни айланар, кезар.
Табиатда эса асойиш,
Фақатгина кечки ел әсар.
Жазаваси тутган офтоб
Нақ юмалаб кетган бўлса ҳам,
Далададир Ойниса шу тоб,
Ҳали уйга қўймаган қадам.
Далададир — қўлида кетмон,
Икки сочи бошда чамбарак,
Икки юзи қип-қизил ширмон,
Шабадада ҳилпирар кўйлак.
Қошларини чимириб турар,
Оёғида паст пошна этик.
У барини, бу барга урар —
Жуда әпчил, ақли ҳам етиқ.
Ғўзага сув берар бу кеча,
Дардга даво асад суви, дер.
Шарт бойлашган, қўл қўйган кеча,
Гектаридан тўқсон центнер.

Пахтазорга югуртиранг кўз,
Эгатларда сув тўла бирам.
Тополмайсан бошқачароқ сўз,
Ўйлайсанки, йўл-йўл беқасам.
Ёз кечаси ойдин нақадар,
Далаларда ой нурими, сув?..
Фарҳод ГЭСдан Чирчиққа қадар,
Тортган симни эслатади у.
Шу кунлари ҳар деҳқон —
мироб,
Асад вақтин ўтказмас, пайдам.
Кечаси сув, кундузи офтоб,
Ғўзаларни ясатар кўркам.
Ойнисахон ернинг бошида,
Аста юриб қилар хиргойи.
Унинг ҳарбир кўз қарашида,
Равшанланар пахта чиройи.
Кўм-кўк дала, кўзлар қамашар,
Кўсакларин санар Ойниса.
Ажаб әмас,
балки ярашар,
Булар менинг меҳнатим деса.
Аммо қизнинг паришон ҳоли;
Үртар эмиш иккита армон.
Бир пахта —
халқнинг иқболи,
Бири қалбин олган Аҳмаджон.

Аҳмаджонни ўйлару, ба'зан
Кетмонаига суюлғыб қолар.
Шитирласа ғұзалар бирдан,
Чүчиб тушар, уялиб қолар.

Үқ ариқдан җатлади бирор,
Елкасида шаҳрихон кетмон.
Ҳали етиб келмасдан:

— Бирор

Салом бердік, дер, оғатижон.

— Бевақт нима қилиб юрибсиз?
— Сув баҳона, дийдор ғанимат,
Ойнисахон хушвақт күрибсиз,
Ха деди-ю, құл чұзды Аҳмад.
— Ҳазилингиз құрмасин сизнинг,
Гапга туққан дейман онанғиз.
Ичға тортиб юраги қизнинг,
Деди:
— Тупда қанча шонанғиз?
— Шартингиздан, жоним, кам әмас,
Йигит қайтмас айтган сүзидан.
Үлтиришди марзага бирпас,—
Иш шунақа, деди, күзидан!

Кече ойдин, нақадар сулув,
Пахтаөзарда йигит, қиз ва ой.
Әгатларда жимирлайди сув,
Олисларда шовуллайди сой.
„Ленин йүли“

„Социализм“,
Қүшни колхоз, жонажон колхоз.
Аҳмад блан Ойниса гүё
Битта бошда икки кулган күз.
Асад, асад ғұзани ясат!
Боболарнинг қадим мақоли.
Шу күнлари уйқусиз мәҳнат,
Очилади кузакнинг фоли.

Раис

Аҳмаджонни чақирмиш раис,
Аҳмаджоннинг хаёли тарқоқ.
Хомчұт қилиб күрар бир текис,
Қай иши соэ,
қайсиси чатоқ...
Назарида ҳаммаси ҳам бут,

Етишмаган тағин нима бор,
Жойидадир сугориш, ўғит..
Жойидадир нимайки даркор.
Осмонданми қылсын шикоят,
Иссигини бермоқда қуёш,
Сүнги кунлар ичида фақат,
Күринади Норбұта бебош...

Звеноси орқада әмас,
Олдиндадир Раҳима, Соли..
Аҳмад бугун учратолса бас,
Кабинетда раисни холи.
Үйлаганин түқиб солади,
Кенгашли түн тор келмас, дерлар.
Идорага йўртиб қолади,
Оёғини узади ерлар.
Юрагининг бир чекасини,
Ўртаб ётар Ойниса бону,
Раисга шу таҳликасини
Айтсамикан,
нима деркан у.

Тортинмади, очди эшикни:
— Рұхсат этинг?
— Қиринг' марҳамат!
Раис ота катта-кичикни
Сиязлар әди, бу унга одат.
Уй тўрида ўлтиради у,
Ўнг қўли-ла бураб мўйлабин.
Юзларида самимий кулгу,
Балки айтиб берар сабабин.
Аҳмаджонни босар салобат,
Интизомни сақлайди жадал.
Ўйлайдики, ўзини солдат,
Қаршисида туар генерал.
Измидадир бутун бир колхоз,
Қанча еру, қанча хонадон...
Муқаддасдир у айтган ҳар сўз,
Колхозчига азиз отахон.
Генералдан қайси ери кам,
Қўчқор шохли мўйлаби ҳам бор.
Совлат блан қўяди қадам,
Кўкрагида орденлар қатор.

Уялгандай бўлди Аҳмаджон:
Ҳам ялангтүш, ҳам ялангаёқ.
Чест беришга бўлмади имкон,
Колхозчилик — белида белбоғ.

Құл узатди.

— Бормисиз омон?

— Раҳмат, иним, үзингиз қалай?

Сұхбат қизиб кетди бир замон,

Гаплар бўлиб ўтди бир талай.

Ҳал этилди қанча масала:

Ишчи кучи,

сув ва та'минот...

Раис деди:

— Ҳа, баракалла,

Колхоз шундоқ бўлади обол.

У билади ишнинг кўзини,

Пахта экиб сочи оқарган.

Ажин босган ялпоқ юзини,

Кетмон чопиб қўли қабарган.

Телефон бирдан жиринглаб қолди,

Трубкани кўтарди раис.

Аҳмад ердан кўзини олди,

Ен - верига боқди бир текис:

Деворларда Ленин,

Сталин,

Портрети туарди осиқ.

Ташқарида пахтазор қалин,

Кабинетнинг дарчаси очиқ.

Стол узра ташланган алвон,

Атрофифда беш-олти стул.

Үйнинг ичи тоза, чароғон,

Тувакларда пушти, сариф гул.

Бир томонда кичик кўргазма,

Пахта тури — яшил, оқ, қизил...

Бир томонда рақамлар ёзма,

Газетада ўртоқлиқ ҳазил.

Аҳмаджонда ғалати бир ҳис,

Алла нима дейишни ўйлар,

Трубкани илди-ю, раис,

Бағрин қўйиб столга,

сўйлар:

— Эрта-индин қўшни колхоздан,

Текширишга келармиш вакил.

— Келаверсин, колхоз ўттиздан —

Беришига имоним комил.

Раис ота, ишларимиз бут,

Шартномадан баланд қўлимиз.

Жойидадир сугориш, ўгит...

Чакки әмас „Ленин йўли“ миз.

Иш раисга кафтидай аён,
Колхозчи ҳам яширмас сирин.
Аҳволидан воқиғ ҳар қачон,
Ҳатто билар туғса сигири...

Ҳар иккиси жим қолди жиндак,
Ва ечили сүнги масала.
— Хўш, Аҳмаджон, тўйни шу кузак
Қилсак, деди раис баралла. —
Кузда тугар ишнинг чаласи,
Бўшашмасак бу йил пахта юз.
Бахтимизга колхоз ғалласи,
Ҳар йилгидан бўлиқ ва дуруст.
Ҳа ма'қулми?

Индамас Аҳмад,
Қочди оз-моз оғзин таноби,
Ич-ичидан севинди беҳад,
Шундай бўлди охир жавоби.
— Ўзингиздан қолар гап борми,
Ўзингизга ма'lум ҳамма сир.
— Ма'қул, деди, келин тайёрми?
Тўкиб солди Аҳмад бирма-бир...

Хаёлида тўй, базм, улоқ,
Мехмон кутиб чарчар ўша кун.
Келаберар яқин ва йироқ,
Юқорида ўлтирас Теркин.
Ўйлагани ҳосил, барака,
Йигим-терим,
ва суюкли ёр,
Шаҳрихондан тортиб Асака,
Табриклишга тургандай тайёр...
Ўйлайди-ю, босар салобат,
Интизомни сақлайди жадал.
Хаёлида ҳали ҳам солдат,
Қаршисида турар генерал.

Куз келди

Кузак келди, кунлар бир тутам,
Ҳа демасдан ўтиб кетади.
Кузак келди баҳордан кўркам,
Кўнгилларни мафтун өтади.
Боққа кирсанг, япроқлар олтин,
Сувлар тиниқ — эриган шиша.
Булут қоплаб осмоннинг бетин,
Тегажоғлиқ қиласа ҳамиша.

Қовун-тарвуз палакда ҳали,
Хусайнилар токдан моралар.
Келиб қолди кузнинг гўзали,
Дала кимхоб тўнга ўралар.
Қурт-қумурсқа қишининг ғамида,
Ўз инига ташйиди дон-дун.
Пичанларнинг тик ғарамида —
Паррандалар солади шовқин.
Чанг кўтарган мизон шамоли,
Кўз-кўз қиласр харир ипагин.
Барг тўкилар гилам мисоли,
Билиб бўлмас дараҳтзор тагин.
Тоғдан қайтар колхоз подаси,
Қўю-қўзи, эчки-ю — така.
Ерга тегар ғўза шонаси,
Дала — тошни тутган барака.
Ҳар кунгидан бошқача бугун
Аҳмаджоннинг оёқ олиши.
Терилажак оқ олтин учун,
Ер текислар беш-олти киши.
— Қани, ҳа бўл!

мана хирмон жой.

Тозаланди унинг атрофи.
Правление а'зоси Холтой,
Тупроқ ташир елкада қопи.
Тепа кетди сув сепиб Карим,
Кўтарилиган ясси хирмонни.
Тиззагача шимарилган шим,
Кўринг, ишга бош Аҳмаджонни.
Қиртишланди қовжираган ўт,
Шиббаланди кафтдай нам тупроқ.
Чаноғдаги пахтани хомчўт —
Қилаётир агроном ўртоқ.
Уфқ туташ яшил пахтазор,
Теримчини кўмар кўкракдан,
Ҳа демасдан тўлар қоп-қанор.
Тошиб кетар этак-этакдан.
Чайқалади гўё кўк денгиз,
Оқ пахталар тўлқинли кўпик.
Дам ганимат, кечаку-кундуз
Колхозчилар ечмайди этик.
Бодироқ-бодироқ пахта чаноғда,
Теримчига ол мени, дейди.
Олдинда бор, қолма оёғда,
Этагингга сол мени, дейди.
Пахтазорни айланар раис,
Уч-тўрт киши — партком, ҳосилот...
Ўтқазилар кўздан бир текис,

Мұлжалланар арава-ю-от,
Машина-ю, әтак, қоп-қанор,
Теримчининг сону-саноғи,
Иссиқ овқат қилишга тайёр —
Бригаданинг қозон-товоғи...

Ҳамма ерда раис ишбоши,
Торозуга күрсатди ўрин.
Келтирилди торозу — тоши,
Тайёрганди теримдан бурун.
Режадаги ишлар бўлди бут.
Тарқалишди эркагу — аёл.
Қуёш ботди, уфқлар ёқут,
Пахтазорда қолди бир хаёл.

Соли бетоб, Аҳмаджон нотинч

Шаҳрихоннинг йўли серқатнов,
Пахта ортган машина елар.
Тиним билмас шу кун от-улов,
Нақ бурнидан тортгудай келар:
Четан пахта —

тўнкарилган тоғ,
Биринчи нағ, бўлиб боради.
Ҳосил бўлук, хирмон сўлу-соғ,
Терим блан тонг оқаради.
— Қани, ҳа бўл!

айни маҳали!
Улгуролмас колхозчи териб,
Чавоғдаги кузнинг асали,
Тез олмасанг тўкилар әриб.
Қор тушгандай пахтазор оппоқ,
Ойдин тува алданиш мумкин:
— Нега қишиш тез келмаса мундоқ,
Ҳали ерда ётади экин..
Ҳамма қўчиб чиққан далага,
Ҳатто врач,

фоточи,
мухбир...

Ўқ ариқдан Зайнаб холага:
— Бўшашманг, дер, Хадича кампир.
Шодмон ота әтак бўшатар,
Пахта каби соқоли ҳам оқ.
Торозибон кесак ушатар,
Посонгига тош келса чатоқ...

Теримчилар фурсат ғамида,
Бебарака кузак офтоби.
Ҳар колхозчи терар камида,
Саксон кило ўрта ҳисоби.

Юзларини ялаган совуқ,
Құлларини ёрган изғириң.
Қорин очса қоюқми-суюқ,
Мәҳнат қилиб топгани шириң.
Безовтадир бизнинг Аҳмаджон,
Құли тегмас эткін ечгани.
Татимайди уйилган хирмон,
Татимайди еган-ичгани.
Эгатлардан ўтар эгатта,
Човут солиб олар пахтани.
Айланибди терим сан'атга,
Сүйгани шу, жони ва тави...
Ха демайин этак түлади,
Эплайолмай бүшатар бориб.
Ха демайин ғарам бўлади,
Қорли тоғдай турар оқариб.

Аммо күнгли түлмайди сра,
Бир оғиз гап келгудай малол.
Нега та'би шунчалар хира,
Гандон йигит,

бугун нега лол?
 Ҳар кунгидай ҳазилкаш эмас,
 Қандай кулфат тушди бошига.
 Ич-этин ер, дардини демас.
 Звенонинг кекса-ёшига.
 Балки, айтса чеккан ғамига.
 Шерик бўлар эди дўйсту — ёр,
 Балки қайғу тортиб дамига,
 Юракларга берарди озор.
 Балки шундан чўчир,
айтмайди.

Йиғим-терим қизғин,
тегишимас, —
Звенонинг құли-құлига.
Қизғанилар ўтган ҳар нафас,
Қарай олмас ўнгұ-сұлига.
Билай десанг, мусобақада
Кім илғору, кімдадир байроқ,
Кім осмонда, кім тошбақада,
Мана,
Хурмат тахтасига,
бок!

Безовтадир бизнинг Аҳмаджон,
Назарида тераётир кам.
Кўнгли тўлмас, кўнглида армон,
Ҳар кунгидан ошиб кетса ҳам.
Звеноси бут эмас бугун,
Пахтазорда кўринмас Соли.
Қалбга тушган чигал бир тугун,
Шунинг учун паришон ҳоли.
Шунинг учун суради хаёл,
Йигим-терим,
ишлиар тиқилинч,
Соли бетоб, ҳаво ҳам дудмол,
Аҳмад эса безовта, нотинч.

Денгиз каби чайқалар дала,
Оқ елканга ўхшар этаклар.
Кеч кирмоқда, Аҳмад барадла,
Шовқин солар гуё алаклар:
— Менга деса ёғмайдими қор,
Пахтани терамиз бари-бир!
Нобуд қилмай,
бўлмай шаримсор
Давлатга берамиз бари бир!

Юриб борди тороз бошига,
Пахта деган бўлибди хирмон...
Ўлтиаркан от ёнбошига,
Қамчи ураг Тошпўлат карвон.
Пахта,
пахта,
еру-кўк пахта...
Аравалар оғиб боради,
Тўкин кузнинг ўзи бир бахт-да,
Шуҳрати шон ёғиб боради.

Осмондаги бир парча булут,
Орасига беркинди офтоб.
Машинадан кўтарилди дуд,
Шофер деди:
— Қани, биз готов!

Кабинага ўтириди Аҳмад,
Ва раёнга қараб йўл олди.
Пахта ортган машина шу вақт,
Чанг кўтариб, аста йўқолди.

Соли бетоб, Аҳмаджон нотинч,
Излаб борар бир дору-дармон,

Иигим-терим,
ишлар тиқилинч,
Юрагида бир дун'е армон.

Терим құшиғи

Меңнат қылган қаримас,
Олган ҳосили ҳалол.
Күэидан нур аrimас,
Хаёт боғидан иқбол.

Эгатларни оралаб,
Қызларжон, келинг қизлар...
Барг остидан моралаб,
Сизни кутар юлдузлар.

Бу йил ҳосил жуда мүл,
Қарор топар тилаклар.
Ишга тушса чевар құл,
Тұлиб кетар әтаклар.

Тонг елида қалтирап,
Ғүзаларнинг шонаси.
Күн нурида ялтирап,
Оқ олтинлар донаси.

Пахтада бутун хаёл,
Пахтазор маконимиз.
Пахта бўлса баркамол,
Обруйимиз, шонимиз.

Ер ҳайдасанг куз ҳайдада

Кеча ойдин, серюлдуз осмон,
Қулоқларни ачитар аёз.
Соч-сақоли олинган симон,
Ер тап-тақири,
Ташлаб кетган ёз.
Дала бўм — бўш қолди ҳувуллаб,
Суғирилган ғўзапоя ҳам,
Қушлар учиб кетди чувуллаб,
Хоки тупроқ қуриқ эмас, нам...
Ҳаво мужмал, безовта кўнгил,
Эрта-индин балки ёғар қор.
Куз ер ҳайдаб қўймадингми,
Бил,
Баҳорда юз ҳайдасанг бекор!

Тракторлар солади шовқин,
Қора тупроқ бұрсиллаб ётар.
Кундуз қисқа, кечалар узун,
Хайдов блан ҳар күн тонг отар.

Қорабайир минган мисоли,
Тракторчи рулида бардам.
Балки жангда бұлғав суворий,
Балки танкист,
иңгандир қасам...

Хәелида юртнинг ташвиши,
Қалбда ишонч,
жангларда ўсади.
Чакки әмас колхозда иши,
Аҳмаджоннинг әнг яқин дүсті.
Юз-құли мой кийган жомакор,
Бекасам түн, қийигин ециб.
Шудгор қылар ерни шиддаткор,
Сағарлари уйқидан кечиб.

Далададир бизнинг Аҳмад ҳам,
Марзаларни тузатиб юрар.
Керосину — сувидан пайдам,
Ҳаммасини кузатиб турар.

Тонг отгунча шудгорда шов-шув,
Тракторнинг тепар юраги.
Қулоқ солса уйда тинч уйқу,
Чол-кампирнинг отган хурраги,
Қулоқ солса, осойишталиқ,
Соғлом нафас олади қишлоқ,
Кеча ойдин, кече наш'али,
Бугундан ҳам эрта яхшироқ.

Гулхан атрофида

Қор учкунлар,
дала, адр қор,
Хаво совуқ, кесади дамни,
Келаётир Аҳмаджон левкор,
Катта-катта ташлаб қадамни.

Сельсоветда кечқурун мажлис,
Келаётир отлиқми, яёв.
Келаётир ҳосилот, раис,
Келаётир барча —
серқатнов.

Бир томонда ёнади гулхан,
Дам ўтказмай қаланар ўтин.
От устида оёклар қотган,
Исинишар бирин ва кетин.
Ҳамманинг ҳам кўнгли безовта,
Ҳисоб - китоб қилинар йиллик.
Бугун ма'лум бўлар, албатта,
Кимга суюк, ва кимга илик.
Ҳамманинг ҳам ўйлагани бор,
Ва ўзига яраша ғуур.
Колхоз иши эмаски қимор,
Келиб кетса баҳт деган бир қур.
Баҳт деган бу кураш, матонат,
Қаҳрамонлик, меҳнатнинг нони.
Оғир жангда олинган давлат,
Оталарнинг орзу армони.
Шунинг учун юртнинг бошига,
Қонли кунлар тушганда, дарҳол —
Шаҳрихоннинг йигит — ёшига,
Мадад бўлди ҳатто кампир, чол:
Қўлдан олди кетманин, ишин,
Қўлдан олди бору-йўрини.
Енгиллатди йигит ташвишин,
Ўт олдирди қасос чўғини.
Шунинг учун қозондик зафар,
Дўстлигимиз асли боиси.
Тақдирланди командир, аскар,
Колхозчи ю, колхоз раиси...
Шунинг учун эл хурсанд беҳад,
Тер тўқади азиз тупроққа,
Пахтасини мўл қилди Аҳмад,
Лоп бўлмасин, Ҳимолай тоққа.
Юзи ёруғ эди жангда ҳам,
Бугун эса ёрқин кечадан.
Бугун қишлоқ бу кеч жамул-жам',
Пахта ошиб кетган режадан.
Ойнисанинг оти ҳам йўрга,
Елиб борар Сельсовет томон,
Йўл босади Болтавой зўрга,
Авзорийдан ҳосили ёмон.

Нега шундай?

Ғала-ғовур гап...

Эл ўраган гулхан атрофин.
Тутайётган оловни пуфлаб,
Аллакимдир излар сабабин:
— Нега шундай, турлича ҳосил?
Суриштириб келсанг бир тупроқ.

Аҳмаджоннинг пахтаси кокил,
Болтаники ўлгудай пачоқ.
— Сенга нима, нима фарқи бор?
Пландан ҳам ошди барибир!
Якка хўжа әмас, бродор,
Ҳаммамиз ҳам колхоз-ку ахир!
План тўлса, бас-да!

юз еруғ...

Болтавойнинг ўэига қийин!
— Зап, ўйлабсан Норбўта сариф,
Мунақанги важлар бир тийин!
Қолоқлиққа айтгин не сабаб,
Ёки меҳри йўқми пахтага?!
Кўрдинглар-ку Аҳмаднинг маҳтаб,
Езибдилар Ҳурмат тахтага.

Кор учқунлар,
Дала, адр қор.
Ҳаво совуқ, кесади дамни,
Келиб қолди Аҳмаджон девкор,
Катта-катта ташлаб қадамни,
Қийиқ блан дўппи аралаш —
Ўралганди иккала қулоқ,
Пахталик тўн,
елкаси баркаш,
Этиги қор аралаш батқоқ.
— Ассалому алайкум!
— Ҳорманг!
— Ҳорганча йўқмиз жўралар,
Қор пуркийди гўё ёзги чанг,
Фурсат ўтмай туриб бўралар.
Гулхан ёнар,

давом этар гап...

Айтиб берар балки Аҳмаджон,
Қолоқлиққа нимадир сабаб,
Ҳамма тинглар мисоли бир жон.
— План тўлди,

хурсандчилик бу,
Бир нечамиз Ҳурмат тахтада.
Бир нечамиз уятликмиз-ку!
Махтанишлар, демак сохта-да!
Ҳаммамиз ҳам бўлсак бир текис,
Ярашарди ҳарқанча ғуур.
Ер ориқмас, бир хилда семиз,
Сабабчимиз ўзимиз қурғур.
Ўйлаб кўринг, жанг майдонида,
Сану-манга бормадик асти.
Нега энди, пахта конида,

Ола·тароқ бүламиз, рости.
Нега әнди колхоз планы
Тұлдирилар бошқа ҳисобдан,
Хар кимнинг ҳам бор-ку виждони,
Бу иш, айтинг, қайси китобдан!
Мен нормадан оширган бүлсам,
Халок бүлган Иваннинг ҳаққи.
Шундай колхоз планы тұлса,
Болтавойлар ўйлабді чакки.
— Ма'қул, деди Раҳимқул бобо,
Барака топ, отанға раҳмат!
Мажлисгача ҳамма ўзаро
Қилиб күрди тортушув, суҳбат.

Газетадан йиртиб Аҳмаджон,
Махоркани ўраб тутатар.
Холмат мироб, Назармат полвон,
Бир-бир келиб табриклаб кетар.
От устидан тушар Ойниса,
Изғириндан юzlари анор.
Аҳмад келиб бир нима деса,
Йүқ демайди гүёки тайёр.

Учрашдилар лабларда кулгу...
— Омонмисиз Аҳмаджон ақа!
— Дуруст синглим!
— Ишингиз беш-ку!
— Ҳа, ишимиз доим шунақа.
Ойнисахон уялгансимон,
Үйнар әди рүмөл учини.
Күз ташласа севги, ҳаяжон,
Тымдаларди Аҳмад ичини.
Айни фурсат, йиғилди барча,
Етиб келди райком вакили.
Сельсоветда мажлис бу кече,
Рұзномада:

пахта ҳосили...

Теркинга мактуб

Жигар бағрим, азизим Теркин,
Кеча олдим яна хатингни.
Толи'га минг қатла шукурким,
Эшитолдим соғ-сихатингни.
Тунов куни сени тушимда —
Күрдим,
яна ишимиз йирик:
Олтин юлдуз ёнар түшингда,
Ұлиб кетган Иван ҳам тирик.

Шундан бери соғиниш, армон,
Дүстлик ҳаққи, киши қийналар.
Шундан бери хаёл, ҳаяжон,
Юрагимни ўрттар, қиймалар.
Едингдами оғир жанг куни,
Тинчлик учун кўтарилган жом.
Орзулярнинг ўтли учқуни,
Аланггага айланди тамом.
Мана, хаёл қилинган дамлар,
Уруш тиңди,

яна тинч меҳнат.

Меҳнат қилар ғолиб одамлар,
Вайроналар бўлмоқда жаннат.
Мен биламан сен ўсган элни,
Кўз олдимда куйган ўрмонлар...
Тўхтатгудай бўламан елни,
Омонми деб дўсту-ёронлар.
Тутқич бермай алдаб кетади.
Мен ҳам сра қилмайман ўпка.
Яхши гаплар келиб етади,
Яхши гаплар татийди кўпга.
Тинч, фаровон қишлоқ ва шаҳар,
Бунинг учун кетди қанча жон,
Пўконидан ел ўтмагавлар,
Уруш истаб тўқмоқ бўлар қон.
Черчелл эса бугунги Гитлер,
Алмаштирмиш кийим-кечагин.
Такрорлашни қилмоқда фикр —
Унитилмай туриб, кечагин.
Кўтарилган дейман ёдидан,
Москванинг ёнидаги жанг.
Тўйган бўлса, майли, жонидан,
Биз бу яшнинг устаси —

фараанг...

Дўстим Вася, биз ёлғиз эмас,
Оиласиз жуда ҳам улуғ.
Қалб тепиши, олинган нафас,
Дўстлик, севги, шафқат-ла тўлиқ.
Мен қайтганда ўз қишлоғимга,
Қўраолдим ўсиш, бойликни.
Уралишди гул оғимга,
Пастда кўрдим гўзал сойликни.
Бир келиб кўр халқнинг ижодин,
Ўйлайсанки, афсона, эртак...
Биз берганда душманнинг додин,
Шаҳрихонлар бўлолди тирак.

Кечир дўстим,
айтгин рўйи-рост,
Мактубимнинг бўлса хатоси.
Сенга кўпдан қўйганман ихлос...
Ерда қолмас дўст илтимоси,
(Хатим қисқа икки-уч әллик.)
Қизитвордик мусобақани,
Тўрт йилда ҳал бўлар Бешйиллик,
Маҳкам тутсак биз алоқани.
Олдим колхоз кўчма байробин,
Дўстим, икки бўлмади сўзинг.
Чакки эмас ишим,

бу ёғин

Газетада ўқирсан ўзинг.
Ҳозир бизда тугаб олтин куз,
Қиши кўтариб келган қиличин.
Бу йил пахта яхши, — ҳосил юз,
Фаровонлик әрта-ю кечин.
Беихтиёр әслаб кетаман,
Сенинг блан ўтган чоқларни.
Бир кўришни хаёл этаман,
Фронтдаги дўст-ўртоқларни.
Келаси ой бизнинг қизил тўй,
Ойнисахон келиннинг оти.
Келишингга сўйай семиз қўй,
Қўй сўйишлиқ ўзбек одати.
Албатта кел, отамлашайлик,
„Казбек“ чекиб, сибқарайлик май.
Гармон чалиб, бас-баслашайлик,
Чакки эмас аканг қарағай!
Хум-хумчада қайнар мусаллас,
Сузилади гулгун саполда.
Биз томонда бугина эмас,
Дурда бойлаб ётар нишолда.
Албатта кел, азизим Теркин,
Ғарон-ғарон пахтамизга боқ!
Сизда ҳам куз келибда тўкин,
Билишимча, буғдой сербашоқ.
Душманларга бўлган нафрат,
Халқда яна ошиб кетибди,
Ўз юртига бўлган муҳаббат,
Қалбга сиғмай тошиб кетибди.
Албатта кел, кутаман жўра,
Бир мен эмас, кутар Шаҳриён,
Биз тарафни келиб бир кўр-а...
Салом блан,

дўстинг Аҳмаджон.

САИД АҲМАД

ХОТИНЛАР

Хикоя

Ла'лихон колхозга раис бўлсин, деган таклиф овозга қўйилганда ҳамма бир қўлини кўтарса, Бодомхола икки қўлини баббаравар кўтарди.

Негадир, Фанижон мўйлабининг бир учини сўриб бўйни нинг аллақайси бир томири узилиб кеткандек афтини буриштириди.

— Хотинлардан раис қилиб нима, пахта ўрнига ўсма экамизми? Раис эркаклардан бўлсин!

Унинг гапига қулоқ соладиган одам топилмади. Ҳатто олдинги қаторда ўлтирган Ражаббобо Фанижон гапирдими, пашша ғингилладими билолмадим. Мажлисви олиб бораётган партком секретари Хайринисо опа Фанижонга бир қараб олгач бош чайқади. Фанижон жойига ўтириди. Кўпчиликка гапини ма'қул қилаолмаганидан хижолат чекиб иягида пашша қўнгандек остки лабини икки уч марта қимирлатиб ҳам қўйди. Охири жаҳлига чидайолмай жойига ўлтириди.

Ўз хотинининг колхоз раиси бўлишига севинмай тўнглик қилаётган, ҳатто раис эркаклардан бўлсин, деб икки оёғини бир этикка сўқиб туриб олган Фанижон ҳақида икки нарса ўйлаш мумкин. Фанижон ё хотинларни ўзидан бир пофона паст кўради, ёки хотинларниң қўлидан дурустроқ иш келишига ишонмайди. Ким билади дейсиз, инсонниң юраги елкасида эмаску ахир, ёқасини кўтариб кўнгладаги бор гапни дарров билиб қўяқолсанг. Йўқ. Фанижон бутунлай бошқа бир дарднинг азобини чекмоқда эди.

Фанижон хотинини астойидил севар эди. Ҳатто жаҳли чиқиб турганда ҳам уни сизлаб гапирар, районга ҳар тушганида „хотинимниң оғзиға ёқадиган нима олсан экан?“ деб магазинларда эринмай айланаб юрар эди.

Фанижоннинг бирданига ўзгариб қолгани ва кўпчилик ўртасида шундай гапни тортишмай айтгани ҳаммани ажаблантириди. У ўйлар эди:

— Хар куни этигимни тортиб, тўнимнинг бир енгини кейгунимча иккинчи енгини ушлаб турадиган хотин, энди кўпчилик ўртасида менга иш буюради, мажлисда мен пастда у юқорида ўлтиради. Энди мен ҳам бошқалар қатори уни „раис опа“ дейманми?

Фанижон шундай хаёллар блан кечгача дала айланиб юрди, у борган сари тутақар, ўзидан-ўзи чилимнинг сувидай ғулдираб гоҳ тегирмон, гоҳ чойхона олдидан чиқиб қолар эди.

Оёғига арра ковуш кийиб, симёғоч устида радио тузататётган монтёр бола унинг тажанглигига ҳайрон қолиб гап ташлади:

— Аячам колхозга раис бўптилар деб эшиитдим. Зап иш бўпти-да. Ўзлари ҳам қирқ йигитга сардор бўладиган...

Фанижон унга евргундек бўлиб ўқрайган эди, у белидаги занжирини шилдиратиб кулди. Фанижон самоварга кириб уст-устига уч пиёла совуқ сув ичди. Самоварнинг оташхонасига чўп суқаётган Ражаббобо унга қараб кулди.

— Юрагингга ўт кетганми нима бало?Хумни бўшатдинг-ку, қуридим дар'емисан ўзинг!

Фанижон жавоб бермади, хаёл суреб супага ўлтириди. Чеккасига рапхон тақиб олиб, тарвуз кўтариб келаётган Бодомхола иссиқдан шикоятланиб ўзини салқинга урди. Садаф тугмали, бироз пати тўзғиган қора баҳмал нимчасини ечиб ўзини елпиди.

— Ҳой менга қора,—деди у Фанижонга. — Севи нима жин урди, ҳалиги гапингни қара, бир оғиз гап блан обруйинг уч пул бўлди-я. Партиком опа сендан хафа бўлдилар, кўрарсан, бир кун эмас, бир кун, партияга ўтаётгачингда шу гапни юзингга соладилар. Ўшанда нима деган одам бўласан. Хотинингнинг шунчалик бўлганига севинмайсанми, дўппингни осмонга отмайсанми? Э, ғалати одам экансан-ку!

Фанижон гардонини қашиб гапиришга оғиз жуфтлаган эди, Бодомхола яна тутақиб кетди,

— Ҳа, ўқинг ўзганими. Сенга қолса хотининг қошига ўсма, кўзи-га сурма қўйиб, ипакдек буралиб ўлтирсин, гаҳ десанг қўлингга қўйсин. Шундайми? Агар шундай ўйласанг нома'қул бузоқнинг гўштини ебсан. Сенга ўхшаган сояпарвар, бўйни йўғонлар ўзини салқинга уриб жўжахўроздининг шўрвасини ичиб ўлтирганда, хотинлар терлаб-пишиб кетман чопган. Ориятинг бўлса сен ҳам далага чиқ, кучингни кетмандада кўрсат, мен сени мард билай.

Фанижоннинг кўэзи ола-кула бўлиб кетди.

— Ўша, оймтиллаларнинг ишини қилаолмайди деб ўйлай-сизми, нархимизни кўпам ерга ураверманг.

— Биламан, қиласан десанг айтганингдан кўра кўпроқ иш қиласан. Хотинингни гапига киргинг келмайди, бўйнинг ёр бермайди. Сенда ақл бўлса, хотиним эл олдида уятли бўлмасин деб ёнига кириб ҳамма ишига ёрдам берар эдинг.

Фанижон гап тополмай пешонасини уқалади. Самоварнинг қувуруга гишт бостираётган Ражаббобо гапга аралашди.

— Бола бечорани унаقا кўп уялтираверма! Билмасдан оғиздан чиқиб кетганда. Тил деган нарса шунаقا бесуяк бўлади.

— Оғизига қараб гапирсингда, агар райондаги слётга борганида билар эди, хотинларнинг ким эканлигини Ҳар сук-сурдай жувонларки, кўкраги тўла орден. Оғизим очилиб қолипти. „Ғайрат“нинг ҳосилоти қўлимидан байроқни олатуриб нима деди дeng „энди байроққа овора бўлманглар, дастрўмол ҳам ололмайсизлар“ деди. Ер ёрилсаю ерга кириб кетақолсама. Бир маҳал қарасам ёнимда турган ўзимизнинг одамлар аллақачон жуфтакни ростлаб қуён қочди қилишибди, Қани энди дейман, битта паранжи топилса-ю шу тумонат ичидан ёлиниб чиқиб кетсан. Бодомхола паранжи ёпинди деган та’нани ҳазм қилиш осонрок эди, бу шармандаликтан, Энди бурчак-бурчакда хотинлар ша’нига шунаقا гап айтиш қолувдими? Қани айтчи, далада қарсиллатиб кетман чопаётган хотинлар олдида сен нима деган одам бўлдинг.

Агар Фанижон ўрнидан туриб кетмаганида Бодомхола ҳали анча гапирмоқчи эди. Тиҳсиз оғизини очиб анграйиб қолган Ражаббобо Бодомхолага имлади.

— Бўлди энди, бола бечорани ёмон ўсал қилдинг.

— Кўрмайсизми, олдингдан оққан сувнинг қадри йўқ дегандай Ла’лихоннинг ша’нига бир гап айтиди, ҳамманинг тела сочи тикка бўлди.

Фанижон ўша мажлисда айтиб юборган бир оғиз гапи учун озмунча та’налар эшитмадими, қаерга борса, самоварда ҳам худди шу тўғрида гапириб уни мулзам қилишади. Унинг назарида ҳатто районда ҳам, областъда ҳам одамлар хотинлар ша’нига тұхмат қилган Фанижон ҳақида ғазабланиб гапираётгандек туюларди.

Фанижон нима қилишини, кимдан уэр сўрашини билмас эди. Шу куни у йўл устида яна Бодомхолага дуч келиб қолди.

— Сени Ойнисанинг звеносига ўтказадиган бўлишди. Ҳозир партком опанинг олдиларига борар эмишсан.

Фанижоннинг жони-пони чиқиб кетди. У Ойнисанинг звеносига ўтгани учун эмас, ҳозир партком секретари унга нималар дейиши ва яна ўша хижолатли бир оғиз гап тўғрисида уни сиқишириши ҳақида ўйлар эди. Фанижон юраги бетламай идорага кирди. Партиком Хайринисо опа телефонда гаплашаётган эди. У „Йўқ, йўқ бўлмайди“ деб трубкани шақ этиб жойига қўйди.

„Оббо, жаҳли чиқиб турганда рўпара келиб қолдимку“
деб ўйлади Ганижон.

— Келдингми, қаёқда юрибсан, раис опа сенга ҳечнарса демадиларми?

— Жон опа, тавба қилдим, Энди ўша гапни сиз ҳам қайтарманг. Билмасдан оғзимдан чиқиб кетган экан. Хижолатман.

— Аввал гапга қулоқ солгин, сени Ойнисанинг звеносига ўтказдик. Правление шунга қарор қилди. Хотининг — раис опа ҳам рози бўлдилар. Шуни айтмоқчи эдим халос.

Ганижон ўрнидан туриб хижолат бўлгандек дўпписини чаккасига тушириб бошини қашлади.

— Э, хайрият-э, партком опа чақирайпти деса жонипоним чиқиб кетиптия. Мен яна ўша гапни деб ўйловдим.

Хайринисо опа гўё ўша кундаги мажлисда Ганижоннинг айтган гапини эшитмагандек, ҳозир ҳам Ганижон нима учун хижолат чекаётганилигини билмагандек унга савол назари блан қаради.

— Опа, кечирасиз-да, янглишиб бир подонлик қилиб қўйдим...

...Ганижон эгарга қийшиқ ўлтириб аравадаги звено бошлиғи Ойнисага гап уқдириб борар эди.

— Битта гапимга кирсангиз ғўзаларнинг тагига силитр солиши керак. Этакдаги ғўзалар сал ўсишдан қопти. „Файрат“дан текшириш бригадаси келар эмиш, раис опани хижолатга қўймайлик.

Хумга сув солаётган Ражаббобо Бодомхолани туртди. Бодомхоланинг жаҳли чиқиб кетди.

— Сизни нима жин урди, нега биқинимни ушлайсиз?

— Анавини қара дейман, анавини.

Бодомхола ўгрилиб қараган эди Ганижоннинг от миниб аравада иссиқдан бўртиб кетаётган Ойнисага мулоҳимлик блан гап ма'қуллаётганини кўрди.

— Дуруст-дуруст, эси кириб қопти-ку. Ишқалиб энди айнимасин-да.

— Йўқ-йўқ, асло айнимайди. Кўр хассасини бир марта йўқотади. Кеча далада чунонан чеканка қилаяптики, бамисоли уста сартарош ғўзани попратка қилаяпти деса бўлади.

Ражаббобо ҳузур қилиб кулди. Бодомхола эса илжайди.

В. В. МАЯКОВСКИЙ

ЖУДА СОЗ!

(ОКТЯБРЬ ДОСТОНИДАН ПАРЧАЛАР)

Шу йил, июль ойида туғилганига әллик беш йил түлгән буюк совет шоири В. В. Маяковский ўзининг оташин поз-эясида совет халқининг ўлмас файратларини, социалистик Ватанимизнинг улуғ ша'нини, большевиклар партияси ва унинг йўлбошчилари тўғрисидаги чуқур муҳаббатни куйлаган ажойиб сан'аткордир. Узининг машҳур достони бўлмиш „Жуда соз!“ (Хорошо!) асарида Маяковский, контрреволюцион вақтли ҳукуматга қарши, большевиклар раҳбарлигига қўзғолон кўтарган ишчилар, матрослар, солдатларнинг ва уларга эргашган деҳқонларнинг кайфиятини ҳамда галаёнларини тасвирлаб, кишилик тарихида янги давр очган Октябрь революциясининг оламшумул ғалабасини куйлади. Биз бу ерда бу достондан бирнечча бобини ўқучига тақдим этамиз.

6

Октябрьда
есарди
одатий еллар,
Капиталда алдашлик
одат бўлғандай,
Троицкий ортида
тўлғониб чопар
Трамвайлар,
автолар
издан пайдарпай.
Кўприк ости оқади —
Нева дар'ёси,

Бунда

Кронштадтли матрослар
сузар,

Эшитилар милтиқнинг
сўзи — садоси,

Бу садодан Қишиш қасри
тезда қарсиллар.

Яширианиб
Девонавор автода ожиз, —

Қочар эди
омонат бир юкдай
хомуш

Гатчинадан чап бериб
у собиқ раис¹:

— Бош кўтарган қулларни
лозимдир
кирш!

Сийрак юлдузлар кўзи
кўрап
даф'атан —

Қишликни² ўрамоқда
аскар халқаси,

Миллионний кўчада,
казармалардан

Кексгольмчиларнинг³
юрар тўдаси.

Смольнида
чехраси гринли
Ильич

Қўшин ва жанг фикрида
тез-тез қадамлар.

Подвойский⁴
харита олдида бетинч —

Ҳужумнинг жойларига
байроқча
тикар.

— Ҳукуматни,
яхшиси,
ўзинг ташла кет,
Иложи йўқ, барибир
ишларинг ёмон!

¹ Керенскийга ишора.

² Қишилик — қишилик сарой.

³ Кексгольмчилар — чор қўшинида ҳарбий бир қиси.

⁴ Подвойский Н. И. (туғ. 1880) — эски большевик, Октябрь кунлари-даги қўзғолоннинг ташкилотчиларидан бири.

Ишчи маҳаллалардан
келар кетма-кет
Кизил гвардиячилар
Кишилиққа томон.
Ишчи,
матрос,
йүқсуллар қаторма-қатор
Құлларида наизаю-тиғ ялтиратар.
Гүёки
Киш қасрининг бўғзида тамом —
Барча қўллар қовушар,
сиқишар ҳомон.
Ғудайиши
титровчи икки зўр соя,
Пешонага дуч келди бўлак пешона.
Панжаралар бармоғин
қилиб дастмоя —
Аламонни
бўғмоқчи бўлди кошона.
Сур'атлардан,
ўқлардан поясма-поя
Чайқалишиб титрарди икки зўр соя.
Синаёткан суякдай қарсиллаётар
Сира тинмай пулемёт-ўқ питир-питир.
Павловчилар¹ зерикди
кўп тургач бекор,
дўнғиллашар: — „Ҳазилми энди сиёsat?
Бизга тенгми у тентак бочкарёвчилар²
Бир бўюрса ҳужумда солурмиз даҳшат!“
Чалкаштириди
соялар икки панжани,

¹ Павловчилар — реакцияни қувватловчи гвардия полкларидан.

² Бочкарёвчилар — Керевский томонида турган ва ёллардан тузилган батальон.

Хечким
бу панжаларни ажратмас, уэмас,
Тўзаолмай жимлика
зайфнинг тани,
Ваҳмаланиб кетарди ожиз, бенафас.
Дастлаб бўлиб безовта, қўрқиб бу ерда
Кампирлар батальони кетди дарбадар.
Кетди батареядан соат ўнбирда
Константинчи¹ ва ёки михайлловчилар...²
— Керенский хилватда!
Топасан энди!
Ўйлашарди казакнинг калладорлари,
Гүё тароқ тишлари синиб тушганди,
Сийраклашиди Қишлиқнинг соқчи аскари.
Жуда узоқ чўзилди бу хомушлик дам,
Умидворлик ҳам бунда, умидсизлик ҳам.
Қишлиқ саройда бўлса зийнатли уй бор,
Креслолар дастаги нақшин бронза,
Министрлар ўтирмиш бунда ҳам қатор,
Тарошланган бетлари барчаси тоза.
Уларга на қараш бор, на қулоқ солиш,
Улар сўнгу ўрмони ичра бир тутқуи,

¹ ва ²—чор қўшинидаги имтиёзли полкларнинг номлари.

Пишган ноклар сингари
Барча етилмиш,
Бир қоқылса
түкилиб кетгай
бусбутун.
Онда-сонда пичирлаш — овоз,
Имо блан
гап кетар бир оз,
— Керенский қаерда экан? —
— Казак олиб келгани кетган! —
Яна ўрта тамом жимлик, лол,
Лекин,
кечга бориб бир савол:
— Прокопович¹ қаерда экан?
— Прокопович... Бедарак кетган!
Аммо,
Николаевский күпригидан паст
Күрғошин ранг сувларнинг
кетидан фақат
Қарар эди
ажалдай
совуқ, серғараз
„Аврора²“нинг
пўлотвор
бурчи
бешафқат.
Шу онда яқосидан
кўтариб бошин —
Коновалов³ баландга
бир кўз ташлади,
Хозиргача
булоқдай оқучи
товуш —
Энди
селоб бўлди-ю қайнайбошлади.
Бу новчабуй ким экан?..
Е тераклардан
Деразанинг
шишасин
шақиллатган ким?
Йўқ, йўқ,
бу уч дуемли замбараклардан

¹ Прокопович С. Н.—1917 йилдаги Вақтли ҳукуматда аввало савдо ва саноат, кейинча эса—захира министри.

² „Аврора“—Октябрь кўзғолонида большевикларни ёқлаган революцион крейсер.

³ Коновалов А. И. — йирик капиталист, Вақтли ҳукуматда раис ўринбосари.

Петропавлов портлари
шарақлар балким...
Юқорида —
гүёки
зўр шаҳар портлар,
„Аврора“нинг тўплари
„бах-бах“ бовуллар.
Ғувиллаб
олов-ўқлар
ҳавода ёнар,
Ерга әнди сочилай
деганда
балки

Петропавлов устидан
юксалди фонар,
Бу — қўзғолон дегани,
шартли бир белги.
— Йўқолсин!
Хужум!
Олға!
Босайлик, ҳужум!

Киришдилар.
Гиламлар устидан тошиб,
Ҳатто ҳарбир зинада
бўлишиб ғужум —
Юришарди,
юнкерлар устидан
ошиб.

Гўёки,
хоналарда тўлиб тошди
сув,
Оқар әди
аломон
бериб қурбонлар.

Худди қиём чоғидай
қизишган
қий-чув,
Бунга гувоҳ деворлар,
ҳамда девонлар.
Бу даҳлизда шоҳларга
албат бир маҳал
Тожлар тутиб
бож бериб

Бўлмиш табриклар.
Энди босиб
залларда
мармару бахмал —

Тақиллайди
құндоқлар,
құпол этиклар.
Мана,
құлга тушгани
жижил итбачча,
Путыловчи
сүйлайди
унга мәхрибон:
— „Үғирлаган соатни
чиқар қүй,
үғлон,
Чунки, ҳозир
бизника
соатлар, барча!“
Зұрайиб борар әди
оёқлар зарби,
Үн уттани¹
қамради,
супурди,
сурди.
Галстукка
бошлари тиқилиб кирди, —
Гардонларга
болталар
үқталған каби.
Иккى юз...
Энди ўттуз...
Йигирма одим...
Чопиб кирди
бир юнкер:
— „Низо“ ақмоқлик!^{*}
Үн уч овоз чийиллар:
— „Биз таслим!
Таслим!“
Пүстүнларга,
шинөльга
әшик түлган лиқ...
Бу сукутга
сүқилди
түсатдан товуш
Янграган,
ҳадуксиз
йүғон бир садо:

¹ Үн учлар — Вақтли ҳукумат кабинетининг үн уч а'зоси.

— „Ким бу ерда вақтликлар¹?
 Қани таҳтдан туш!
 Ҳаммангвинг вақтиларинг²
 бўлибди адо.“
 Смольнида
 аламон
 кериб кўксини
 Хабарларга
 чиқарди
 қўшиқла пешвоз,
 Бирга айтиб:
 „шу бўлур“³
 деган сўзини,
 „Энг сўнгги“⁴ни
 жўр бўлиб
 куйлашарди соз...
 Саҳарга қолган эди
 бир газчалик йўл,
 Шарқдан
 нурлар кўтармиш
 ибодатга қўл.
 Машинага ўтириб
 ўртоқ Подвойский
 Ҳорғин деди:
 „Иш битди...
 маршрут эски:
 Смольнига сур!“
 Юракда ҳузур!
 Ортиқ тинди пулемёт.
 ишлар бопланди.
 Визилловчи
 арилар — ўқлар
 жим бўлди,
 Найза учи
 юлдуздай ёнди,
 товланди,
 Осмоний юлдузлар
 пойлоқда
 сўлди.
 Октябръда эсади
 одатий еллар.
 Кўприкларда
 рельслардан очиб из-йўллар

¹ ва ²— „Вақтликлар“, я’ни Вақти ҳукумат а’золари. Иккинчи ма’-
вода „вақтиларинг“, я’ни муҳлатларингиз ма’носида.

³ ва ⁴— „Интернационал“ гимнидаги машҳур нақаротвинг сўзларидан.

Трамвайлар
юришин қиласы давом,
Социализм даврида
бошқа бир айем.

Шундақ келган күнларнинг
шу кече чори,
Елғизликнинг түйгүси
дилдан сүғрилар,
Күчаларда
соялар жимлик ўртоғи,
Учар фаят шоирлар ҳамда ўғрилар.
Хаволар гира-шира,
дун'ё соязор.
Осмон мовий.
Гулханлар тепаси —
кулранг,
Тагидан портлатилган
қайиқдай
ночор,
Петербург
ботиб кетди
сувга ҳангу-манг.
Гангирапкан
оташин қуюнлар аро
У қоромтил соялар
солиб суронлар,
Чор атрофдан
келарди
эсга дубора —
Муттасил ғув этучи
илдам бүронлар.
Гира-шира күланка —
үзи
сүв янглиғ,
Зотан
Мовий фазонинг
йүқ ниҳояси.
Яна
шунинг устига
мисли кит-балиғ
.Аврора"нинг
қўққайган базўр жуссаси

Майдондан қирқиб ўтди
Эпчил пулемёт,
Дар'енинг қирғоқлари—
Бўмбўш ва хилват,
Гулханларда
Кеккайиб ловиллайди
Ўт—

Бир чеккада,
Кўп қуюқ сояда фақат.

Ҳароратдан шу тупроқ
Бўлмиш ёпишқоқ.

Курқанидан
Ё қўли музлаганидан,

Ёки
Бунда тасалли излаганидан—

Бир гулханнинг ёнида
Яппа·ялғуз зот,
исинар солдат.

У солдатнинг
Кўзида акс этди
Олов,
Сочида ялт этди нур,
Оқарди билак,
Хайрон бўлдим,
Мен уни танидим
Дарров:

— қалай, саломатмисиз
Александр Блок¹
Омад футуристларда,—
Эскирган камзул —
Сўкилиб бораётир
Чоклари
Нуқул.

Блок боқди
Гулханга
Ўйланиб бироз:

Деди: „Жуда соз!“
Кўрдимки, чоратрофда
Чўқиб боради,

Блокнинг Россияси
Оғир, агадий...

Унинг севган олами:
„Нотаниш хоним!“
„Шимол ёқнинг дудлари“²
Бариси бугун

¹ Блок А.—(1886—1921) — машҳур рус шоири.

² Тирнок ичига олинган бу сўзлар Блокнинг символистик даврида яратган севимли образларидир.

Гүё консерв қутисин
синифидай жим,
Денгизларнинг
тубига
ботарди бутун.
Бирдан юзи
саррофнинг юэидай хасис,
Тўй чоғида ўлимдай
бўлди кўп ма'юс:
„Кишлоғимдан
хат олдим...
Езадиларки...
Ўт қўйишиб... Ёқибти... Кутубхонамни...“
Блок телмуриб қолди —
унинг сояси
Бир деворга
суялиб қаққайди роса...
Гўёки,
интизорда
ҳар иккаласи
Балки,
сувдан қадамлаб
келур деб Исо...¹
Аммо,
Масиҳ² келмади
Блокка тамон.
Блок кўзи қайгули,
ғамли — киприклар,
Исо эмас,
қўшиқлар айтишиб ҳамон—
Келди бурчак·бурчакдан
асл тириклар.
— Қалқинг!
Қалқинг!
Кўзғолинг!
Эй батраклар,
ишчилар!
Кўлларга
милтиқ олинг
Болғачи, ўроқчилар!
Байроқ — авжга!
Иўқсул — тур!
Душман — разил!
Ёвни — ур!

¹ Блок, ўзининг сўнгги асарларидан бири бўлмиш „Ўн иккилар“да социалистик революцияни ижобий равишда қабул қилиш блав бирга Исо пағамбарнинг образини ҳам яратган.

² Масиҳ — Иосиф лақаби.

Нон ва эрклик,
сулх учун —
Аямасдан
бер күчингі
Заводни
буржуйдан
ол!

Ер — тупроқни
бойдан
ол!

Кураш учун
майдон
ол!

Эски йүқөл
Эй номард!
Бойни ур қол —
Шартта — шарт!
Елкаларда итоат
Қуллуқ қилмоқ
бас, етар!

Капиталга
сол даҳшат,
Дирилланг
Эй зар тожлар!
Қорин ёғи
эрисин —
Дорларнинг хатаридан,
Текинхўрлар
чирисин —
Үллимнинг бадтаридан.
Шартта — шарт
Портиллат!!
Қайта-қайта куйланиб
бу янги қўшиқ
Кар деҳқонлар
эшилди
бу куйни ҳатто,
Қишлоқлар ҳам қўзғолди
баҳам,
қаришиқ

Йўлга чиқди
болтага
беришиб фатво.
— Ердорлар
иши
чиқ —
ка,

Пи чоқ
тиқ
по —
меш —
чикка!

Энди
жа —
ноб
по —
меш —
чик,

Шара —
баранг
о —
лаб
чиқ!

Чик,
май —
дон —
га
оч —
юпун,

Яланг
баш,
яланг
оёқ,

Қайра
болтангни
букун,

Күттар
чалғи ва
ўроқ!

Нимаси
кам
Нинамни?

Ўзлари
ойимтилла,

Торт
уйга
пианинони,

Грамафон,
соат-ла!

Я
қин
ке —
линг
палвонлар!

Бұлсın:

торож-толонлар.
Қозық блан кутыб ол,
Хаскаш блан
йүлга сол!
Стенъканинг¹ Пугачевнинг²
Ишлари оловлансы!

Биз, бойларнинг құрасин
Пачақлаймиз барисин!
Хурозни³ құйиб юбор!
Паншахани баланд тут!
Хай, ўч — магин,
әниб бор,
Жоним хұ — роз,
олов ют!
Энди унга хеш шайтон⁴!
Каллалар — карам боши.
Тачанкадан бетүхтам —
Еғар үтли құрғошин!
— „Оппоқ олмам,
асилсан,
Сутдай оқсан кесилсанг.
Үнгдан оқقا тиғ суфур,

¹ Стенъка Рязин (XVII аср) жә ² Е. Пугачев (XVIII аср) революциондердекі қарқатининг раҳбарлари

³ Деңқон құзғолоналған чөғларидан әнгия символи (белгиси).

⁴ Деңқонларнинг стихиялы қарқатидан тұпалонга ишора.

Чапдан қизилларни ур!"
Фикрларда, ишларда ҳархил уюрма,
Қурилишлар, ёнғинлар қаришиқ тамом,
Партия бу кучларни тийиб қўлида
Сафга тизиб бошларди мақсаддаг томон.

M. ШАЙХЗОДА таржимаси

ЙҮЛМИРЗА

ШЕ'РЛАР

ЙҮЛЛАР

Йүллар узоқ әди, йүллар бепоён,
Ваҳимага чўмган яйдоқ саҳролар.
Яйдоқ саҳроларда беюрт, саргардон,
Кезди яёв, юпун бизнинг боболар.

Йүллар узоқ әди, қоронғи, туман,
Эл қўниқ тополмай ютарди зардоб,
Қумларни кўтарар қаҳрли бўрон,
Йўллардаги азоб — гўрдаги азоб.

Йўллар узоқ әди, сўрар әди жон,
Қумларнинг қа'рига ботди карвонлар.
Қумларга қувланган әди беомон;
Элизмининг қалбидা ётди армонлар.

Иўллар узоқ әди ва мудҳиш әди,
Хар фарсаҳда тузоқ, ҳар фарсаҳда гов.
Боболар қисмати қора қиш әди,
Дўзах азоблари ва қонли қуршов.

* * *

Қора туманлардан ва қуршовлардан
Ёруғ сочди бизга Ленин қуёши.
Сталин омон олиб чиқди ойдинга,
Октябрьдир ёруғ йўлларнинг боши!

Дардга даво бўлди янги замонлар,
Ёруглик юртимга ейди кенг қулоч.
Ёруғ йўлга тушди әркин инсонлар,
Кечаги қул, чўри, гадо, юпун, оч.

Ватанинг суюкли ўғлининг бири,
Катта йўлга тушди Қорақалпоқ ҳам.
Ёруғ бу йўл боши, ёруғ охири,
Бу йўлга тушганлар бахти чинакам!

* * *

Шодлан, Қорақалпоқ, бахтиёр халқим,
Очиқдир, ёруғдир, шонлидир йўлинг.
Эллар сенга қардош, мададкор, халқим,
Етмас муддаога етолди қўлинг!..

ЁРУҒЛИК...

Ильич чироқлари ёнар ярқироқ,
Саҳрони сартопо қучгандай нури.
Шу'ласи бағишлар сулувлик ва шон,
Ёрги йўлларда жонлар ҳузури.

Нурдай ярқиради халқнинг кўнгли ҳам,
Йўллари ёруғ бўлди мисоли кундуз.
Ерга агар нина тушса топилар,
Кашта тиксанг бўлар чизиб гулдан из.

Ёруғда товланар нақадар сулув:
Тепалару, қирлар, элим сэхроси;
Ярашди узукка кўз солган янглиф...
Жонга ёқар ёруғ туннинг ҳавоси.

Ёруғда товланар нақадар сулув,
Ҳар ённи ўрамиш гүё кундузлар,
Ёруғлик селининг барқ уришидан
Кўкда таслим бўлди ёруғ юлдузлар.

Юлдузлар не, ҳатто таслим бўлди ой,
Йўқ бундай му'жиза эл эртагида.
Кўринар нурида олис олислар,
Ўйнашган балиқлар кўлнинг тагида.

Ильич чироқлари ёнар ярқироқ,
Нур қўйнида шаҳар кўчалари ҳам.
Ёруғликка улашали ёруғлик,
Таслим бўлди саҳро кечалари ҳам.

Нур қўйнида Қорақалпоқ ерлари,
Нур қўйнида қишлоғ, кўкламлар, ёзлар.
Тоғдан ларzon берган янглиф янграйди
Ёруғликни маҳтаб чертилган созлар.

Ёруғ йўл маш'али бўлди ёруғлик,
Халқим эга бўлди учмас чироққа.
Қоронғулик қочди менинг юртимдан,
Қоронғулик қочди мангу йироққа...

ТАМОШО

Ёруғ тун қўйнида шодон эди халқ,
Тўпланиб келганди барча майдонга.
Садо солар эди созлар, қўшиқлар,
Жонбахш кўйлар оқар эди ҳарёнга.

Ёруғ тун қўйнида шодон эди халқ,
Бунда: кўнгилларни ишқ ёқишилари.
Бунда чечакларнинг ангқийди атри,
Бунда: юлдузларнинг им қоқишилари.

Бунда: қўлтиқлашган ошиқ ва ма'шуқ,
Қизлар, келинчаклар, элнинг чоллари.
Бунда: балиқчилар, пахтакорлар бор.
Бунда: ёз туининг тинч хаёллари...

Бунда меҳнат әрларининг йигини,
Бунда: озод элнинг шодумон саси.
Бунда: кўнгиллардан тошар туйғулар,
Бунда: ғолибларнинг қувноқ давраси.

Ўртага чиқади гўзал сан'аткор,
Овози булбулни әткудай мафтун.
Ҳушини йўқотиб тинглар уни эл,
Ҳушини йўқотиб тинглар ёзги тун.

— Камол топ! Ҳа, соғ бул! Кам бўлма, асло!
Чапаклар мазмуни — эл олқишидир.
Бу хушомад эмас, бу юрак сўзи,
Бу тоза севгининг қалб ёқишидир...

Ўйинга тушади сан'аткор бу гал,
Оҳангга жўр ўрилади чапаклар.
— Тағин! Тағин! деган товушлар янграп,
Қиз устига ёғилади чечаклар

Бу гал ўйнаб туриб куйлайди лапар,
Бу гал авжга минар инжа сан'ати,
Юзларидан ёғар ёшлиқ, гузаллик.
Бу гал тағин ошар унинг ҳурмати.

Нечун бунча янгроқ бу қиз овози?
Нечун мунча гүзәл ва шұх үйини?
Бунчалик сан'атни қайдан ўрганмиш?
Қайдан олмиш бу әқимлиқ күйни?

Нега ол юзидаң қочолмас күлгү?
Нега икки юлдүз ёнар күзларда?
Нега барқ уради ойдайин жамол?
Нега мазмун тошар учған сүэларда?

Ха, биламан! Бу ғам билмас сан'аткор,
Бахтиер әлимнинг эрка қизидир.
Унинг ҳар қўшиғи — әлим қўшиғи,
Унинг айтган сўзи — әлим сўзи.

Бу шундай бир баҳтқи, ололмас ҳечким,
Куйласа арзийди бутун жаҳонга.
Бу шундай бир баҳтқи, әртакларда йўқ,
Бир сўзи татийди катта достонга.

Шунинг учун эл ордоқлар ўз қизин,
Олқишиларга, этиборга арзийди.
Шунинг учун қимматбаҳо бу сан'ат,
Бундай сан'ат ифтихорга арзийди.

Шунинг учун эл баҳтидан шодумон,
Бу шундай соз замон, бу шундайин вақт!
Шунинг учун қиз сан'ати му'жиза,
Бу улуғ Сталин берган битмас баҳт!

ОЙДИН ЙЎЛ

Асов нордай маст әди чўл ёз чоги,
Оғзидан сочарди ёлқин кўпиклар.
Эрта куздан ўз аслига қайтилти,
Чўккан нордай тинч кўринар уфуқлар.

Чунки, бандга тушди асов ва маст нор,
Уркачидан эса чиздик чўнг чизиқ.
Бу — анчайин чизиқ әмас, ажойиб,
Тарих тамғасидай мазмуни қизиқ...

Бу чизиқ жой олур хариталардан,
Халқим меҳнатининг белгиси бўлур.
Янги темир йўл-ку, дерлар кўрганлар,
Ватандошлар кўнгли қувончга тўлур.

Дерлар: бу аңчайин мұ'жиза әмас.
Дерлар: ҳа, чинакам чекинипти чүл.
Дерлар: бу халқ авлодига қурипти
Ажойиб, чиройлик, ёруғ, ойдин йўл...

Йўл ёқалаб қанча шаҳар ва қишлоқ,
Заводлар ёяжак кўкка тутунлар.
Экинзорлар яшиаб ётар бепоён,
Узоқ әмас, узоқ әмас у кунлар!

Аму дар'ёга ҳам ургаймиз юган,
Даҳшат солмас элга қора ўпқинлар.
То оролга қадар ёқамиз чироқ,
Узоқ әмас, узоқ әмас у кунлар!

Борса-келмас даштда конлар очилур,
Бир-бир ечилајак асрий тугунлар,
Қорақалпоқ ери шу қадар бойки...
Узоқ әмас, узоқ әмас у кунлар!

„Оқ Бўгат“, „Шумоной“, „Гулдирсин“, „Қирқ қиз“,
„Қизил Қола“, „Тумон Қола“— кенг макон,
Сувга қонар, бояғ-роғға ўралур,
Қорақалпоқ бўлур шундай ободов!..

Эртаги кун шундай порлоқ, шундай кенг,
Ери чексиз, тошқин, давлат мўл.
Дерлар: бу халқ бекор қурмағти экан —
Эртаги кун учун ёруғ, ойдин йўл.

МИРТЕМИР таржимаси

ЮСУФЖОН ҲАМДАМ

ЛОЛАХОННИНГ ЗВЕНОСИДА

Олмос кетманларда экс этар қуёш,
Меҳнатдўст билаклар қорайган анча.
Шула'ли юзларда тер доналари
Лолахон бир әмас қарангиз қанчал..
Эгатга ярашган қадди — бўйлари,
Чуқур чопадилар роса кетманлар,
Буйруқдай ким ўзар иш шиорлари,
Юракдош, меҳрибон чин меҳрибонлар.
Мирзачўл ерида ҳосил ўстириб,
Олий унвонларга сазовор қизлар.
Меҳнатдан шуҳрати тарқалиб баланд,
Юзлари ёруқ юз—порлаган юзлар..
Мирзачўл эскидай қамишзор әмас,
Кўнгилга хуш келган катта пахтазор,
Очилган қўриқни обод қилишда
Лоладай қизларнинг зўр ҳиссаси бор!..
Ишга меҳрин қўшган колхоз қизлари,
Сизга қанча қўшиқ бағишласам кам,
Ишдаги дўстликнинг ҳикояларин,
Сизлардан эшитдим унитилмас дам.
Қаҳрамон пахтакор асл қизларнинг
Фикрида-зикрида серрақам центнер,
Чўлларда мўл ҳосил ўстираолган,
Шу чевар қизларга әл офарин дер.
Қўлинг дард кўрмасин деганларидаёт
Ўстирган ғўзангиз тизза бўйича.
Кўриб кўз қувнайди маҳтавга арзир,
Меҳнат баракали, то йил бўйича
Олмос кетманларда экс этар қуёш,
Меҳнатдўст билаклар қорайган анча,
Шула'ли юзларда тер доналари,
Лолахон бир әмас, қарангиз қанчал!

7.VII-1948 йил

МАННОН ФАНИ

ЗВЕНОВОЙ

Райим бугун шошар далага,
Гүё кимдир унга интизор.
Ғұзасига суқланиб бокар,
Туни бўйи бўлғандек хуммор.
Мана кўринг кўм-кўк бепоён,
Ғўзалари ўсан ва бўлуқ.
Эшитилар олис — олисадан,
Холпош, Ойша кўйлаган қўшиқ.
Яроқлади куннинг тигида,
Ер бағрига урилган кетмон,
Упа бўлиб кетган тупроқлар,
Ғўзаларга бераётир жон.
Қўш тинади, аммо у тинмас,
Ҳар туб гўза жони ва тани.
Пахтазорда уни синайди —
Бағри улкан она ватани.
Уялади бултурги ишдан,
Тўлмаганди плани пича,
Қизигида босар темирни,
Бу йил унинг иши янгича.
Тер тўқади, қўл қабаради,
Кун тифида иш әмас осон,
Бой бермайин дейди бир кунни.
Фаниматдир унга ҳарбир он.
Иш завқида толма, чарчамай,
Ғўзаларни қилас парвариш
Тарихини ясар әртанинг,
Ҳал қилучи шу бугунги иш.
Ҳурмат қилас каттаю кичик,
Ўз ишининг билади тилин,
Райимбойнинг иши жойида
Бу йил маҳкам боғлаган белин.

ПҮЛАТ МҮМИН

ФАЛЛАКОР КОЛХОЗДА

Очерк

Фаллаорол район комсомол комитетининг секретари Каримов блан унинг кабинетида турли янгиликлар ҳақида гаплашиб ўлтирас эдим. У менга Ленин номли колхозга боришимни таклиф қилди. Мен ҳам ма'қулладим. Бу колхознинг та'рифини эшитганман. Фалладан мўлҳосил етказганлари учун бу колхозда мукофотланганларни ҳам биламан. Бир-кандча вақтдан кейин, кабинетнинг эшиги очилди. Эшикдан йўғон гавдали 44—45 ёшлардаги бир одам келиб кирди. У, мен блан ҳам сўрашди.

Каримов гап бошлиди:

— Қалай, ишлар дурустми, Даврон ака?

— Жойида, ёмон эмас. Арпа ўриминитугатай деб қолдик.

— Қачон энди, яқинми? Ё бўрдамга чиқайликми?

— Бир-икки марта ёрдам бериб келганимидиларинг, деб кулди ҳалиги одам. Бу киши Ленин номли колхознинг раиси Даврон ака эди. Даврон ака анча суюги йўғон, гавдали одам. Кўринишдан содда кўринса ҳам гап сўзи пишиқ ва аниқ. Кўзи тийрак ва ўзи зийрак эди. Мен блан олдин сўрашганда ошна-оғайнилардек самимий сўрашганда.

— Қалай ўғлим, бизнинг районлар жойидами, зерикиб қолмадингизми?

— Одам бор жойда одам зерикмайди,— дедим.

— Албатта, шунчаки айтаман-да. Тошкентлар жуда ўзгариб кетгандир, жуда гавжум бўлса керак. Бу шаҳар жуда Масковча шаҳарда, бизнинг бўйерлар ҳаммаси қир, дала, кўпчилиги буғдоизор — деб ўз ерини ё мақтади, ё камситди. Мен буни, унинг сўз оҳангидан ҳам, ма'носидан ҳам аниқлай олмадим. Шундай бўлса ҳам бу ерларнинг азиэлигини кўрсатиш учун ҳаракат қилдим:

— Даврон ака дейман, ҳамма нарсаннинг ўзига яраша ҳусни бўлади да. Тошкентлар ҳам ўзичаяхши. Мана Фаллаорол бўлса, ўзича, чиндан ҳам ғалла ороли экан. Халқимизнинг оппоқ нонлари шу ерларда етилади. Шунинг учун ҳам бу ерлар жуда аэз ва қимматлидир. Айниқса бу ердаги кишилар ҳамманинг ҳурматига лойиқ.

Менинг гапидан Даврон ака мамнун бўлиб кетди, хурсандчилиги унинг кўзидан, ўлтирган ерида бир қимирлаб қўйганидан билинди. Даврон ака ундан кейин Каримовга бир қараб қўйди.

— Уёқ-буёқдан анча суҳбатлашиб ўлтирдик. Каримов Даврон акага менинг колхозга нима учун чиққанимни ва колхоз ишлари блан танишишга қизиққанлигимни айтди. Ташқарига чиқдик. Даврон ака қаёққадир кетиб 10 минутча ўтар-ўтмас от олиб келди. Ёнида кўк той минган 45 ёшлардаги қораочароқ одам ҳам бирга келди. Кейин билишимча, бу одам Ленин номли колхознинг чорвочилик мудири Холмурод Одилов экан. Мен шу одам блан ҳамроҳ бўлиб колхозга жўнадим. Даврон ака районда озроқ иши борлигини ва буни тезда битириб боришлигини айтди.

Холмурод ака оғир, камгап, ўйчан одам экан. Йўл-йўла-кай гаплашиб кетдик. Иккаламиз кўпроқ қолоқ колхозлар ҳақида гаплашардик. Қишлоқ советидаги қолоқ колхозлардан ҳасрат қилиб қолди у. Қолоқлигининг сабабини сўрадим. Холмурод ака бу ҳақда билганича айтиб ўтди. Иккаламиз анча йўл босиб қўйдик. Биз кетаётган кўча катта тош йўлга туташгандан сўнг, сал юриб чойхонага етдик. Чойхонанинг ёнида Фаллаорол қишлоқ советининг идораси жойлашган ёкан. Холмурод ака отдан тушиб, қишлоқ советининг идорасига кириб чиқди. У блан бирга қишлоқ советининг раиси Тўлонбой чиқди. У ҳам биз блан ҳамроҳ бўлиб олди. Тўлонбой Одилов „Нурли қуёш“ колхозига бораётган экан. Холмурод ака ундан у колхоздаги ишларни, ўрим-ийғимнинг қандай бораётганини сўради.

— Қишлоқ советдаги колхозлардан, — деб, гап бошлади Тўланбой, — Ленин колхозининг иши тузукроқ. Мана Чкалов колхозининг ғалласи яхши бўлсаям пахта чопигининг мазаси йўқ. „Нурли қуёш“да бўлса ишга чиқмаётганлар кўпайиб қолди. Нега бундай деб сўрасак, ғалла яхши пишсин, ундан кейин бира тўла ишга ёпирилиб чиқамиз дейишади. Ишқилиб, ҳаммасининг ўзига яраша қамчилиги бор.

Тўланбой блан анча суҳбатлашиб борганимиздан кейин, у „Нурли қуёш“ колхозига бурилиб кетди.

Биз йўлда давом этдик. Холмурод ака:

— Бу йигит бизнинг колхоздан. Ўзимиз тарбиялаганмиз, анча иш билади, барака топкур жуда эпчили. Колхозма-колхоз юргургани юргурган.

Йўлимиз қир томонга кетган кўчага тушди. Кўча тўқой-

лик ўртасидан ўтган әди. Анча юрганимиздан кейин түкөйлик томон бурилиш олдида, каттагина ариқ келди, отимиз блан кечиб ўтиб яна йўлга тушиб олдик.

— Ўглим, — деди Холмурод ака қўлидаги қамчиси блан ўнг томондаги ерларни кўрсатиб, — Мана шу ерлар бизнинг колхозимизники.

— Мен қарадим, кўмкўк пахтазор кўринди. Пахтазордан юқорироқда пастак девор блан ўралган дараҳтзорга кўзим тушди.

— Холмурод ака, мана бу деворнинг ичи қанақа жой?

— Бу бизнинг боқчамиз, Мана шу деворнинг ичи 9 гектар. Бу боғимизни ташкил қилганимизга уч йил бўлди. Ўтган йили мевасига оғзимиз теккан. Беш гектар ток эканмиз. Иккя ярим гектари бўлса турли мевазор. Ярим гектарига ҳам унчамунча экилган. Боғимиз ташқаридан унча яхши кўринмайди. Аммо экилган нарсаларни жуда яхшилаб план блан экканмиз. Одамнинг қўли гул деб шуни айтадилар-да. Қадимги отабоболаримиз бекорга айтиб кетмаган бундай сўзларни. Мана, меҳнат қилган эдик, мақсадга эришиб қолдик. Колхозимизда жуда янгиликлар кўп. Ҳали қайсибирини ёзишни ҳам билмай қоласиз.

Холмурод ака жуда очилиб кетди. Биз электр сими тортилган ердан ўтканимиздан кейин, Холмурод ака менга қир бағрини кўрсатиб:

— Ҳўв, анави қир бағридаги ўйчага ўхшаб кўринаётган жой — колхозимизнинг электростанцияси, — деди.

— Қачон қуриб олгансиzlар, — деб сўрадим.

— Бизнинг колхоздаги кўп янгиликлар уруш даврида бун'ёдга келди. Бу ГЭСни ўз кучимиз блан қуриб олганмиз. Тўрт йилдан бери қора чироғ еқмайдиган бўлдик. Колхозимиздаги 119 хўжаликнинг ҳаммасида электр бор. Колхозимизни бундан иккя йил олдин телефонлаштириб олганмиз. Ҳаммамизнинг ўйимизда радио вадаванг. Концертларни эшишишга ҳеч бўш келмаймиз. Иппидан-игнасиgача эшитамиз. Қўпчилик уйларда приёмниклар ҳам бор. Буни қарангки, электр станциясининг усталари ҳам ўзимиздан чиқишган. Бизнинг қишлоқлилар бўш келишмайди. Ўспирин йигитлардан Оллоберди Избосаров, Жўрабой Мирзақулов ва яна бир йигитимиз Тошкентга бориб, электрчиликка ўқиб келишган. Бизнинг чирогимиздан кўшни колхозларимизнинг ҳам уйлари равшан. Станциядан нарига кетган сим ёғоч Чкалов колхозига боради. Улар ҳам биздан жуда хурсанд бўлишган.

Гапимизнинг мавзу'и чорвочиликка кўчди.

— Колхозчиларимизнинг пичоги мой устида. Сигири бўлмаган хонадон йўқ. Ба'зиларимизда иккита-учтадан сигир бор. 5-6 тадан бўрдоқи қўйларни айтмайсизми. Колхозимизнинг ўзи ҳам чорвога бой колхоз ҳисобланади. 2 мингга яқин қўйимиз бор. Тоққа чиқариб юборганимиз. Мен тунов

куни тоққа чиқиб келдим. Құйлар дейман роса семириб кетибди. Наң думбасини күторолмайды жониворлар. Бир чүпонимиз бор, барака толкур үз ҳунарига қызықади, шу колхозли Абдурасул аканинг ўғли, оти Қурбон. Колхоз ишига жонини ҳам қурбон қыладиган йигит чиқди. Еши 24-25 ёшларда бўлса керак. Қурбонбой бу йил ўзи боққан қўйларидан 616 та қўзи олди. Колхозимизнинг қора моли ҳам а'золаримизнидан ташқари 150 га етди. Колхознинг 124 та йилқиси бор. Бу йил 21 та сиғиришимиз туғди. 17 та қулин олинди. Йилдан йилга колхозимиз бойиб бормоқда. Колхоз уруш бошланган йилларда анча эсанкираб қолган эди. 1943 йилардан бошлаб ўзини ўнглаб олабошлади.

Биз гап овора бўлиб, идорага яқин келиб қолдик. Отдан тушдик. Колхоз идорасига яқин жойда ҳовуз бор. Унинг бўйида каттакон сада соя ташлаб турипти. Биз гулзор ёнидаги йўлакдан борар эдик. Идорага кираверишда ҳам кичкива гулзор бор экан. Унинг гуллари чамандек бўлиб очилган.

Бизни раиснинг кабинетига бошлаб киришди. Шинамгина ясатилган хона. Унда девон, стол, стул. Деворда ўртоқ Сталиннинг маршал формасида тушган каттакан портрети тўрипти. Кабинетга кирганимиздан кейин, четроқдаги стол да тўлагина бир йигит нималарнидир ёзиб ўтирар эди. У колхознинг бош табельчиси эди. Холмурод ака узур сўраб чиқиб кетди. Мен ҳалиги йигит блан анча суҳбатлашиб ўлтиридим. Идорага 27-28 ёшларидағи озғингина бир йигит кирди. У ҳам бизнинг суҳбатимиэга қўшилди. Кейин билишимида унинг иоми Отабек экан. Утган йил бухгалтер бўлиб ишлаган. Бетоблиги туфайли ҳозир ишламайди. Колхознинг агитация ишларида ёрдамлашиб юради.

Ярим соатча гаплашиб ўтирганимиздан сўнг раис ва колхоз бухгалтери кириб келишди. Мен бў йил Ленин колхозидан мўл фалла ҳосили етказилганлиги учун ҳукуматимиз томонидан мукофотланган кишиларни билардим. Буларнинг рўйхати ён дафтарчамда бор эди. Колхоз бўйича, энг биринчи марта билишимча, Фаллаорол районидаги колхозчилар орасида фалла масаласида биринчи марта Избосар ота Турдибоев Ленин ордени олган бўлса керак.

— Даврон ака, бу Избосар отамизни қандай учратилса бўлади — дедим. Бу гапни айтмасимдан олдин кўнглимда Избосар ота звеносига боришини жазм қилиб қўйган эдим. У одам блан мириқиб суҳбатлашиб, унинг ерларини ўз кўзим блан кўришни, гаплашишни истардим. Даврон ака:

— Мулла, сиз овора бўлманг. Ҳозир от юбориб, Избосар отани қирдан олдириб келамиз. Мана, салқин жой, бемалол суҳбатлашиб оласиз.

— У, киши ишдан қолади. Ҳозирги кун ҳаммамиз учун ҳам ғанимат. У киши блан иш жойида суҳбатлашиб керак, — дедим. Улар менинг бу гапимдан жуда мамнун бўлишиди.

Мен Отабек блан биргаликда қирга чиқмоқчи бўлдим.
Раис ва бошқа кишилар қолишиди.

Отабек иккаламиз иккита от миниб, қир томонга йўл солдик. Ана, пастки-баландликлардан ўтиб, қирга чиқиб бораётимиз. 10 минутча йўл юрганимиздан кейин, қир бошланди. Биз сап-сариқ буғдойзор орасидан ўтган тўғри арава йўлига тушиб олдик.

Олдимиизда уфуқса туташиб кетган ғалла майдони. Бошоқлар ҳар томонидан сидирғасига тебранади.

— Бу йил буғдоиларимизнинг бўйи ўтган йилгидай эмас. Ўтган йил одами нах кўмиб юборар эди. Бу йил уларнинг бўйи паст бўлишига қарамай, унинг мағзи жуда тўқ. Бунақа буғдоининг нони ҳам жуда мазаллуғ бўлади. Сиз бунақа ерларда кам бўлганга ўхшайсиз-а?

— Жуда кам бўлганман. Бунақа бўғдоий қирларида бўлмаганиман.

Отабек биз кетаётган ердан 300 метрча наридаги ҳайдалиб мола босилган қизғиши бир бўлак қирни кўрсатади.

— Ҳўв, анави колхозимизнинг қовун полизи. Яқиндагина қовун, тарвузни экиб бўлдик. Ўша ернинг ҳаммаси 80 гектар. Балки, бу ердан озгина кўринса керак.

— Қир-ку бу ер, сув қаёқдан келади?

— Сувсиз бўлаверади.

— Сувсиз қовун-тарвуз бўлармишми?

— Ишонаверинг. Бунинг ҳам илми бор, бўлади. Ерни уч-тўрт марта чуқур қилиб ҳайдалади, кейин қулинг ўргулсин қилиб мола босилади. Бир ғайрат қилинади-ю, кечаси уругни экилади, ҳайдалган ер кечаси ўзига намликни тортиб олади. Тунда экилган уруғ нам тупроқ блан ўзининг бағрида намликни сақлаб қолади. Шу орқали қовун уруғи униб чиқади. Кейин сугорилмайди, чопилмайди ҳам. Шундай ўзи бўлаверади. Жуда ширин бўладики, асти қўяверинг, наҳ тилингизни ёриб юборади. Ўтган йил анави қирга қовун эккан эдик. Ўша еримиз 92 гектар келиб қоларди — деди ва қирнинг ён томонидаги буғдоий сарғайиб ётган узунроқ қирни кўрсатиб, — ҳар қовунлар бўлдики, ақлинг ҳайрон қолади. 35 килограмм келадиган қовунлар ҳам бўлди. Пишган қовунларни йиғишириб олишда шошиб қолдик. Шу қовундан колхозимизга бир миллион сўмдан ортиқ даромад келди. Мунақа усул бошқа жойларда кам қўллансан керак. Қўлланганда ҳам бундай ҳосил бермайди. Колхозчиларимизнинг ҳар меҳнат кунига 2 килограммдан қовун-тарвуз тақсимланди. Қовуннинг қолганларини Самарқанддаги ишхоналарга олиб бориб, хизматчиларга арzon нарх блан сотдик. Жуда сенже-менже бўлди.

Мен Отабекнинг гапини бўлдим.

— Колхоз а'золари жуда тўқ яшасалар керак-а?

— Эҳҳа, нимасини айтасиз. Колхозчиларимизнинг кол-

хоздан олган бир йиллик даромади 5 йилга етади. Улар ўтган йили ҳар меҳнат кунига 4 килограмму 150 грамм буғдой, 1 килограмму 700 грамм арпа, 400 грамм зиғир, 70 грамм гүшт олишди. Колхозимиз давлат планини ошиғи блан бажарган. 2 минг 114 центнер ғалла топширдик. Давлатга 426 центнер ғалла қарз берганимиз. Бу йил ҳам 2 минг цент нердан ортиқ ғалла беришга аҳдимиз бор. Бу йил 772 гектар буғдой, 80 гектар арпа экканмиз.

Йўлда давом этабетирмиз. Буғдойзор орасидан кетаётган арава йўл тамом бўлиб, ёлгиз оёқ йўлга айланди. Отимиз-олдинма-кетия бораёттир. Бу суқмоқ йўл блан икки қир ўртасидаги чуқурликка тушдик. Кейин кўз олдимиздаги тикка қирга қия, йўл солдик.

Гаплашиб кетаётирмиз. Мўлжаллаган қирга ҳам чиқиб олдик. Бу қирга арпа экилган эди. Арпа жуда пишиб кетса, унинг ялтираши кўзни жуда қамаштириб юборар экан. Отимиз блан қирнинг тепасига арпапояга чиқдик. Бу ерлардаги арпаларни ўриб бўлишган эди. Узоқда чайла кўринди. Отимизни ўша томонга бурдик. Кун жуда исиб кетган. Қуёшнинг нурида баданларимиз эриб кетаётгандек эди. Арпа ўраётгандарга яқинлашиб қолдик. Отабек отини пастроқда тиззаси блан арпа боғини босиб боғлаётган бир одамга томон бурди.

— Ҳорманг, Ҳасан ота,— деди Отабек. У одам арпа боғини боғлаб бўлган эди. Қаддини кутариб қаради:

— Саломат бўлинг, келинглар— деди Ҳасан ота.

— Избосар ота звеноса қаерда ишлайпти?— деди Отабек.

Ҳасан ота кун тифига қараб тургани учун чап қўлини пешонасига саябон қилиб туриб:

— Ҳўв, юқори қирга ўтиб кетишган. Қизил байроқ ҳам ўшаларда. Стакановчасига арпа ўришайпти. Бизлардан ўзиб кетишган,— деди. Бу одам иккинчи бригаданинг а'зоси. Менинг фаҳимимча 50 ларга яқинлашган бўлса керак. Тепасида байроқ ҳилп-хилп қилаётган чайлага кўзимиз тушди. Отабек блан янга илгарига, байроқ томонга, Избосар ота звеноси томон йўл олдик. У блан иккинчи бригада а'золари ишлайдик ерга етиб келдик.

Колхоз бўйича 5 та ғалла бригадаси бор. Ҳозир бешолови ҳам арпа ўроғида. Биз арпа ўраётган эркак, аёл, қизлар, йигитларга „ҳорманглар“ дея илгари кетаётирмиз. Ўроқчиларнинг юзлари янги ёпилган нондек қизариб кетган. Терлашган. Тўртта чайладан ўтдик. Ҳарбир бригаданинг ўзига биттадан чайласи бор. Бешинчи чайлага ҳам етишимизга яқин қолди. Кун тўпотарга яқинлашиб қолган эди. Чайла ёнига келиб отдан тушдик. Қирда юздан ортиқ ўроқчи бор эди. Бир четдан ўриб, боғ-боғ қилиб юмалатиб кетишмоқда. Бўш-бекор турган одам йўқ. Биз чайлага келганда унинг ичидаги 19-20 ёшлардаги йигит нималарнидир ёзиб,

Ҳисоблаб ўлтирад эди. Бизга кўзи тушгач, қилаётган ишини йигиштириб қўйиб, келди, Иккаламиз блан саломлашди. Кўришдик. Отимизни унга топширдик. Ўзимиз ўроқчилар томонга йўл олдик. Отабек ўроқчиларнинг ҳаммасини танийди. Узоқроқда бир чол иштаҳа блан арпа ўради. Отабек менга қараб:

— Ана, Избосар ота шу киши, — деди. Яқинлашиб бордик. Ишлаётган хотинлар, эркаклар, йигитлар дам ўтмай қараб-қараб қўйишаётганини мен сезиб турадим. Уларнинг қандай қилиб ўроқ ўраётганига, бир пастда боғлаб ташлаётганига қизиқар ва ҳайрон қолардим. Отабек блан Ҳалиги одамга яқинлашдик:

— Ҳорманглар-ӯ, ялписига, дедик.

— Саломат бўлинглар! — деб қўйишиди. Избосар ота қайрилиб қараб:

— Саломат бўлинглар! Келинглар, қайси шамол учирди, баракалла, баракалла — деб биз блан қўл олишиб кўришди.

— Қалай, ота, бақувватмисиз, чарчамай юрибсизми? — деди Отабек. Нарироқда ўроқ ўраётган 40 ёшлардан ошиқ бир ўроқчи биз блан келиб кўришди. Бу одам Избосар ота звеносининг а'зоси Эшмат Эшонбоев эди. У кунига бир ярим, икки норма бажарар экан.

Избосар отанинг меҳнат блан пишганлиги гавда тузилишидан кўриниб туради. Зуваласи пишиқ, гавдаси кичикроқ бўлишига қарамай, суклари йўғон — йўғон эди. Ранги буғдой рангда-ю, аммо офтобда анча қорайиброқ қолгани сезилиб туради. Қўли ҳам жуда қадоқ бўлиб кетган экан. Буни қўл бериб кўришган зоҳотиёқ сезиб олган эдим.

— Э, ўғилларим-э, меҳнат одамни чарчатар эмишми, мана борган сари куч йигиб, қирчиллама йигит бўляпмиз. Меҳнат қилган қаримас деб айтиб кетишган эди, ота-боболаримиз. Мени қўяверинг, анави чолнинг ишлашини қаранг, „давай“ йигитларинг блан бел олишаман дейди хумпар чол, — леди 60 ёшлардаги оқ соқолли бир ўроқчини кўрсатиб. У Йўлдош ота Ҳасанов эди.

Биз келгандәёқ вақт тушки овқатланиш пайти бўлган эди. Қўшни қирда иккинчи бригада томонидан занг овози эшитилди. Бу блан ўроқчиларни тушки овқатланиш учун чақирилди.

Отабек, Избосар ота ва бригадир Тожи ака далани айланиб келиб, чайлага кирдик. Чайлдан нарироқда ўлтирган хотин-қиз ўроқчиларга бир кампир гўжа сузиб берар эди. Булар Избосар ота звеносининг ўроқчилари эди, шу доврага яна беш-олтига қизлар келиб қўшилиши. Булар эса шу бригаданинг иккинчи звено а'золари. Бизнинг чайлада Избосар ота, бригада бошлиғи Тожи ака Муродов, табельчи Жўрабой, ҳалити Избосар ота маҳтаган чол Йўлдош ота Ҳасанов, иккинчи звено бошлиғи Ҳамза Дўстмуродов, ўроқчи

нигитлардан Оллақул ва бошқалар үлтирап әдик. Шу маңалда иккинчи бригаданинг табельчиси Ҳайдар Йўлдошев келди. Мен зўр бериб Избосар отани гапга солмоқчи бўлардим, гоҳо жим бўлиб унинг ҳарактерини, дилини билиб олишга тиришардим. Избосар ота буғдойнинг хикматли эканини гапириб ўтди. Отабек овқатдан кейин Избосар отага ўз тажрибасини сўзлаб беришини сўради.

Избосар ота анча ўйлаб нима дейишини билмай қолди.

— Ота, қилинган ишлардан аввал сўзлаб беринг, кейин ўзингиз ҳам қизиқиб кетасиз, — деди бригада бошлиғи Тожи ака.

— Қизиқ айтасиз-а, Тожибой, бир-икки жойда маҳтаниб юрганимидик, — деди қизаринқираб Избосар ота. Отабек гапнинг ётиғи блан тушунтиришга киришди:

— Избосар ота, бу ўртоғимиз сизнинг довруғингизни эшишиб, газетага ёзгани кепти, — деди кулгуси қистаб Отабек. Избосар отанинг ўғли Жўрабой бунга кулиб юборди.

— Ўғилларим, мана меҳнат қиласяпмиз. Хўш, ҳаммамиз ҳам биламиз, — ота-боболаримииздан қолган қимматли ва ҳикматли сўз бор. Дангаса бўлма, баҳтсиз бўлмайсан, дейишган.

— Жуда одилона гап, — деб қўйди бригадир Тожи ака.

— Шундай экан, — яна гап бошлади Избосар ота, — ишлаган, меҳнат қилган киши кам бўлмас. Ишлаганимиз учун шунчалик баобрў, иззат-хурматга лойиқ бўлмоқдамиз. Аммо меҳнатни оёқ ости қиладиган довур бошқа-ю, уни қадрлайдиган давр бошқа экан. Биз ёшлигимизда ҳам меҳнат қиласардик. У давр бошқа әди. Ҳалиги айтгандай меҳнатимиз қадрланмасди. Чунки, у вақт ҳақиқат ўз йўлини тополмаган әди-да. Шунинг учун шундаقا бўлгандир деб ўйлайман ўзимча. Ҳозир ундин эмас. Меҳнатинг зойи' кетмайди. Отам ҳам фаллакор деҳқонлардан әди. Ишни пухта қилишни, қалбакичилик қилмасликни ўргатар әди. Фаллакорлик ҳам жуда нозик касб. Нечоғлик ҳуш'ёр ва меҳнат севар бўлишни талаб этади. Ба'зилар фаллани бир бор экасан, кейин ҳеч меҳнат қилмай ўриб олаверасан деб айтишади. Бу қуруқ гап. Ўтган йили ҳар йилдагиларга қараганда мўлҳосил олдик. Звеномиз 20,6 гектар ернинг ҳар гектаридан 30,2 центнердан буғдой олди. Бизнинг колхозимиз ташкил бўлганига ҳам анча йиллар бўлиб кетди. 20 йиллар бўлди чамаси. Колхозимиз шундан бери фалла экади. Яхши меҳнат қилиб, йилдан-йилга ҳосилни ошироқдамиз. Мен ўз ишимда шундай тажрибаларни ма'қул деб биламан. Шундагина қилган меҳнатимдан мўлжаллаган ҳосилни оламан. Биринчи галда уруф сочиладиган ернинг фе'лини, қанақа эканлигини, ернинг куч-куватини билиб олиш, ўрганиш зарур. Бунда меҳнат бекор кетмасликни кўзда тутилади. Буни билиб олингандан кейин, албатта ерни кузда ҳайдаш зарур. Куз ҳайдаган юз ҳайдагандан ортиқ бўлади. Ҳосил-

нинг мўл бўлиши әкиладиган уруғга ҳам боғлиқ. Уруғнинг сарасини танлаш ва тозалаб экиш керак. Экиладиган уруғ мўлжалдаги ерга жуда порам келишини аниқ билиш катта фойда келтиради. Мана, айтайлик, ер ҳам танланди, яхшилаб ҳайдалди, уруғни ҳам сараланди. Энди иш куч блан пайтда қолди. Экиладиган уруғни ма'лум бир пайтда экиш керак. Бунда обҳавони жуда яхши ўрганиб олинмаса, ишнинг пачаваси чиқади. Ҳамма вақт куч етарли бўлиши лозим. Мана юқоридаги айтганларим, уруғ әкилгунча, униб чиққунча бўлган тажрибаларимиздан ба'зи бирларидир. Юқоридаги ишлар бажарилгандан кейин ҳам қараб туриш керак эмас. Ба'зиди ўт босиб кетади. Бунда ўташ керак. Ҳархил касал тарқалса, у кўпаймасдан олдини олиш зарурдир. Ўриш, янчиша ҳам катта тажриба керак. Авжи тобида ўроққа тушиш ҳосилни қўлдан бой бермасликка сабаб бўлади. Агар ўроққа эртароқ тушсангиз дон пучроқ ва намроқ бўлиши мумкин. Агар аксинча, кечроқ ўроққа тушсангиз-чи, бунда қовжираб кетиб қолиб, донларнинг кўпроқ тўкилишига, но буд бўлишига йўл очган бўласиз.

Избосар ота бошидан тўпписини олиб, бир қўли блан сочини сийналади-да, яна гап бошлиди:

— Айтгандай, ҳозирги вақтда агрономнинг гаплари ҳам ма'қул. Унинг гаплари илмга асосланади-да. Кўпинча бунга қойил қолиб қўямиз. Буғдойларимизнинг янги-ягни номи бор. Уларнинг агрономлар тажрибада топишиди. Айниқса, районимиздаги совхозларда, топилган янги хил буғдойлардан „Ватан“ деган буғдойнинг ҳосили жойида, мазали ва мағзи тўқ. Ишқилиб, мана ишлаб келаялмиз. Ҳар йили неча мартадан мукофот беришади.

Бригадир Тожи ака гап бошлиди:

— Бригадамиздаги барака топкурлар яхши ишлашади. Мана ҳаммамиз қирга кўчуб чиқдик. Ана ўзингиз ҳам кўрдингиз, девдай ишлашмоқда. Айниқса Избосар отамизнинг звеносида ударниклар сероб. Йўлдош отамиз ўримда ёшларга бош бўлмоқда. Кунига бир ярим-икки норма бажаради. Меҳнатсевар қизлардан Инобат Норматова, Зиёда Холбўтаева, Оққиз Давронова, Эшбеквой акамнинг қизи Шарофатойлар жуда газетада маҳталса арзийдиган иш қилмоқдалар. Агар ул-бул ёзмоқчи бўлсангиз шуларнинг ҳам номини эслаб ўтасиз-да, мулла—деди менга қараб. Яна давом этиб:

— Избосар отамиз ҳам ҳалол меҳнат қилгани учун Ленин ордени блан мукофотланган. Отамизнинг олган ҳосили орденга арзийди. Ахир, бундай ҳосилни районимиздаги колхозларнинг ҳечбирида учратоимаймиз. Лекин совхоздагиларнинг бизга қараганда анча илфорлик томони бор. Улардан ўрнак олишга ҳаракат қилмоқдамиз. Избосар отамиздан ташқари, мана раисимиз Даврон ака Йўлдошев ҳам, иккинчи бригадамизнинг бошлиғи Холмат Холмирзаев, ҳо-

силотимиз Эрбұта Холматовлар ҳам Мәхнат Қызыл Байроқ ордени блан мұкофотланғандылар.

— Тожи акамиз ҳам Мәхнат Қызыл Байроқ ордени блан мұкофотланғанлар,— деб қүйди табелчи Жұрабой.

Булар блан сұхбатимиз тұтагандан кейин, иккінчи бригадада-
га үтдик. Бригадир Холмат отанинг ишлари, планлари блан
танишиб олдик. У үтган йили 20,3 гектар ернинг ҳар гектаридан 30,2
дентнердан буғдой ҳосили топширди. У ҳам, Избосар отадан қолишмай, үз тажрибаси, мәхнатни уюстириш
масаларыда анча гаплар айтды.

Күн пастга анча оғиб қолған әди. Биз келған йўлимиз
бүйлаб яна қишлоққа жүнадик. Ўроқчилар ўроқда. 5-нчи
бригададан үтәётганимизда, унинг ўроқчилари қия қирнинг
пастидан юқори томонға қараб қатор бұлишиб арпа ўраётган
әдилар. Мен буларни куриб, айниңса киноларда аскарлар
тепаликни ишғол қилиш учун қилинаётган ҳужумига ўхша-
тар әдим. Ҳақиқатан ҳам бу ер мәхнат жангиси. Жангчиларимиз
қон тұкиб, ғалабани құлға киригандар. Колхозчи-
ларимиз эса, мәхнат қилиб, пешона тери тұкиб, ғалабани,—
ҳосилни құлға киритастырлар.

Биз қишлоққа томон борардик. Узоқда күм-күк бўлиб
колхоз қишлоғи кўринарди.

— Избосар ота блан кўпроқ сұхбатлашаолмадик. Чунки
ишдан қолдириб қўймайлик деган андишага бордим,—
дедим Отабекка. У индамади. Кейин ўзи гап бошлиди:

— Раисимиз Даврон Йўлдошев колхоз бўйича 41,1 гектар
ернинг ҳар гектаридан 30, 2 дентнер буғдой олгани учун
мұкофотланған. Бу йил Избосар ота 86 гектар буғдой, 18
гектар арпа, 12 гектар зигир, 7 гектар кунжит, 2 гектарча
жуҳори өқди. Бу йил ҳам булардан мүл ҳосил олишимиз
турган гап. Избосар отанинг 4 та азамат ўғли бор. Бири ҳали-
ги табельчи Жұрабой, бири Оллақұл, у колхозимизнинг ГЭС
ида ишлайди. 16 ёшлардаги Худойберди деган ўғли 5-нчи
синфни битирди. Ҳозир каникул бўлгани учун колхозда
аравакашлик қилаяпти. Отанинг катта ўғли армияда, чегарачи.
Хат келиб туради. Үтган йили Избосар ота колхоздан жуда
катта даромад олди. Отанинг ўзи 480 мәхнат куни ишлаган
экан. Уни қарангки, хўжалиги бўйинча 45 дентнерга яқин
буғдой, 6 дентнер арпа, 2 дентнер зигир, иккита қўй, 15
дентнер қовун-торвуз олишди!

Июнь ойининг бошларыда Фаллаорол районига борганим,
Ленин колхозидаги орденли звено бошлиғи Избосар отанинг
чайласига тикилған қызыл байроқнинг ҳилпираши, сарғиқ
дуҳобадек товланаётган буғдойзор, қир бағридан қир-
нинг тепасига кўтарилаётган ўроқчилар кўз олдимдан сра-
сра кетмайди.

1948 йил, июль.

Н. Г. ЧЕРНИШЕВСКИЙНИНГ ТУФИЛГАНИГА 120 ЙИЛ
ТҮЛИШИ МУНОСАБАТИ БЛАН

П. ФЕДОСЕЕВ

**БҮЮК РУС МУТАФАККИРИ ВА
РЕВОЛЮЦИОНЕРИ**

Рус озодлик ҳаракатида Николай Гаврилович Чернишевский кураш майдонида ўзининг құдратли күчини күрсата бошлагандан бери юз үйлча деярлик вақт үтди. Шу үтган юз йил тарихий тараққиёт сур'атларининг тез бўлиши, синфий курашнинг кескинлиги ва ўткурлиги жиҳатидан жамиятнинг бутӯн ўтмиш тарихида тенги бўлмаган бир давр бўлди. Чернишевскийнинг ватани инқилобий ўзгаришларнинг буюк йўлини ўтиб, ўтмишда ўзини бўғиб келган ижтимоий ва сиёсий зулм занжирларини парчалаб ташлаб, ўзини барча паразитлар, текинхўрлар ва қонхўрлардан тозалаб, таниб бўлмас равишда ўзгардики, Чернишевский ҳам мана шундай паразитларга, текинхўрларга, қонхўрларга қарши жуда катта ғайрат блан курашган эди.

Большевиклар партияси ва бутун совет халқи Россиядаги илмий социализмнинг буюк салафи бўлган Чернишевскийга ва унинг Ватанимизни инқилобий тарзда янгилаш ишига қўшган ҳиссасига жуда баланд баҳо бермоқдалар. Чернишевскийнинг номи рус халқи учун миллый ғурур манба'и бўлиб қолди. Ўртоқ Сталин, 1941-нчи йил олтинчи ноябрьда, Октябрь социалистик революциясининг 24 йиллиги тўғрисида қилган ва бутун совет халқининг эсидан чиқмайдиган докладида, Чернишевский номини рус миллатининг ҳаёт кучини, ижодий даҳосини ва енгилмаслигини гавдалантиручи шу миллатнинг энг яхши кишиларининг номлари блан бир қаторда тилга олди. Совет Иттилоғининг ҳамма халқлари, ижтимоий ва миллый зулмга қарши хормай-толмай курашиб, мамлакатимиздаги барча миллатларнинг илғор демократик маданиятини ривожлантиришига самарали та'сир ўтказган Чернишевскийнинг хотирасини ҳурматлаб ёдламоқдалар.

Чернишевский крепостнойликка ва ҳарқандай эксплоатацияга қарши олиб борган ўзининг инқилобий кураши блан, ўзи-

нинг зўр илмий асарлари ва фош қилуучи оташин мақолалари блан, бутун тараққийпарвар инсониятнинг таҳсин ва ҳурматига сазовар бўлди. Чернишевский асарларини диққат блан ўрганиб, бу асарларга баланд баҳо бериб келган, унинг фаолияти ва тақдирига ниҳоят даражада қизиқиб қараган Маркс Чернишевскийни буюк рус олими ва танқидчиси, XIX асрнинг ўрталаридағи рус инқилобий ёшларининг устози ва йўлбошчиси деб атаркан, бу блан бутун дун'ё социалистларининг халқ оммасини озод қилиш учун курашаётган фидокор рус революционерига бўлган ҳурмати ва миннатдорчилигини билдириди.

Николай Гаврилович Чернишевский тарихнинг шундай буюк арбобларидан биридирки, бу арбоблар фақат ўз замонларидаги озодлик ҳаракатигагина эмас, ҳатто кейинги авлодларнинг ҳам инқилобий курашига қудратли та'сир ўтказиб келдилар. Ленин рус инқилобий ҳаракатининг тараққиетида, социалистик ғояларни тарғиб қилишда ва кўп сонли рус революционерлари кадрларини тарбиялашида, Чернишевскийнинг жуда катта роль ўйнаганига баҳо бериб, уни Марксгача бўлган даврнинг буюк рус революционери ва буюк рус социалисти деб ҳисоблади.

Чернишевский ўз замонидаги кўзга кўринган илфор кишиларни ўз атрофига тўплади. Чернишевскийнинг Добролюбов, Салтиков-Шчедрин, Некрасов ва бошқа сафдошлари рус озодлик ҳаракатида ва рус маданиятини тараққий қилдиришда жуда катта роль ўйнадилар.

Чернишевскийнинг инқилобий фаолияти деҳқонлар ислоҳоти деб аталган ислоҳотни ўтказиш йилларида жуда авж олиб кетди. 1854—1856 йиллардаги Қрим урушида чор Русиясининг мағлуб бўлганлиги ўша вақтдаги Русиянинг крепостнойлик асосига қурилган ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий тузуими бутунлай чириб кетганлигини кўрсатди. Крепостной деҳқонларнинг ўз озодликлари учун олиб бораётган курашлари ўша йилларда жуда кучайиб ва кенгайиб кетди. Деҳқонларнинг қўзғолони бутун мамлакатга худди тўлқин каби ёйилмоқда эди. Ўқучи ёшлар ва пешқадам зиёлиларнинг кенг доираси орасида инқилобий ҳаракат кучайиб кетди. Қишлоқ блан жуда яқиндан боғланган ва „Ислоҳот“ тўғрисидаги овозаларни эшишиб ғалаёнга келган шаҳар камбагаллари ҳам туғён кўтармоқда эди. Худди ўша вақтда кучайиб кетган поляклар кўзғолони чоризмнинг позициясини заифлаштириб, умум Русия миқёсидаги демократик лагерьни куяйтирмоқда эди. Русияда инқилобий ғалаён етилиб келмоқда эди!

Чор ҳукумати крепостнойлик ҳуқуқини сақлаб қолиш мумкин эмаслигини кўриб ва деҳқонлар революциясидан ўлгидай кўрқиб, ислоҳот тўғрисида ўзи гап очишга мажбур бўлиб қолди ва деҳқонлар ўзларининг пастдан туриб озод

қилишларини кутиб ўлтиргандан кўра юқоридан туриб ислоҳот э'лон қилиши афзалроқ деб билди. Чор ҳукумати крепостнойлик ҳуқуқини бекор қилиш тўғрисидаги бу ислоҳотни крепостникларнинг ўз қўллари блан ўтказди. Крепостниклар эса деҳқонларни талаб, уларни помешчикларга қул қилиб қоядирмоқ учун бутун ҳийла-найранглар ва маккорликларни ишлатдилар.

Чернишевский ва унинг тарафдорлари бу „ислоҳот“нинг крепостниклар мағаатига хизмат қилаётганлигини очиб ташлаб, крепостнойлик тузумини бутунлаб тугатишга уриндилар ва чор самодержавиясини шипириб ташлаши лозим бўлган халқ революциясига умид боғлаб, иш кўрдилар. Цензура томонидан ҳарқандай тўсиқлар кўйилганига қарамай, Чернишевский ошкора нашр қилинган китоблар ва мақолаларда крепостнойлик ва чоризм тартибларининг зулмии очиб ташлади, деҳқонлар революциясининг бўлиши муқаррар ва зарур деган ғояни тарғиб қилаолди. Чернишевский томонидан „Бойлар қўлидаги деҳқонларга“ деб чиқарилган варақада у деҳқонларни инқилобий қўзғолонга тайёрланишга чақириди.

Чернишевский утопик социалист эди. У пролетариатнинг жамиятни социалистик асосда қайтадан тузишга қодир бўлган куч эканлигини тушиниш даражасига етмади. Лекин социализмни тинчлик йўли блан вужудга чиқариш мумкин деб ҳаёл қилиб юрган Фарб утопик социалистларидан Чернишевскийнинг фарқи шуки, у революция қилмасдан туриб социализмга йўл очиш мумкин эмаслигини тушинар эди. Чернишевский социализмни бун'ёдга келтирмоқ учун эксплататор синфларни революцион куч блан ағдариб ташлаш зарурлигини тушинмаган сен-симончиларни, фуръерчиларни ва луибланчиларни масхара қилиб ёзди. Ўртоқ А. А. Жданов айтиб ўтганидек, Марксга қадар бўлган даврдаги ҳамма социалистлардан фақат Чернишевский илмий социализмга ҳаммадан кўра кўпроқ яқинлашди. Чернишевский коллектив меҳнатни астойдил тарғиб қилучи пропагандист эди. У саноатда ва қишлоқ ҳўжалигида коллектив бўлиб меҳнат қилгандагина шундай коллектив меҳнат инсониятни баҳт йўлига олиб чиқиб, одамларнинг барча ижодий қобилиятларини ривожлантиришини та'минлайди деб ҳормай-толмай исбот қилиб келди.

Крепостник-помешчиклар ва уларга бош бўлган подшо ҳамда унинг яқинлари Чернишевскийдан қўрқар эдилар ва уни деҳқонларни озод қилиш учун курашга бош қўдариб келаётган йўлбошли деб, уни ниҳоят даражада ёмон кўрас эдилар. Чор ҳукумати Чернишевскийни Петропавловский қал'асига қамаб қўйиб, сўнгра эса ҳечқандай юридик асос ва далил бўлмагани ҳолда каторгага ва умрбод сургунга ҳукм қилиб, ундан жуда қаттиқ ўч олди.

Ўша вақтдаги либераллар я'ни буржуазиянинг мафкурачилари ҳам Чернишевскийнинг номини эшишини асло истамас әдилар. Либераллар озодлик, ислоҳатлар туғрисида ҳечбир тұхтамай гапирсалар ҳам, лекин революциядан ниҳоят даражада құрқар әдиләр ва ҳақиқатда инқилобий халқ-қа қарши курашда крепостниклар партиясининг иттилоқчи-си булиб қолдилар. Либераллар крепостниклар блан олиш-гап вақтларида фақат деҳқонларни талаш орқасида ўзларига қанча ҳисса берилиши тұғрисидатина жанжаллашар әдилар.

Ленин бундай деб ёзды:

„... Чернишевский фақат социалист утопистгина бұлыб қолмади. У революцион демократ ҳам әди, у деҳқонлар революцияси тұғрисидаги идеяни, омманиң барча әски ҳөкимиятларни ағдариб ташлаш учун күрашуви лозим деган идеяни — цензураниң тұсын ғовларидан үтказиб,— ўз давридаги барча сиесий воқиаларга инқилобий рухда та'сир үтказаолди. Либераллар аввал бүяб күрсатған, сүнгра эса ҳатто махтаб юрган 61-нчи йилги „Деҳқонлар ислоҳоти“ни у разиллик деб атади, чунки у бу ислоҳотнинг крепостниклик ҳарактерида бўлганлигини аниқ қўрди, озод қилучи либерал жаноблар деҳқонларни дараҳт пўстини шилгандек шилаётгандикларини аниқ қўрди. Чернишевский 60-нчи йилларнинг либералларини „маҳмадоналар, мақтончоқлар ва ахмоқлар“ деб атади, чунки у ўша либералларнинг революциядан қўрқавликларини, бетайинликларини ва мулкдорларнинг кучи олдида тиз чўкиб та'зим қилаётгандикларини аниқ қўрди“ (Асарлар, 17 том. 97 бет).

Чернишевский ўз тарафдорларини ва ўзига әргашучиларни муросасиз инқилобий кураш руҳида, либерализмга нафрат ва душманлик блан қараш руҳида тарбиялади. Чернишевский либералларга қандай муносабатда бўлиш масаласида Чернишевский блан Герценнинг ораси анча бузилиб қолди, чунки ўша вақтда Герцен либерализмга мойил бўлиб, либералларни Чернишевскийнинг танқидидан ва Чернишевский раҳбарлигидаги „Современник“ журналининг танқидидан ҳимоя қилиб мақолалар ёзди.

Чернишевский Герценнинг рус зиёлилари орасида та'сирин катта әканлигини назарда тутиб, у блан гаплашмоқчи бўлди ва шу мақсад блан Лондонга борди. Чернишевский Герценнинг либералларни ҳимоя қилаётгандигига ғазабланиб, унга қуйидаги гаплафни айтди:

— Сиз бу дангасалар, текинхўрлар, ишёқмаслар, қўлни совуқ сувга урмайдиган танбалларни нимага ҳимоя қиласиз?

Герцен либералларнинг ҳеч иш кўрсатмаётгандикларига Русияда ошкора ижтимоий фаолият кўрсатиш мумкин эмас-лигини баҳона қилган әди, Чернишевский бунга жавобан:

— Белинский бемалол ёзар эдику, у қўл қовуштириб ўтирамадику! — деди.

Чернишевский, гиламлар устида ва чиройлик уйларда ўтиришга ва Невский проспектида сайд қилиб юришга ўрганиб колган одамларнинг ўзларини жамоат арбоблари деб кўрсатишлари асло тўғри келмайдиган гап эканлигини ўз асарларида ҳар доим тушинтириб турди. „Тарихий йўл, деди Чернишевский, — Невский проспектининг йўлкаси эмас, бу йўл ба’зан сер чанг, ба’зан ифлос далалардан, ба’зан ботқоқликлардан, ба’зан ўнқир-чўнқирликлардан ўтади. Кимки чанг босишдан ва этигининг лой бўлишидан қўрқса, у жамоат арбоби бўлиб ишлаш учун уринмай қўяқолсин“. (Асарлар, VIII том, 37—38 бет).

Чернишевский сиёсатда қат’иятсизлик кўрсатиб иккиланучиларни, дадил ва қат’ий иш кўрсатишдан қўрқучиларни ҳар доим фош қилиб, жуда шафқатсизлик блан қоралади. „Буюк кишилар, — деди у, — шунинг учун ҳам буюк киши бўлсалар керакки, улар темирни қизигида босишга ҳаракат қиласдилар; вазият иш учун қулай бўлиб турган пайтда фурсатни қўлдан бермасликни биладилар. Лекин уйқидаги кишиларни тақиллатиб чўчитишдан ҳайиқкан кишилар темирни қизигида босолмасликлари малум бир нарсадир“.

Тарихий воқиалар омманинг ҳаракати блан юзага чиқади, шунинг учун ҳам воқиаларга раҳбарлик қилишин истаган киши оммага таяниши, курашда ўткур воситаларни қўллашдан қўрқмаслиги, зарур бўлиб қолган пайтда қурбонлар беришдан қайтмаслиги керак. Чернишевский фақат кураши ўюли блангина тараққиётга эришиш мумкинлигига қаттиқ ишонган эди.

Чернишевский либералларнинг халқ ишига тамомила душман эканликларини ҳормай-толмай фош қилиб турди. У айтдик, либерал энг ашаддий абллаҳдан ҳам ёмонроқ кишидир. Халқ оммаси ўз озодлиги учун курашаётган вақтда либераллар оёқ остида ивирсиб юриб, ҳаракатга халақит берадилар ва бу ишга аралашиб, ҳамма нарсани бузиб қўядилар.

Чернишевский яна шу нарсани исбот қилиб айтдики, ҳоқимият тепасида турган либераллар революция ағдариб ташлаган эски ҳукумат каби халқ оммасининг манфаатларига душмандирлар. Умри тугаб қолган тескаричи кучларга қарши курашда қат’иятсиз, қўрқоқ либераллар инқилобий кучларни бостиришда ниҳоят даражада шафқатсиз ва қаттиқ қўлли бўладилар. Чернишевский француз либералларининг 1848 йилда Париж ишчиларининг июль қўзғолонини бостирган вақтда кўрсатган вахшийликлари ва шафқатсизликларини „Современник“ журнали саҳифаларида тасвирлаб берди. Либералларнинг ҳарбий министри генерал Кавенъяк минглаб ишчиларни тўпга тўтган эди.

Чернишевский либералларнинг ҳамма жойда — Фарбий

Оврупада ҳам, Америкада ҳам, Русияда ҳам бир хил әкан-ликларини күрди. У, меңнаткаш дәққонлар мулкдор синфларга қарши бевосита жанг қиласынан пайт келганды, либераллар ўз бетларидаги раҳимдиллик ниқобини йиртиб ташлаб Кавенъяк сингари жаллодларга айланып кетишларини тушинар әди.

Чернишевский либерализм меңнаткашларнинг манбаатларига душман мағкура ва тактика әканлигини фош қилиб ташлаб инқилобий ҳаракатга жуда катта хизмат қилди. Революционерларнинг либерал-реформистларга қарши кураши янги замондаги озодлик ҳаракатининг характерли белгисидир. Кейинги ўн йиллар ичидаги буржуза либерализми социал-демократик реформизм тусини олди. Ҳозирги вақтдаги ўнг социалистлар империалистларга хизматкор бўлиб қолдилар ва илфор, инқилобий ишларнинг ҳаммасига ниҳоят даражада душман бўлиб йиртқичларча нафрат блан қарайдилар. Чернишевскийнинг озодлик ҳаракати душманларини жуда ўтқурлиқ блан фош қилиб ташлаган, либераллашучи сиёсатчиларни заҳархандалик блан қаттиқ савалайдиган, жанговар мақолалари ҳозир ҳам бундан юз йил бурунгидек ўз аҳамиятини сақлаб келмоқда.

Чернишевский жасур революционер әди, шунинг учун ҳам у ғоявий ҳаётнинг ҳамма соҳаларига инқилобий рух киргизди. У фалсафани, сиёсий иқтисодни, тарих фанини, эстетикани, адабий танқидчиликни, этиканни революция ишига, социализм ишига хизмат қилдиришга уринди.

Чернишевский фалсафа соҳасида идеализмнинг турли туман кўринишларига қарши кураш олиб бориб, материализмни қаттиқ ҳимоя қилди. Ленин бундай деган әди: „Чернишевский 50 нчи йиллардан тортиб 88-нчи йилга қадар тўлиқ фалсафий материализм даражасида қолиб, неокантчилар, позитивистлар, махчилар ва бошқа чалкашчиларнинг разилона бема'ниликларини улоқтириб ташлай олган бирдан-бир ҳақиқий улуғ рус адебидир“. (Асарлар, 14 том, 346 бет.)

Чеонишевский, фалсафа турмушдан юқори бўлиши ва ўз принципларини ижтимоий ҳаётга боғламасдан туриб ишлабчикиши лозим, деб да'во қилути файласуфларни қаттиқ масхара қилар әди.

Чернишевский та'лим бериб айтар әдик; ўтмушда ҳам, ҳозирги вақтда ҳам фалсафа соҳасида партияларнинг кураши бўлиб келган ва бўлмоқда. У турли фалсафий оқимлар муа'ян тоифаларнинг, муаян партияларнинг манбаатларини ҳимоя қилаётганликларини билар әди, шунинг учун ҳам у фалсафий оқимларнинг синфи моҳиятини тушиниш даражасига анча яқинлашди.

Плеханов, Чернишевскийнинг фалсафий қарашларини баёв қилиб беришда қўпол хатоларга йўл қўйди, чунки у

Чернишевскийни Француз'материалистлари ва Фейербах блан бир қаторга қўйди. Ҳақиқатда эса, Белинскийдан кейин, Чернишевский материализм фалсафасини ривожлантиришда олға томон жуда катта қадам қўйган эди. Француз материалистлари блан Фейербах метафизик эдилар, диалектика методидан кенг суратда фойдалангани учун ҳам Чернишевский улардан фарқ қилар эди. Гап бундагина эмас; Чернишевскийнинг улардан фарқи яна шундаки, ўзи революционер бўлгани сабабли ўз материализмини ижтимоий ҳаётдаги революция идеяси блан бирга қўшди. У диалектика революцион характер берди, шунинг учун ҳам диалектика унивр назаридан тарихий тараққиётнинг муқаррарлигини исбот қилучи далили, халқ ишининг ғалаба қозонишига бўлган қаттиқ ишончнинг негизи бўлиб қолди.

Ленин Плехановнинг Чернишевский тўғрисидаги китоби ҳақида айтдики, Плеханов тарихга идеалистик қараш блан материалистик қараш ўртасидаги назарий фарқга берилиб кетиб, либерал блан демократнинг сиёсий ва синфи тафовутларини амалда кўрмай қолди. Чернишевскийнинг фалсафий қарашларини унинг инқилобий ишларига боғламасдан туриб, унинг жамиятни риволюция йўли блан қайтадан тузиш учун олиб борган кураши блан боғламасдан туриб тушиниш мумкин эмас.

Русиядаги шароитнинг қолоқлиги сабабли Чернишевский Маркс ва Энгельс диалектик материализми даражасига, тарихни материалистик асосда тушиниш даражасига кўтарила олмади. Чернишевский ишлабчиқаришнинг ижтимоий ҳаётда ҳал қилуучи роль ўйнашини ва ишлабчиқариш процессида вужудга келуучи ижтимоий муносабатларнинг ролини тушина олмади. Чернишевский инсоният тарихида иқтисодий ҳаётга муҳим аҳамият бериш блан бирга жамиятнинг ривожланишини та'минловчи умумий сабабларни изоҳлашда одамларнинг ма'навий тараққиётини асосий роль ўйнайди, деб ҳисоблаб, бу нарсани тарихий тараққиётнинг негизи деб билди.

Лекин Чернишевскийнинг ижтимоий тараққиёт тўғрисидаги материалистик назарияси тўлиқ бўлмаса ҳам, аммо бу нарса унинг фалсафий қарашларини, Плеханов қилганидек, француз материалистлари ва Фейербахнинг қарашларига ухшатишга асос бўлаолмайди. Чернишевский революционер эди. У революционер бўлгани учун ҳам ижтимоий ҳаётнинг муҳим масалаларини материалистик асосда изоҳлаб берди, тарихий материализм йўлидан борди. Чернишевский Русиядаги жамиятнинг синфи тузилишини тўғри очиб бериб, 1861 йилги ислоҳот теварагидаги синфи курашни кўрсатиб бераолди. Франциядаги синфи кураш тарихини, итальян ҳалқининг ёт мамлакатлар зулмига қарши ўзини озод қилиш учун олиб борган курашлари тарихини, Америкадаги гражданлар уру-

шининг асосий масалаларини, Оврупо мамлакатларининг янги замондаги сиёсий тарихини изоҳлаб тушинтириб беришда Чернишевский инқилобий мутафаккир нуқтаи назаридан қараб иш кўрди ва ҳодисаларнинг ташқи кўриниши остида чуқур ижтимоий процесслар борлигини зийраклик блан кўра олди.

Малумки, Чернишевский ўша вақтда „Ирқ назария“сини ўйлаб чиқаручиларга жуда катта ғазаб блан ҳужум қилган эди, шу назариянинг синфий томирларини ниҳоят даражада ўтиклик блан очиб ташлаган эди. Чернишевский бундай деган эди: „Қулдорлар оқ ирқ кишилари бўлиб, қуллар негрлар эди; шу сабабли қулдорликни ҳимоя қилиш илмий асаларда турили ирқдан бўлган кишилар ўртасидаги асосий тафовутлар тўғрисидаги назария шаклини олди“. Чернишевскийнинг мана шу ўтқир фикрлари ҳозир „инглиз—америкон ирқининг“ устгунлиги тўғрисида вайсаб, Америка Қўшма Штатлари ва Англия империалистик қулдорларининг дун’ёдаги халқлар устидан ҳукмронлигини ўрнатишга интилаётган „Ирқ назария“сини тарғиб қилучиларга катта калтак бўлиб тушади.

Ба’зи бир миллатлар томонидан дун’ёдаги халқларни қул қилиш йўлида қилинаётган уринишларнинг ҳалокатга учраши муқаррар өканлиги тўғрисида Чернишевский томонидан айтилган ажойиб фикрларни ҳам эслаб олиб ўтиш керак. Чернишевский айтган эдикси: „...Ҳамма вақт шундай бўладики, миллат инсониятни қул қилишга интилиш блан ўзини ўзи ҳалок қиласи“. Оврупони фатх этиш учун келган Ченгизхон мўғулларининг ярми Русияни босиб олиш вақтида ҳалок бўлди, қолганларини эса ўзини ўнглаб олган руслар тор-мор келтириди. Германлар Румо империясини босиб олиш блан унчалик кўп наф топмадилар; герман қабилаларининг кўплари ҳалок бўлиб кетди. Бир вақтлар Оврупони қурилган испанларнинг ўзлари хонавайрон бўлиб, қул бўлиб қолдилар ва очликдан қирилиб кетдилар. Француздар Наполеон I даврида Оврупони қуритишга интилиб, ўзлари бошқаларнинг қўлига тушиб қолдилар ва 1814—1815 йилларда хонавайрон бўлдилар.

Чернишевский томонидан келтирилган мана бу тарихий мисолларга Гитлер Германияси томонидан жаҳонга ҳукмрон бўлиш мақсадида тузилган планларнинг барбод бўлганлигини ҳам қўшимча қилиш керак. Чунки Гитлер Германияси фарб ва шарқдаги иттилоғчилари блан бирликда Совет Армияси томонидан тор-мор келтирилди. Англия ва Америка империалистларининг жаҳонга ҳукмрон бўлиш учун уринаётган ҳозирги гуруҳлари мана шу тарихий сабоқларнинг ҳаммасини назарда тутишлари керак.

Чернишевский босқинчилик ва таланчилик урушларини каттиқ қоралади. У та’лим бериб айтдаки, босқинчилик

урушлари фақат ҳукмрон эксплоататор синфлар учунгина фойда келтиради. Чунончи, Чернишевский Англия томони дан олиб борилган урушларнинг сабабларини текширган вақтда бундай деди: „Уруш миллат учун заарлидир, лекин Англияни бошқарib турган синф кишилари учун эса уруш жуда фойдалидир“. Чернишевский давлатни меҳнат қилмайдиган синфлар бошқарib турган пайтда урушларнинг бўлиб туриши муқаррар деб ҳисоблади. Ҳамма давлатларда ҳокимият меҳнаткашлар қўлига ўтгандан кейингина урушлар бутунлай йўқолади.

Чернишевский сиёсий иқтисод принципларини революцион тарзда изоҳлаб бераолди, капитализм ҳимоячилари бўлган буржуа иқтисодчиларининг синфий маҳдудлигини кўрсатиб берди ва меҳнаткашлар сиёсий иқтисодини яратишга уринди. Қимматли буюмларнинг ҳаммаси меҳнат блан вужудга келади, деган фикр асосида Чернишевский меҳнатнинг бутун маҳсули меҳнаткашларники бўлиши лозим деган ҳулоса чикарди. Чернишевский капиталистик ишлабчиқариш усулининг моҳиятини илмий нуқтаи назардан анализ қилиб бермаса ҳам, лекин капиталистик хўжаликнинг зиддиятларини ва анархиясини аниқ кўраоладиган зийрак олим бўлгани учун капитализмнинг ўткунчи бир нарса эканлигини өа унинг ҳалок бўлиши муқаррарлигини айтиб берди. Чернишевскийнинг капитализм тўғрисидаги танқиди ҳозирги вақтда ҳам ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ. Чернишевский ўз асарларида шу нарсани кўрсатиб ўтдики, капиталистнинг ишлабчиқариши ҳардоим турғунликка учраб туради, бутун иқтисодий тартиб эса муқаррар бўлиб турадиган саноат ва савдо кризисларига учраб туради, шу кризисларнинг ҳарқайсиси миллионлаб ва ўн миллионлаб иш кунининг нобуд бўлишидан иборатдир. Чернишевский капитализм даврида ҳалқ меҳнатининг каттагина қисмини ўзгаларнинг меҳнати блан кун кўручи кичик бир тўдадан иборат бойлар томонидан қамраб олинишини доимо та'кидлаб ёзди. Ленин айтганидек, Чернишевский „ўзи утопик социалист бўлишига қарамай, капитализмни ўткир танқид қилган буюк танқидчидир“, (Асарлар, XVII том, З-нашр, 342 бет).

Чернишевский материалистик эстетикани такомиллашиб, унга жуда қимматли ҳисса кўшди. У гоясиз сан'атни тарғиб қилучиларга қарши қаттиқ курашди. Чернишевский та'лим бериб айтдики, адабиёт бирон гоя ва маслакнинг хизматкори бўлмасдан иложи йўқ. Адабиёт ўзининг мана шу вазифасидан бош тортмоқчи бўлганда ҳам, бунга қурби етмайди. Соф сан'ат назариясининг тарафдорлари ўзларини ҳаёт ишларида бутунлай чет қилиб кўрсатишга уринаётган бўлсалар ҳам, улар алданмоқдалар ёки муғомбирлик қилмоқдалар“. „Сан'ат ҳаётдан мустақил бўлиши лозим“ деган сўзлар шу кишиларга адабиётни ўз дидларига ёқкан адабий

оқимларга хизмат қилдириш учун ва ўзларига ёқмаган бошқа адабий оқимларга қарши курашмоқ учун ҳамма вақт, фақат ниқоб бўлиб хизмат қилмоқда* (Асарлар, III том 301 бет). Чернишевский, сан'ат—сан'ат учун назариясини тарғиб қилучилар сиёсат соҳасида конституция — конституция учун, деб тарғиб қилаётган либералларнинг ўзгинасиdir, деб ҳисоблади. Чернишевский сиёсатдаги либерализм блан эстетика соҳасидаги либерализм ўртасида боғланиш борлигини, ҳар икки соҳадаги либерализм ўз моҳияти блан ҳалқа бутунлай зид эканлигини яққол кўрсатиб берди.

Чернишевский сан'атдаги формализмни ва ҳалқа қарши бўлган-оқимларни шафқатсизлик блан савалади. Белинский каби Чернишевский ҳам та'лим бериб айтдики, сан'ат ҳаётнинг ин'икосидир, сан'атнинг жуда катта ижтимоий аҳамияти бор.

Чернишевскийнинг фикрича, сан'аткор фақат шаклларни гина эмас, балки ғояларни ҳам тараниум қиласиган шоир бўлиши лозим. Адабиёт ўз давридаги ғояларни ифодалаб бериши керак. Кучли ғоялар та'сири остида вужудга келган, даврнинг энг муҳим эҳтиёжларига жавоб берадиган адабиёт оқимларигина жуда яхши тараққий қиласи. Турмишга томир ёймаган адабий оқимлар эса бўшанг, нурсиз ва пастарин оқим бўлиб қолаверади. „Турмиш блан қаттиқ алоқада бўлиш, турмиш учун жиддий аҳамияти бўлиш — бадиий асарнинг энг буюк фазилатидир“.

Чернишевский адабий танқид соҳасида фикрларнинг қаттиқ ва принципиал бўлиши учун мустаҳкам туриб курашиб, самимий бўлмаган фикрларни ва „Мұ'tабар кишилар“ олдида кўр-кўронада тиз чўкиш ҳолларини фош қилиб ташлади. Чернишевский ҳам доим уқдириб айтдики, ҳақиқатни гапиролмайдиган, тўғри фикр айтсан ғэзучини хафа қилиб қўяман, деб ҳайиқадиган киши танқид қилишга киришмаслиги лозим. „Агар сиз бирон кишига ёқимсиз гап айтиш асло мумкин эмас, ҳечбир наф етказмайди, деб ўйласангиз у вақт оғзингизга толқон солиб олинг“. (Асарлар, I том, 154 бет). Танқид жамиятдаги пешқадам доиралар фикрини ифодалashi ва шу фикрларни ҳалқа янада ёйишга ёрдам бериши лозим. Танқидчи жамият олдидағи ўз мажбуриятларини англаб, зарарли асар машҳур ғэзучиники бўлишига қарамай, адабиётдаги зарарли нарсаларнинг ҳаммасини фош қилиб ташлаши лозим.

Чернишевский Белинский ижодиётини самимий, тўғри, виждоний танқид ва публицистиканинг намунаси деб ҳардоим кўрсатиб келди. Белинский душманларининг гўё, буюк рус танқидчиси ҳаддан ташқари талаблар қўяр эди, деган тухматларини Чернишевский ўринсиз ва бема'ни гаплар, деб ҳисоблади. „У фақат ҳақиқат бўлишини кўзлаб ва ўз фикр

ларини аниқ ифодалайдиган сўзларнигина ишлатиб, ўзи нима ўйлаган бўлса шуви ёзар эди. У аҳмоқона нарсаларни тўғридан-тўғри аҳмоқона деб атади, ўз фикрларини дипломатия писандалари ва илмоқли гаплар блан пардаламади. Шу сабабли ҳарқандай ҳаққоний сўз, ҳарқанча му'тадил бўлса ҳам, қаттиқ туйиладиган кишиларга Белинскийнинг фикрлари кескинроқ бўлиб кўринди: кўп кишилар тўғриликни ҳамма вақт кескинлик деб ҳисоблай берганларидан кейин, нима ҳам қилар әдик" (Асарлар, II том, 210 бет).

Чернишевский янги олижаноб аҳлоқ принципларини тарғиб қилди, ҳалққа хизмат қилиш эса шу янги аҳлоқнинг асосий талаби эди. Чернишевский ўзининг „Нима қилмоқ керак?“ деган машҳур романида кўпчилик ишига хизмат қилишни ўз шахсий манфаатларидан устун қилиб қўючи янги кишиларни тасвирлаб берди. Чернишевский оиласи турмушдаги муносабатларнинг виждоний ва самимий бўлишини талаб қилиб, реакционерларнинг гўё коммунизм мустаҳкам оиласи алоқаларни рад қиласди, деган тұхматларини ғазабланиб рад қилди. Чернишевский ўз романидаги қаҳрамонларидан бирининг тили блан сўзлаб, коммунистлар никоҳни тан олмайдилир деб да'во қилучи аҳмоқ бюрократни жуда қаттиқ койиди. „Пасткаш, тузалмайдиган пасткаш! „Никоҳни рад қилучи коммунистлар“ тўғрисида жуда яхши тушинчанг бор экан! Сен аввал коммунизм нималигини ва коммунистлар нималарни деяётганини хўб тушиниб ол, аҳмоқ ҳайвон. Коммунистлар сени эшак ва ваҳший демоқдалар. — коммунистлар мана шундай деяптилар“.

Рус ҳалқининг содиқ фарзанди бўлган Николай Григорьевич Чернишевский ўз Ватанини севган оташин ватанларвар эди, уни бутун жони-дили блан севар эди, рус ҳалқини эзид, шарманда қилиб ва унга иснод келтираётган паразитларни ниҳоят дараражада ёмон кўрар эди. Чернишевский ўз мамлакатининг қулликдан озод қилиш учун, ўз ҳалқининг озод ва баҳтили бўлиши учун бутун умрини сарф қилди. Революционер ва ватанпарвар бўлган Чернишевский либераллар чет мамлакат оллида думларини ликкилатаётганларидан учун уларга ниҳоят дараражада нафратланиб қаради. Чернишевский, рус либераллари лаганбардорлик қилиб, чет элларнинг миллатчилик хурофотлари блан тўлган қолоқ китобчаларидан ақл ўргана-дилар, деб ғазабланиб ёзди. Чернишевский айтдики, бу либераллар француз мовутидан тикилган кийимларини инглиз коленкоридан, кулранг немис мовутидан ясалган ва русча тўқилган гуллар блан безайдилар. Чернишевский, чет мамлакат олдида тиз чукиш ҳалқ оммасига тўраларча менсимай қарашдан келиб чиқкан ва ҳалққа қарши бўлган бир ҳол деб ҳисоблади. „Ба'зibir руслар француз тили деб ўз она тилларидан воз кечдилар ва китобларни мужик тилида ўқиб бўл-

майди, шу сабабли французча ўқимоқ даркор, деб рус адабиётидан жиркандилар“.

Чернишевскийдаги ватанпарварлик миллатчилик хурофотидан покиза эди. У турли миллат меҳнаткашларининг манфатлари бирлигини ва бу манфаатларнинг ҳамма миллатлардаги бойлар синфи манфаатларига қарама-қарши әканлигини доим тушинтириб келди. Улуғ демократ фақат рус халқинигина эмас, Русиядаги ҳамма халқларнинг ҳам миллий маданиятларини ривожлантириш учун курашди.

Чернишевский Русиядаги бошқа халқларни озод қилмасдан туриб рус халқининг озод бўлиши мумкин эмаслигини тушинди. У полякларнинг озодлик ҳаракатини астойдил қувватлаб, бу ҳаракатнинг Русиядаги демократијем тараққиети учун бўлган аҳамиятини тушинди. Чернишевский миллий душманликни авж олдириш сиёсатини жуда қаттиқ қоралади. У Австрияни мисолга олиб, ҳарбир халқни бошқа халқнинг кучи блан ээзб турмоқ учун халқлар уртасида душманликни авж олдириш реакционерларга фойдали эканини кўрсатиб берди.

Чернишевский ўз халқнинг озод ва баҳтири бўлиши учун олиб бориладиган курашни инсониятни прогрессив асосда тараққий қилдириш учун курашдан ажратиб қўймади.

„Ўз ватанингни юзаки шұхратга эмас, балки абадий шұхратта әриштиromoқ ва инсониятни баҳтиёр қилмоқ учун кўмаклашишдан кўра олижаноброқ ва буюкроқ иш бўлиши мумкинми?“

Чернишевский букулмас иродали, ўткур характерли ва мустаҳкам әтиқодли киши эди. Чоризмнинг ҳечқандай та'қиблари ва кувғин қилишлари Чернишевскийнинг иродасини букаолмади. Чернишевский чор жалодларининг қулида 27 йилча асир бўлиб турди: турмаларда ётди, каторгалаарда, сургуналарда бўлди, лекин у ўз умрининг охиригача астойдил революционер ва ҳақиқий социалист бўлиб қолди.

Рус марксистлари рус революцион демократларидан мерос бўлиб қолган энг яхши фикрларни сақлаб, ривожлантиридилар. Ўзларини „меросларни сақловчи“ деб э'лон қилган народниклар ҳақиқатда революцион демократларнинг ан'аналари блан бўлган алоқани узиб юбордилар. Улар Чернишевский материализми блан бўлган алоқаларини узиб, синфи курашдан воз кечдилар. Ҳолбуки Ленин, Чернишевский асарларидан синфи кураш руҳи келиб турди, деб айтган эди.

Чернишевский ғоялари абадий аҳамиятга эга, чунки бу ғоялар — инсониятни иқтисодий ва ма'навий қулликдан қутқариш учун кураш ғояларидир, озодлик учун кураш ғоялари эса ўлмайди, чунки капиталистик мамлакатларнинг эзилган ва мазлум оммалари одам одамини эксплоатация қилиши учун ҳечбир имконият қолдирмайдиган ижтимоий тартибларни ўрнатмагунларича шу курашнинг ўзи ҳам тўхтамайди.

МУҲИДАРИЙЖА

	Бет
М. Бобоев. Юрак садоси. Ше'р	3
Ирина Гуро. Оқ иўл	5
Рамз Бобоҷон. Қадрдоң дўстлар. Поэма (Охири)	58
Сайд Аҳмад. Хотинлар. Ҳикоя	80
Маяковский. Жуда соғ	84
Йўлмирза. Ше'рлар	99
Юсуфжон Ҳамдам. Лолаконнинг звеносида	104
Манион Фани. Звеновой	105
Пўлат Мўмин. Галлакор колхозда. Очерк	106
Федосеев. Буюк рус мутафаккири ва революционери	116

РЕДКОЛЛЕГИЯ: Ойбек (мас'ул муҳаррир), Ғафур Ғулом, Яшиқ, Уғғун, Абдулла Қаҳҳор, Шайхзода, Ж. Шарифий, М. Ашр, Ҷ. Сами' Абдуллаев.

На узбекском языке

„ШАРК ЮЛДУЗИ“

№ 7

Орган Союза советских писателей Узбекистана

Объединенное издательство „Қызыл Узбекистан“ и „Правда Востока“

Ташкент—1948

„Шарқ Юлдузи“ редакциясининг адреси:
Тошкент. Биринчи май кўчаси, уй № 20. Телефон 32-689.

Боссига руҳсат этилди 19/VIII-1948 й. Р 04678. Қогоғ формати 60x92/16. Босма листи 8.
Бир листда 47000 ҳарф. Тиражи 6000. Нашр. №837. Бадоси 5 сўм.

Тошкент „Қизил Узбекистон“ ва „Правда Востока“ нашриёти босмахонаси. Заказ 872

Mr. —
W. H. D.

Бахоси б сўм